

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АКТ СОҲАСИДА КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ

М. АХМЕДОВА

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ НОТИҚЛИК

(услубий қўлланма)

Тошкент 2017

Нутқ маданияти ва профессионал нотиқлик. Услубий қўлланма/ ТАТУ. 118 б. Тошкент,
2017

Тузувчи Ахмедова М.Х.

“Нутқ маданияти ва профессионал нотиқлик” мавзусига доир мазкур услубий қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университети барча ихтисосликлари бўйича магистратура бўлими учун мўлжалланган. Ушбу курс магистрларда профессионал нотиқлик бўйича назарий ва амалий билим ҳамда кўнгилмалар ҳосил қилишга йўналтирилган. Қўлланмада фикрни баён қилиш усуллари, нутқ турларининг психологик тавсифи, нутқ техникаси ҳамда нотиқ нутқида вербал ва новербал компонентлардан фойдаланиш каби масалалар кўриб чиқилади.

Шунингдек, қўлланмадан ўз меҳнат фаолиятида инсонлар билан кўп мулоқотда бўлувчилар, яъни: педагог, психолог, филолог каби мутахасисларнинг бакалавриатура, магистратура босқичи талабалари, ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

© Муҳаммада ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

1-боб. НУТҚ МАДАНИЯТИ ФАН СИФАТИДА

Ҳозирги даврда бизнинг миллий маданиятимиз ҳар томонлама ўсмоқда. Бу айниқса моариф, санъат, адабиёт ва шу билан бир қаторда фан ва техника ривожида ҳам яққол сезилаяпти. Шулар натижасида ўзбек адабий тилининг меъёрлари ҳам ишланиб, такомиллашиб, катъийлашиб қолди. Нутқ меъёрларининг анча катъийлашганидан, стилистик равонлик ўсганлиги, нутқ маданиятига эътибор ортганидан далолат беради.

Нутқ маданиятини «мустақил фан» деб аташ ва уни маҳсус ўқитиш лозимлиги гояси ўзбек тилшунослигига ҳам пайдо бўлди.

Г.А.Абдураҳмонов шундай ёзади: “«нутқ маданияти» масалалари олий мактабларда мустақил фан сифатида ўқитилса яхши бўлади. Фақат олий мактаблардагина эмас, ўрта мактабларнинг юқори синфида ҳам нутқ маданияти номалари маҳсус ўқитилиши зарур”.

Нутқ маданиятини фан, ёки маҳсус мустақил соҳа деб таърифлаш, асосида объектив хақиқатга кўра анча илгарилаб кетган.

Нутқ маданияти алоҳида фан ёки тилшунослик фанининг маҳсус бўлими, деган масала хозирча мунозаралидир.

Тилшуносликда нутқ маданияти, тил маданияти тушунчалари тез-тез тилга олинадиган бўлди. Нутқ маданияти тушунчасини лисоний, илмий, илмий – амалий мундарижаси ҳозирда ҳам изчил белгиланган эмас.

Нутқ маданиятининг истиқболи граматика, фонетика лексикалогия орфография ва пунктуация қонуни - қоидаларининг илмий томондан пухта ишланишига ҳамда уларга тўғри амал қилинишига боғлиқ.

Нутқ маданияти тушунчаси нимани ифодалайди? Бу тушунчани номидан кўриниб турибдики, «Стилистика» фани каби нутқни ўрганади. Лекин «Стилистика»да нутқ бошқа нутқтай назардан ўрганилади: нутқ стиллари қайсилар? Улар бир биридан қандай фарқланади? Ҳар бир стилнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

«Нутқ маданияти» эса нутқка бошқа томондан ёндашади. Биргина стил доирасида одамларнинг нутқи турли хусусиятларга эга бўлади. Масалан: сўзлашув услуби, публистик услуб ёки бадиий услуб. Мана шу услубда гапирадиган одамларнинг нутқи баъзан равон, таъсирчан, баъзилари ўртacha таъсирчан, учинчи хил одамлар нутқи хеч эътиборни тортмайди. Мана шу хусусиятлар нутқ маданиятининг ўрганиш объектидир. Демак, бу фан шундай масалалар билан шуғулланади: одамлар мулоқотдаги нутқи сифатлими ёки сифатсиз? Нутқни қандай такомиллаштириш керак.

Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоб бериб, жамиятимизнинг моҳияти хусусида шундай деган эдилар: “Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавият ва ахлоқий қадриятларимизга таянади ва уларни ри вожлантиришга катта эътибор беради”. Ана шу маънавий ва ахлоқий қадриятлар инсон тафаккури, нутқий маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Зоро жамият маданияти нутқий маданиятсиз бўлмайди. “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”. (И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори).

Нутқ маданияти – тил нормаларини эгалламоқ яъни талаффуз урғу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонунларини яхши билмоқ, шунингдек, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шароитларга хос ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш, ифодали ўқиш ва сўзлай олиш маданиятини эгаллаш демакдир.

Нутқ маданияти деб юритилаётган ҳодиса бир қатор мураккаб, аммо мавжуд тил фактлари, илмий-амалий тасаввурлар, аниқ нутқий жараённинг, яъни аниқ нутқий кўринишнинг номи:

- 1) Тилдаги мавжуд тил ҳодисаси номи;
- 2) Нутқ маданияти талабларига жавоб берувчи аниқ нутқий жараённинг, яъни аниқ нутқий кўринишнинг номи;
- 3) Маданий нутқ ва у ҳақида кишилар онгига мавжуд бўлган аниқ норматик тасаввурларнинг номи;
- 4) Тилшуносликнинг илмий-тадқиқот обьекти бўлган нутқ маданияти ва у ҳақида мавжуд илмий тасаввурларнинг, муаммонинг номи;
- 5) Нутқ маданияти муаммосини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган тилшунослик соҳасининг номи тарзида талқин қилиш мумкин.

Нутқ маданияти амалий жиҳатдан нутқнинг хилма-хил муаммоларини тадқиқ қилувчи фан бўлиб, чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил, тил нормалари, нутқ, нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчиликлар ва хатолар, нутқий асарларнинг кўринишлари, нутқнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

Нутқ маданияти асарлари ҳам фан сифатида ўз текшириш обьекти ва вазифаларига эга унинг текшириш предмети тил қурилиши, адабий тил нормативлари ва нутқнинг коммуникатив фазилатларидир.

Нутқ маданияти асослари фани адабий тил нормалари, унинг тарихийлигини, тараққий этиб бориши, ундаги баъзи элементларнинг эскириши, янгиларининг пайдо бўлишини кузатиб қайд этиб боради.

Одам нутқ ёрдамида ўзининг фикрлари, ҳис-туйғулари, истакларини баён этади ва бошқаларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари, истакларини англаб олади.

Нутқ ички ва ташқи кўринишларга эга. Ички нутқ одамнинг ўз ичидаги гапирадиган пассив нутқи бўлиб, у иккинчи кишининг иштирокини талаб этмайди. Шунинг учун ҳам бу нутқ ўз-ўзига қаратилган нутқ саналади. Ички нутқ оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси сифатида хизмат қиласи. Ташки нутқ бошқаларга қаратилган ва назорат қилиш мумкин бўлган фаол нутқ бўлиб, у оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Оғзаки нутқ одатда товушли сўзлашув нутқи бўлиб, бу нутқ кўпроқ оҳанг ва турли имо-ишоралар билан алоқадордир. Унда мураккаб грамматик қурилмалардан фойдаланилмайди. Бу нутқда фикрни ихчам ифодали мақсадида тўлиқсиз гаплар кенг қўлланилади. Нутқнинг бу тури бир ва бир неча киши томонидан амалга оширилади. (Монологик диалогик нутқ).

Ёзма нутқ эса ҳарф ва сўзларнинг маълум қонуниятлари асосида ўзаро бирикуви, тиниш белгилари, ҳар хил ажратишлар, абзацлар, параграфлар ва гапларни грамматик жиҳатдан аниқ ва тушунарли баён этиш орқали рўёбга чиқади.

Маълум бир тил тарихида амал қилган, ҳозир мавжуд бўлган ва пайдо бўлиши кўзда тутилган ҳодисаларнинг жами ўша тил тизимини ташкил этади. Ҳар бир тил системаси ўзигагина хос бўлган томонлари билан бошқа тиллардан фарқланиб туради. Масалан, ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради.

Система ўзаро ички зиддиятга эга бўлган ҳодисаларнинг гурухланишига айтилади. Тил системалар системаси саналади.

Бирор тил жамоасида тил системасида мавжуд бўлган имкониятларнинг фойдаланиб келинаётган қисми **узус** дейилади.

Узус бир тилни бошқасидан ажратиб турадиган шартларни ҳам, тилнинг ички нормаларини ҳам ўз ичига олади. Узусли сўзлар йиғиқ сўзлар йиғиндисига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Диалектал лексика;
2. Сўзлашув лексикаси;
3. Анъанавий лексика;
4. Китобий лексика;
5. Илмий-терминологик лексика;
6. Касб-хунар лексикаси;
7. Архаизмлар;
8. Тарихий лексика.

Тил жамоаси афзал деб билган кўникмалар йиғиндиси тилнинг умумий меъёрни ташкил этади. Умумий меъёр **узул** меъёрдир. Умумий меъёр қардош тилларга нисбатан белгиланади. Ўзбеклар нутқини қардошлар тилидан ажратиб турадиган меъёрлар ўзбек тилининг умумий меъёридир. Маълум бир худудда тарқалган узус имкониятлари ўша худудида яшаётган аҳоли учун беистисно тушунарли бўлади.

Замонавий тилшуносликда инсон нутқи маданиятининг икки даражаси фарқланади – паст ва юқори. Паст даража, тилни дастлабки ўзлаштириш даражаси, учун нутқнинг тўғрилиги, ўзбек адабий тили меъёрларига амал қиласи етарли. Лексик, орофоэпик(фонетик), грамматик меъёрлар – сўз ҳосил қиласи, морфологик, синтактик меъёрлар мавжуд. Лексик меъёрлар изоҳли лугатларда сўз маъносининг изоҳи ва уларнинг бошқа сўзлар билан бирикмалари кўринишида берилади, бошқа тил меъёрлари эса адабий тил грамматикаси бўйича қўлланмаларда ва маълумотнома-лугатларда ифодаланади.

Агар сўзловчи ўз нутқи жараёнида талаффузда, сўз шакларини қўллашда, уларни ҳосил қилишда, гап тузишда хатоларга йўл қўймаса, унинг нутқи тўғри нутқ деб аталади. Бироқ бунинг ўзи кам. Нутқ тўғри, лекин ёмон бўлиши мумкин, яъни мулокот мақсади ва шароитига мос келмаслиги мумкин. Яхши нутқда минимум сифатида уч хусусият мавжуд: нутқ бойлиги, аниқлик ва ифодалилик. Бой нутқнинг кўрсаткичи бўлиб мавжуд лугатнинг катта ҳажми, морфологик шакллар ва синтактик қурилмалардан фойдаланишнинг хилмачиллиги ҳисобланади. Нутқнинг аниқлиги – бу фикр баёнини энг яхши усуlda ифодаловчи, унинг мавзуси ва асосий мазмунини ифодаловчи тил воситаларини танлаш. Ифодалилик

мулоқот вазифа ва шароитларига мос келувчи энг катта ўлчовлардаги тил воситалари ёрдамида ҳосил қилинади.

Агар сўзловчи тўғри ва яхши нутққа эга бўлса, у нутқ маданиятининг олий датражасига етишган ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, у нафақат хатога йўл қўймайди, балки мулоқот мақсадига мувофиқ равишда нуткни энг яхши усулда қуришни, бу жараёнда кимга ва қандай ҳолатда мурожаат этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳолатга мос келувчи сўз ва қурилмаларни танлашни билади.

Нутқ маданиятининг **юқори даражаси** – маданиятли кишининг ажралмас хусусиятларидан бири. Нутқни мукаммаллаштириш – ҳар бир инсоннинг вазифаси. Бунинг учун нутққа эътиборли бўлиш, талаффузда, сўз шаклларини қўллашда ва гап тузишда хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак. Доимо лугат бойлигини ошириб бориш, сухбатдошни хис қилишни ўрганиш, ҳар бир ҳолат учун мос келувчи сўз ва қурилмаларни танлашни билиш керак.

“Тил ва жамият” масаласи кенг ва кўп тармоқли. Энг аввало, тил ўз моҳиятига кўра ижтимоийдир. Унинг асосий вазифаси кишилар орасида алоқа воситаси ҳисобланади. Бу вазифа асосида ва у билан боғлиқ равишда тилнинг бошқа вазифалари ҳам мавжуд: ўзаро муносабат, хабар бериш, фикрни ҳосил қилиш ва шакллантириш. Бу вазифалар ҳам ижтимоий ҳисобланади.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ходисалар бўлиб, тил алоқа куроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурый, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ - бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчалик барча халқларда қадимдан мавжуддир. Бу тушунча муайян лингвистик меъёрлар, этик ва эстетик талаблар билан алоқадор бўлган тушунчадир. Демак, нутқ маданияти тушунчалик ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи (кўрсатувчи) этик ва эстетик категориядир, ходисадир.

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларда маълум «тил диди»ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ҳодисани ифода этади:

- 1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи;
- 2) маданий нутқ тушунчалик билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий муаммонинг номи;
- 3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шугулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири ўзининг мураккаб кўринишларига ва кирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштираслик лозим.

Шундай қилиб, нутқ маданиятига берилган энг муҳим таърифлар қуйидагилардир:

Нутқ маданияти-адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан биридир (Прага лингвистик мактаби).

Нутқ маданияти (тил маданияти)-бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир (Прага лингвистик мактаби).

Нутқ маданияти-тилни, унинг қонун-коидаларини онгли идрок қилиш, аник, равshan, ифодали нутқ тузা олиш маҳоратидир (А.Гуревич ва б.).

Нутқ маданияти-кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашидан иборатдир (Б.Н.Головин ва б.).

Нутқ маданияти-фақат тўғри нутқгина эмас, балки уқувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир (Г.О.Винокур ва б.).

Нутқ маданияти-тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир (А.И.Ефимов).

Нутқ маданияти-бу, аввало, фикрлаш маданиятидир. (Д.Э.Розенталь ва бошқалар).

Миллий ўзига хослиги билан ҳам ажралиб турувчи нутқ-маданий нутқдир (М.Агафонова).

Хулоса шуки, нутқ маданияти-тилни, алоқа ва аралашув куролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлик, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам шунчалик юқори савияда бўлади. Аксинча бўлса, унда нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлиши муқаррардир.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Кўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганди, албатта, маълум бир ўлчов(мезон)га асосланиш керак бўлади. Мана шу ўлчов(мезон) тишлигуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар бир лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида қўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қўйидагича қўрсатилади: 1. Диалектал меъёр. 2. Сўзлашув нутқи меъёри. 3. Арголар, жаргонлар меъёри. 4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қўйидагича тасниф қилинади:

Лексик - семантик меъёр.

Талаффуз - (орфо-эпик) меъёр.

Ёзув (графика) меъёри.

Фонетик меъёр.

Акцентологик (урғуни тўғри қўллаш) меъёр.

Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.

Сўз ясалиш меъёрлари.

Имловий меъёр.

Услубий меъёр.

Пунктуацион меъёр.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма қўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига ҳалқ қизиқчилари, асқиячилари, латифагуй ҳалқ шоир-бахшилари катта хисса кўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олингунга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиш, ривожланиш, стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш обьекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қўйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатдан фарқ қиласади.

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиқсан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама - қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари буйича текшириши лозим.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, факат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демак, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти

юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутади. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Ўқитувчи ҳам бундан мустасно эмас. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол шу жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукаммал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени кузатиб бориши, умуман, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари орқали ҳамда тинимсиз мустақил шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина касбий нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва хурмат муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи адабий тилда гапириши лозим. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти тўрт кўринишида намоён бўлади: сўзлаш, мутолаа қилиш, эшишиш ва ёзиш. Сўзлаш дейилганда, сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сўзлагандан сўзловчининг билими, маданияти, ахлоки, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш-ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа - ходисадан хабардор бўлади.

Нутқ-сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг муайян қўриниши ифода бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейилганда, айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчи ёки китобхонга тўлиқ ва аниқ етиб бориши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра, нутқ олдига муайян талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг коммуникатив сифатлари бўлиб, унда нутқнинг мантиқан тўғри, фикран аниқ, тузилишига кўра чиройли ва йуналишига кўра мақсадга мувофиқ бўлиши назарда тутилади.

Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозалиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги ва мақсадга мувофиқлиги унга қўйиладиган энг муҳим талаблардир.

Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Чунки нутқ тўғри бўлмаса, унинг бошқа коммуникатив сифатлари, яъни мантиқийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам птур етади.

Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан, икки меъёрга - ургу ва грамматик меъёрга қатъий амал қилиш талаб этилади. Ўқитувчи оғзаки нутқининг бу икки муҳим компоненти унинг нотиқлик маҳоратини белгиловчи бош мезонлар даражасига қўтарилиши табиийдир. Атамалар ва терминлар, тушунча ва иборалар ифодасида ургуни тўғри қўлламаслик ўқитувчи нутқидаги энг катта камчилик саналади.

Грамматик меъёрга риоя қилиш деганда, гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзак ва қўшимчаларни қўшишда хатога йўл қўймаслик, келишик қўшимчаларини ўз ўрнида қўллаш, эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали бўлакларнинг уларга боғланиш қонуниятлари тушунилади.

Аниқлик нутқнинг алоқавий сифатларидан бири бўлиб, у объектив борлиқ билан нутқ мазмунининг мослиги сифатида юзага чиқади.

Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан қуйидагиларни талаб этади:

а) тилнинг синонимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан кераклигини ажратиб, нутқда қўллаш;

б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг англатган маъноларини ҳар томонлама билиш;

в) сўзнинг кўп маънолигига жиддий эътибор бериш, кўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно кирраси кўзда тутилаётганини аниқ тасаввур қилиш фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно кирралари монелик қилиш-қилмаслигини кўз олдига келтириш;

- г) омонимларнинг хусусиятларини билиш, чунки уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;
- д) паронимларни билиш, улардаги товуш яқинликларига эътибор бериш;
- е) тор мұхитта ишлатиладиган, четдан кирган, касб-хунарга оид, архаик, эскирган, диалектизм сўзларнинг маъноларини яхши англаған ҳолда нутққа киритиши.

Нутқнинг тозалиги деганда, энг аввало, унинг адабий тил меъёрига мувофиқ келиш -келмаслиги тушунилади.

Нутқимизнинг соғлиғига, асосан, қуйидагилар таъсир қиласи:

1. Маҳаллий диалект ва шеваларга хос сўз, ибора, шунингдек, грамматик шакллар, сўз ва сўз бирикмаларининг талафзузи, ургуси.

2. Ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари.

Жаргонлар.

Вульгаризмлар.

Нутқда ортиқча такрорланадиган «паразит» сўзлар.

Канцеляризмлар.

Варваризмлар.

Санаб ўтилганлардан ўринсиз фойдаланиш кундалик нутқни ҳам, бадиий нутқни ҳам хирадаштиради. Ҳар бир нотиқ ўз нутқининг адабий меъёрлар даражасида бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим. Ўз шевасига хос бўлган тил воситаларини нутққа ўринсиз олиб кириш ҳам нутқни бузади. Аммо диалектизм ва варваризмлар бадиий асар тилида маълум бадиий - эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум гоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Нутқда ўринсиз ишлатилган бошқа тилларга оид сўзлар варваризмлар деб аталади. Жаргон – бирор гурӯҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажralиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб, ишлатадиган сўз ва ибораларидир.

Вульгаризмлар-дагал сўз ёки иборалардир(сўкиш, ҳақоратлаш, қўполлик, жоҳиллик кабилар).

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётди. Улар, асосан, сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотиқнинг ўз нуткини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади.

Нутқнинг мантикийлиги унинг асосий сифатлари бўлган тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади. Шунга кўра нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазият ҳам эътиборга олинади. Яъни, бунда нотиқ тингловчиларни уларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, нутқининг қандай қабул қилинаётганингача назорат қилиши зарурдир. Профессионал билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчи нутқининг аудиторияга мослиги унинг энг асосий сифат кўрсаткичи эканлигини доимо назарда тутиб сўзлаши лозим.

Тингловчилар тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ифодаланаётган фикрга ишонтира олиш нотиқлар олдиға қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юкорида айтилганидек, баён қилинадиган материални ва унинг мазмун ҳамда моҳиятини яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ, белгиланган режаси ҳам бўлиши керак.

Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам мұхим профессионал фазилат ҳисобланади. Бундай ҳолат нутқ сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишига самарали хизмат қиласи.

Нотиқ фикрларини ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр-мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлигига эришишда тилнинг тасвирий воситалари хисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, такрор ва адабий кўчимларнинг ҳам роли каттадир. Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалардан, айниқса, фразеологизмлардан унумли фойдаланиш зарур.

Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги жуда мухимдир. Нутқ маданияти-адабий тил меъёrlарини пухта егаллаш ва улардан нутқда тўлиқ фойдаланиш демакдир.

Тил - алоқа қуроли, тил - ҳаёт қўзгуси, тил - маънавият белгиси бўлиши билан бир қаторда ўқитувчи учун энг мухим методик восита сифатида катта хизмат қиласди. Инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб, уни коинот сарварига ва гултожига айлантирган омил ҳам тилдир. Инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари, тафаккур «мевалари» тил ва нутқ орқали юзага чиқади.

Сўзнинг тарихий - маданий, маънавий хизмати чексиз, албатта. Лекин тилнинг имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараённида очилади ва ўқитувчилар шу имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозим. Нутқ сифатсиз бўлар экан, тилнинг чексиз имкониятлари таълим-тарбия жараёнларида етарли даражада юзага чиқмай қолаверади.

Фарб донишмандларидан Р.Эмирсоннинг таъкидлашича, «Нутқ - қудратли куч: у ишонтиради, ундейди, мажбур этади». Бу гапда нутқнинг шундай фазилати таъкидланаяптики, у, биринчи навбатда, ишонтириш санъатидир. Ўқувчилар билан мулоқотда бўлаётган ўқитувчи ишонарли гапириши, нутқи далилланган, пухта асосланган бўлиши лозим.

Нутқ-ҳаракатдаги тилдир. Нутқ тил бирликларини ўзаро мантиқий боғлаб, уларни ҳаракатга келтиради. Нутқ-сўз, сўз биримларни ва гаплардан иборат бўлади.

Нутқ, нутқ одоби-инсоннинг маънавияти ва маърифатини белгиловчи асосий мезондир. Демак, кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос ҳолда адабий меъёрдаги ифодалар билан етказишидир. Хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни мукаммал билиши керак. Мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшлиқдан ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш ва мунтазам равишда машқ қилиш ҳамда тилга жиддий муносабатда бўлиш орқали эришилади.

«Ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади» (С.Иброҳимов).

Тилнинг дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби қатор вазифаларни бажаришига қарамасдан, унинг асосий функцияси кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаши ва уларнинг билим олишида қудратли курол эканлигига кўринади.

Айтиш мумкинки, жамият жамият билан шаклланган тилга эга, тилдан ўзи билганича ва фойдалана олганича фойдаланади. Тилнинг жамиятга таъсири жамиятнинг таъсири билан биргаликда кучайиб бормоқда. Бу таъсир давлат, маданият, фан, техника ва ишлаб чиқариш ривожланган сари ўсиб бормоқда. Тил меҳнатни ташкил этишда, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришда, муассалар фаолиятида, жамият аъзоларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш, адабиёт ва фан тараққиётида иштирок этмоқда.

Жамият тилга таъсир кўрсатаяпти, ўз навбатида тил ҳам кишилар хаётининг ва фаолиятининг турли соҳаларида иширок этиб жамиятга таъсир кўрсатаяпти.

Аниқ нутқ яратиш

Аниқлик нутқнинг мухим фазилатларидан бири сифатида қадимдан маълум. Фарб мутаффакирлари ҳам, Шарқ олимлари ҳам аниқликни нутқ сифатларининг биринчи шарти ҳисоблаганлар. Аристотел: «Агар нутқ ноаниқ бўлса, у мақсадга эришмайди», - деган бўлса, Кайковус: «Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг қушга ўхшагансан...»-деди.

Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан қуидагиларни ўрганиш ва уларга амал қилишни талаб этади:

- а) тилнинг синонимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан керакли варианктарни ажратиб нутқда қўллаш;
- б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг англатган маъноларини ҳар томонлама билиш; ножиддий, тахминий қўллашлардан қочиш, чунки бетайин сўз қўллаш нутқни бебурд қиласди;
- в) сўзнинг кўп маънолилигига жиддий эътибор бериш, кўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно қирраси кўзда тутилаётганлигини аниқ тасаввур қилиш; фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно қирралари монелик қилиш-қўймаслигини кўз олдига келтириш;
- г) омонимларнинг хусусиятларини билиш, чунки, уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;
- д) паронимларни билиш, улардаги товуш яқинликларига эътибор бериш;
- е) тор муҳитда ишлатиладиган, четдан кирган, касб-хунарга оида архаик, эскирган, диалектизм сўзларнинг маъноларини яхши англаған ҳолда нутққа киритиш.

Нутқнинг мантиқийлиги

Нутқда баён этилган фикрнинг қисмлари ва алоҳида фикрларнинг ўзаро мутаносиблиги мантиқийлик деб юритилади. Мантиқли нутқда гаплардаги фикрлар бутун нутқдан келиб чиқадиган фикрнинг қисмлари ҳисобланади, улар орасида зиддият бўлмайди. Мантиқийлик аниқликка суюнади. Бунда предмет аниқлиги, тушунчалик аниқлик ҳам муҳимдир. Ноаниқ нутқ мантиқий бўла олмайди. Нутқда мантиқийликка эришиш учун унда қўлланган сўзлар билан уларнинг предметлик маънолари мос бўлиши лозим. Бошқача айтганда, ҳар бир сўз нутқда қўлланганда ўзига бириклирилган маъненигина ифодалаши лозим.

Мантиқийликни таъминлаш икки шартга асосланади: биринчиси, экстралингвистик шартdir. Бу шарт тўғри мулоҳаза қилишнинг нормалари ва принципларини эгаллашни тақозо қиласди. Тўғри нутқ учун курашувчи киши энг аввало, мантиқий фикрлашни ўрганиши лозим. Ҳар қандай тафаккур кўриниши мантиқонунларига мос бўлиши керак. Сўзлаганда фикрнинг тартибига қаттиқ аҳамият бериш, фикрлашда мантиқий хатоларга йўл қўймаслик мантиқийликнинг гаровидир.

Иккинчи шарт соғ лингвистик бўлиб, нутқий тузилиш белгининг бир-бирига зид бўлмаслигини, мазмуний боғликларини уюштирувчи тил воситаларини билишни тақозо қиласди. Иккинчи шарт, нутқий алоқа сатҳида амал қилиб, баён этиш мантиғини эгаллашни буоради. Биринчи шарт билиш мантиғи бўлса, иккинчи шарт баён этиш мантиғидир. Баён этиш мантиғини бузганлик тингловчини нуткни тушунишга таъсир этади. Нутқни тушуниш бош масала экан, баён этиш мантиғи ўрганишга арзидиган масала бўлиб қолаверади.

Гап ичида мантиқийликни бузилишига қуидагилар сабаб бўлиши мумкин:

1. Маълумки, сўзлар ўз маъно доираларига мос келувчи сўз билангина бирика олади. Исталган сўзни исталган сўз билан бириклириш мумкин эмас. Бир-бирига мос келмайдиган тушунчаларни ифодоловчи сўзлар гап ичида биришиб қолсалар, фикрда мантиқсизлик юз беради. «Сонаторни-ўрмон мактаби врачига қизғин миннатдорчилигимни изҳор этаман. Бу одамнинг чехраси кулиб турганидек, у катта тажрибага ҳам эга». Бу гапда бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар (ташқи кўриниш ва мутахассислик тажрибаси) бир қаторга қўйилган.

2. Сўз тартибига эътибор бермаслик.

Гап ичида сўзларнинг ўзаро тўғри тартиби мантиқийликнинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилида сўз таркиби гапнинг синтактик тузилишига амал қиласди. Синтактик тузилиш сўз тартиби, сўз биримларни, эга, кесим ва бошқа гап бўлакларини жойлашувини белгилайди. Эга ва кесим гурухларининг ўзаро жойлашувини гапнинг муҳим бўлиниши белгилайди. Муҳим бўлинишга кўра, гапдаги сўзлар иккига: мавзу ва режага ажратилади. Мавзу тингловчига маълум нарсаларни, режага тингловчига айтиладиган янгиликни англалади. Гапдаги сўзларнинг жойлашуви уларни гапнинг актуал бўлинишига

кўра қайси компонентга: мавзу ёки режага киришига боғлиқдир. Услубий нейтрал гапларни мантиқан тўғри қуриш ўзбек тилида мавзунинг режадан олдин келишини талаб этади. Мухим ахборот гапнинг охирида бўлади. Бу қоиданинг бузилиши баёнда мантиқий изчилликнинг бузилишига, ундаги маънавий ургунинг ноаниқлигига олиб келади.«Ҳар бир тийинлик иш хаки фонди, моддий ресурсларнинг ҳисоби олиняпти» (газетадан).

Мантиқий алоқалар ва муносабатларнинг ифодалашнинг муҳим воситаларидан бири-кириш сўз, кириш бирикмалар, ёрдамчи сўзлар, боғловчилар ва юкламалар ҳисобланади. Гап бўлаклари, шунингдек, гаплар орасидаги мантиқий муносабатларни ифодалаш учун кириш сўз ва кириш бирикмалархизмат қиласи. Улардан тўғри фойдаланиш яхши нутқ яратишнинг гарови ҳисобланади.

Гаплар орасида мантиқийликнинг бузилишига қуйидагиларни кўрсатса бўлади: 1. Гапларни бир-бирига боғлашда юз берадиган хатолар. 2. Бир фикрдан бошқасига ўтишда юз берадиган хатолар. 3. Матнни абзацларга бўлишда хатоларга йўл қўйиш. 4. Матнни мантиқий шакллантириш, синтактик қурилмаларни танлашда юз берадиган хатолар.

Ҳар бир гапда нисбатан тугалланган қандайдир фикр ифодаланган бўлади. аввалги гапларда ифодаланган фикрни кейинги гапда ифодаланган фикр, одатда, ё ривожлантиради, ёки улардан келиб чиқадиган фикрларни хулосалайди. Шундай экан, кейинги гапни олдинги гап билан тўғри боғлаш муҳимдир. Гаплар бир-бирлари билан хилма-хил синтактик воситалар орқали боғланади. Баъзан улардан тугри фойдалана олмаслик кўзга ташланади.

Нутқ ифодалилиги

Нутқнинг муҳим фазилатларидан бири ифодалилигидир. Ифодалиликкина нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишини таъминлайди. Ифодалар содда, аммо катта мазмунга эга бўлган нутқ тингловчидан қизиқиш уйғотади ва унинг онгтига тез етиб боради. Ифодалилик нутқни назаридан қаралганда кишиларнинг нутқлари хилма-хилдир. Ҳатто бир мавзуга бағишлиланган турли кишиларнинг нутқи турлича ифодаланиши мумкин. Бундай нутқларнинг бирига тингловчи қизиқиб қараса, бошқасига нисбатан лоқайд муносабатда бўлади. Нутқни равон қилишда мавзу ва хабарнинг мантиқи, далилларнинг янгилиги, муаллифнинг таъсир ўтказиш воситалари, нутқнинг структура хусусиятлари муҳимдир. Биз А.Қодирий, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаххор, А.Орипов ва Э.Воҳидовларнинг кўпгина асарларини хаяжон билан ўқиймиз. Бунга сабаб нима? Масалан, Ўзбекистон мавзусида жуда кўп шеърлар ёзилган. Лекин Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Ориповларнинг шеърларини бошқалардан афзал кўрамиз. Ўз-ўзидан равshan бўладики, нутқнинг тузилиши, хусусияти, фазилати ҳамда хоссалари бизнинг фикр ва туйғуларимизни. диққатимизни ёрқинлаштиради, айтилганларда қизиқиш уйғотади. Ўз тузилиши, хусусияти, фазилати ва хоссалари билан тингловчининг фикр ва туйғуларини, диққатини ёрқинлаштирган, айтилганларга қизиқиш уйғотган нутқ ифодалидир.

Ифодали, шеърий нутқка мисол қилиб Ҳ.Олимжоннинг «Ўлка» шеърини кўрсатиш мумкин.

Ифодалилик биринчидан нутқ вазияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан эса, тилнинг тузилиши билан боғлиқдир. Ўқитувчининг дарсдаги нутқи ифодалилиги билан, тарғиботчининг маъруза ифодалилиги билан, АКТ юзасидан қилинган маъруза билан, халқаро кенгащда қилинган маъруза ифодалилигини бир қаторга қўйиб бўлмайди. Улар ташбеҳлар ва луғавий қатламларнинг, оҳангнинг кўринишлари билан бир-биридан ажralиб туради. Аммо ҳар қандай фикр алишувида ҳам ифодалилик зарурдир.

Нутқнинг ифодалилиги, талаффуз, урғу, лексика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис услуг билан алоқадордир. Демак, ифодалилик тил имкониятларининг ҳар хил соҳалари иштироқида юзага чиқади. Нутқда ифодалиликка қандай эриши мумкин? Тилшунос Б.Н.Головин бунинг еттига шартини кўрсатади.

Биринчидан, нутқ муаллифи тафаккурининг эркин, мустақил бўлиши, сийқаси чиқсан гапларга боғланиб қолган кишининг нутқи юксак ифодалиликка эриша олмайди, чунки бундай нотиқ эркин тафаккур қilmайди, нутқига шароитга муносаб ифодавий воситаларни кирита олмайди, улар устида ўйламайди, ўйлай олмайди.

Иккинчидан, нутқ муаллифи нима ҳақида сўзлаётганини, кимларга сўзлаётганлигини билиши, шунга қизиқиши, бепарво бўмаслиги лозим.

Учинчидан, тилни, унинг ифода воситаларини, имкониятларини яхши билиш (бунга тил фанини билиш орқали эришилади).

Тўртинчидан, тил услублари (бадий, илмий, публицистик, сўзлашув каби) хусусиятлари, хоссаларини билиш.

Бешинчидан, нутқий малака устида мунтазам ва енгил машқ қилиш. Бунда олинган билимни малакага айлантириш мухимдир. Сўзлаётганда киши узоқ ўйлаб нутқни ифодали қилувчи воситаларни топиб бериши, кераксиз воситаларни узоқлаштириши лозим. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Ўқиган бадий, илмий ва бошқа асарларнинг тилига онгли муносабатда бўлиш, тил воситаларини таҳлил этиш, ёдлаш, улардан фойдаланаб, нутқ сўзлаш машқлари ўтказиш ифодали сўзлаш юзасидан малака ҳосил қилишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Инсон доимо ўз нутқий малакасини бойитиш, ошириб бориши зарур.

Олтинчидан, сўзловчининг ифодали сўзлашга бўлган онгли ишончи, руҳан тайёргарлиги. Киши ўзига-ўзи менинг нутқим ифодасиз, сўзлашиш учун китоблар ўқишим, улардан тилнинг ифода воситаларини, мақол, хикматли сўзларни, ибораларни ўрганишим зарур дея олиши керак.

Еттинчидан, тилда нутқнинг ифодалилигини таъминловчи воситаларнинг бўлиши. Улар тилда борлиги учун ҳам биз ўз нутқимизда ифодалиликка эришамиз.

Тилнинг ифода воситалари дейилганда, одатда, троплар ва тасвирий шакллар тушунилади. Ҳақиқатда эса ифодалилик воситаларининг бошқа кўринишлари ҳам бор. Бу тушунча оддий товушлардан то услубача бўлган ҳамма имкониятларни ўзида қамрайди. Ҳаммага маълумки, сўзловчи бирор товушни нотўғри айтса, ёки аниқ айта олмаса, нутқни қабул қилиш анча қийинлашади.

Ифодали сўзлашни таъминловчи асосий манбаа сўзлар (лекция)дир. Тилдаги сўзлар лугавий-маъновий воситалар тилнинг тасвирий воситалари деб юритилади. Ўхшатиш (эпитет) ҳам, метафора ҳам, метонимия ҳам лугавий маънога асосланади. Баъзи бир шеърлар ифодали воситаларсиз яратилади. Эркин Вохидовнинг «Кўча ўртасида» шеъри иккита тўртлиқдан иборат.

Кундалик ва шеърий нутқ ҳар хил тузилади. Шунинг учун бир сўзнинг ўзи кундалик нутқда ва шеърий нутқда ифодасиз ҳам, ифодали ҳам бўлиши мумкин.

Маълумки, ифодалиликни таъминлашда ўхташиш, метафора, метонимия, синекдоха, муболага кабилар катта аҳамиятга эгадир. Нутқда бу воситалардан ўринли фойдаланаш унинг маданиятини оширади.

Ўхшатиш каби, сингари, -дай, -дек, каби воситалар билан ҳосил қилинади. Ўхшатиш нутқнинг ҳамма турлари учун ҳам мухимдир. Аммо у бадий нутқда кўпроқ учрайди.

Метафора нарсалар, ҳодисалар орасидаги ўхшашибликка асосланиб, бирига хос бўлган белги-хусусиятларни бошқасига кўчиришдир. Нарсалар ўзининг ранги, шакли, ҳаракат хусусияти ва бошқа белгиларига кўра, бошқа шундай белгиларга эга бўлган нарса номини олади. Бунда шу нарсалар учун умумий бўлган белги тушунчада сакланади.

Метафора ёпиқ қиёслаш маъносига эга бўлган сўз бирикмаларидир. Метафора маъносида уч қисм бўлади: 1. қиёслаш ҳақидаги хабар; 2. нима билан қиёсланаётгани ҳақидаги хабар; 3. қиёсланаётган нарсалар белгиси ҳақидаги хабар.

Синекдоха ҳам нутқнинг ифодалилигини таъминлайди:

Биз ҳам йўлда...Қуёш тупроқ васлидан,

Қизийди орқада, олдимиизда йўл.

Гўзал бўлиб кетмиш тупроқ аслидан,

Уруғсочиб ўтгач меҳнат номли қўл.(Зулфия)

Парчанинг кейинги икки мисрасида инсон меҳнати улуғланган. Ери аслидан гўзал қилиб юборган қўл орқали меҳнаткаш инсон англашилади, яъни қисм орқали бутунни ифодалаш билан гўзал ифодалилик яратилган.

Метонимия нарсаларнинг замон ва маконда ўзаро боғланишларига асосланади.

Фақат чуст дўпписи остидан тошган,

Кумуш ҳалқалардан оқиб тушар тер. (Зулфия)

«Кумуш ҳалқалар»нинг чуст дўпписи остидан тошиб туриши, уларнинг кўнғироқ соч ўрнида ишлатилганлигини англашга имкон беради. «Кумуш ҳалқалар» устида фикр юритган ўқувчининг хаёлига бирдан оқарган жингалак соч, улардан оқиб тушаётган қайноқ тер келади. Мисраларда шоир кўзда тутган фикрни осонликча англааб олади. Бошқа ифодалилик воситалари шу юқоридагиларга ўхшайди.

Нутқнинг бойлиги

Нутқнинг бойлиги (ранг-баранглиги) дейилганда, унда ишлатилган тил воситаларининг кўплиги, кам тақрорланганлиги, тингловчига кўрсатган таъсири тушунилади. Нутқнинг бойлигини аниқлаш анча мушкул бўлиб, икки нутқни бир-бири билан солиштирганда, қиёслаганда улардаги тил воситаларининг сўзловчи тутган ахборотларни юзага чиқаришда бажарган вазифаси устида мулоҳаза қилганда намоён бўлади. Олайлик, ўрта маълумотли бригадирнинг нутқидан, олий маълумотли ўқитувчининг нутқи албатта бойдир. Бунга биз ўз таассуротларимиз асосида ишонч ҳосил қиласиз. Тил қурилиш хусусиятлари билан бизда таассурот уйғотган нутқ бой, шундай таассурот кам бўлган нутқ қашшоқдир.

Кўпгина кишиларнинг оғзаки нутқида (баъзан ёзма нутқида ҳам) сўзлар кўп марталаб тақрорланади. Нутқда фикрни ёрқинлаштириш учун зарур бўлган тил воситалари ишлатилмайди. Бундай нутқни эшитиш кишига малол келади. Нутқ сўзловчи ўз олдига қўйган мақсадни тингловчига тўла етказа олмайди. Албатта, бундай нутқ сўзловчининг тилни яхши эгалламанганлигини, ўз нутқи учун қунт билан меҳнат қилмаганлигини кўрсатади.

Жаҳон адабиётига катта ҳисса қўшган кўпгина олимларнинг сўз бойлиги услубий жиҳатдан ўрганилиб чиққланган. Масалан, рус шоири А.Пушкин ўз асарларида 21197 сўздан, Шекспир 20000 сўздан, Сервантес 18000 сўздан, Абдулла Тўқай 14000 сўздан, Абай эса 6000 сўздан фойдаланган. Навоийшунос олим Бафоевнинг маълумотига кўра, улуғ шоир Алишер Навоий сўз ишлатиш борасида ҳам тенги йўқ шахс бўлган. Унинг асарларида тахминан 1376667 сўз ишлатилган. Бу тадқиқотчининг хабар беришича, биргина «Фаройибус-Сигар»нинг ўзида 7669, «Фарҳод ва Ширин»да 5431 сўз турли маъноларда қўлланилгандир. Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Ойбекнинг сўз хазинаси 25000 бирлиқдан иборат бўлган. А.Қаҳҳор 22000 сўздан фойдаланган. Афсуски, ўзбек адабларининг муаллифлик луғатлари бўлмаганлигидан, кўпгина йирик шоир ва носирларимизнинг сўз бойликлари тўғрисида маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз.

Умуман олганда, ҳозирги замоннинг олий маълумотли етук кишиси ўз нутқий фаолиятида 12000 тил бирлигидан фойдаланаши мумкин. Нутқнинг бойлигини белгилашда, фразеологик бирикмаларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбек тилшунослигига бу борада ҳам айтарли кўп иш қилинмаган. Биз профессор И.Кўчкортоевнинг А.Қаҳҳор фразеологизмларига бағишлиланган асарларинигина биламиз, холос. Ўзбек тили ибораларга энг бой тиллардан биридир. Уларнинг бир қисми олимларимиз томонидан тўпланган.

Нутқнинг ўринлилиги

Ўринлилик нутқнинг фазилатлари ичida энг муҳимларидан биридир. Чунки нутқнинг бошқа фазилатлари парча учун, нутқ сўзланиб турган шароит учун ўринли бўлсагина, ўзини кўрсата олади. Акс ҳолда, тўғрилик ҳам, ифодалилик ҳам англашилмайди. Ўринлилик нутқнинг маълум бир воқеа-ходисага, алоқанинг мақсади ва шароитига мослаб тузилишидир. Ўринли нутқ берилаётган маълумотга, тингловчиларнинг нутқ сўзланилаётган пайтдаги руҳий ҳолатига мос бўлади. Масалан, никоҳ тўйи кечасида айтилган нутқ билан иш юзасидан ўтказилган мажлисда сўзланган нутқ ўз сўз таркиби, курилиши, услуби, оҳангига билан бир-биридан кескин ажralиб туради. Ўринлиликка эришишнинг асосида тилнинг сўз бойлигини эгаллаш, ҳар бир сўзниң маъно қирраларини чуқур англаш ётади. Сўзловчи айрим сўз, сўз бирикмалари ёки ибораларининг лексик маъноларини яхши англамасдан

нутққа кириганды, мазкур тил воситалари муаллиф күзлөгөн маңынан англатмаганлыги учун мақсад түлиң жөзага чиқмайды, мантиқсизлик пайдо бўлади.

Мулоқот пайтида сұхбатдошларнинг шахсий руҳий ҳолатлари мухим аҳамият касб этади. Чунки, сўзловчининг нутқи унинг нутқи сўзланиб турган пайтдаги руҳий ҳолатига кўра турлича лексик таркибда ва оҳангда бўлиши мумкин. Бундай нутқ тингловчига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Энг ўринсиз нутқ-кўпол нутқдир. Кўпол нутқ тингловчи кайфиятини вайрон қилади ва руҳига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқнинг ўринлилиги ижтимоий жиҳатдан жуда мухим. Чунки, у бизнинг нутқий хулқимизни бошқаради.

ТИЛНИНГ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИ

Сўзловчи ёки ёзувчи ўзи баён қилаётган нутқни тингловчига ихчам, аниқ, таъсирчан ва тушунарли қилиб етказиб беришга ҳаракат қилиши шарт. Кўпинча бирор нарса белги хусусиятини тингловчига тушунарли, аниқ қилиб тасвиirlab бериш учун узундан-узоқ ва бирдан ортиқ гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундай вақтларда сўзловчи ёки ёзувчи айни шу фикрни баён қилиб беришда узундан-узоқ гапларни қаторлаштиришдан қочиб, бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда лўнда ва аниқ қилиб тушунтиришга эриша олади. Бундай воситаларни тилшунослик ва адабиётшуносликда ифода-тасвирий воситалар дейилади.

Тасвирий воситаларни оғзаки ва ёзма нутқда кўллашда қуйидаги шартларга риоя қилинади:

1. Тасвирий восита турини, табиати ва хусусиятини яхши билиш.
2. Тасвирий воситадан ўринли, меъёрда фойдаланиш.
3. Тасвирий воситани кўллашда муайян тизимга амал қилиш.
4. Тасвирий воситанинг руҳий тасвирини ҳисобга олиш.
5. Тасвирий восита билан мазмуннинг ўйғунлигини таъминлаш.

Троп ва унинг турлари

Ифодалилик, экспрессивлик ва аниқликни таъминлаш учун бирор нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчериш, ўхшатиш ёки сўзларни шу мақсадда умуман кўчма маңнода ишлатиш троплар дейилади.

1. Э п и т е т – (гр.изоҳлаш) – бадиий ифодаликни кучайтириш учун ишлатилади: *олтин куз, баҳмал қур, пўлат от каби*.

2. Ў х ш а т и ш – нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ, бўрттириброк кўрсатиб бериш;

Ёқут паёла, сувга тушган мушукдай, худди шундай ва ҳоказо.

3. М е т а ф о р а – (гр.кўчим) – образлилик, экспрессив бўёқ бериш ниятида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўз ёки ибораларни кўчма маңнода ишлатиш.

а) сода метафора: *гумбаз, илон, лочин...*

б) кенгайган метафора; *зангора кема, оқ олтин, пўлат қуши каби.*

4. М е т о н и м и я – (гр. бошқача ном бериш) ташқи ва ички томондан бир-бирига алоқадор нарса ёки ҳодисаларнинг номи бошқа нарса ёки ҳодисага кўчирилади.

Метонимия кўринишлари қуйидагича:

нарса (идиш) ичидаги нарсанинг маңноси ўша нарса (идишга) ўтказилади: *Бир товоқ (палов) бир коса (лагмон), бир паёла (чой).*

Муаллифнинг номи асарнинг номи билан қўлланади: *Ҳамзани ўқимоқ, Ҷўлпонни ёдламоқ каби.*

Ҳаракат ёки унинг натижаси шу ҳаракатни бажаришдаги восита, қурол билан алмаштирилади: *A.Қаҳҳор – қалами ўткир ёзувчи, унинг қўли енгил.*

Бирор нарса у ясалган материал билан алмаштирилади: *Атлас кийди, қогозини текширишиди ва ҳ.*

Маълум мамлакатда, давлатда ёки маълум ўринда яшаб турган кишилар маъноси шу ерга, давлат ёки мамлакатга кўчирилади: *Мажлисга бутун қишилоқ йигилди ва ҳ.*

Аниқ тушунча номи ўрнида мавхум маъноли от кўлланилади: *Мажлис раисга қаради: йигилиши қарор қилди ва ҳ.*

5. С и н е к д о х а – нарсаларнинг сон ёки бутун қисмлари орасидаги муносабатнинг назарда тутилиши.

Синекдоханинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:
бутун ўрнида қисм кўлланади.

Мўйлов кулиб қўйди. Унинг, ҳар қалай, ётиги бор.

Қисм ўрнида бутун кўлланади:

Беш қўл баравар эмас. Дастурхонга қаранг.

Жинс ўрнида тур ишлатилади: *пушка-курол, бедана-қуши, сазан-балиқ каби.*

А л л е г о р и я (гр. *личина*, *киноя*) – мавхум тушунчаларни аниқ нарса билан алмаштириш. *Кўрпангга қараб оёқ узат.*

С и м в о л – ҳаётий воеа, тушунча ва нарсалар ифодаси учун шартли равища кўчма маънода ишлатиладиган сўз: *тонг – ёшилик, тун – баҳтсизлик, қора – мотам.*

И р о н и я (гр. *кесатик*) – бирор шахс ёки унинг қилиғи, ҳодиса устидан кулиш: *Кам бўйманг! Қайт! Бопладингиз!*

А н т и ф р а з а – бирор шахс ёки нарсага хос бўлган у ёки бу хусусият кулгили оҳанг билан инкор қилинади: *ширин одам, нимжон аёл (семиз) каби.*

С а р қ а з м – (гр. *аччиқ*) шахс, нарса ёки ҳодисанинг салбий томонини кўрсатиш: *фариишта аёл, бежирим нусха, ёқимли иши каби.*

Услубий фигуралар

Тингловчи ёки ўқувчига умумий ҳиссий таъсир кўрсатувчи синтактик қурилмалар услубий фигуралар дейилади.

1. А н т и т е з а (гр. *қарама-карши қўйиш*) – қарама-карши тушунчаларни фикр, образ, нарсаларни, шахсларни характерларини қиёслаш ёки бир хил нарса-ҳодисаларнинг даража жиҳатидан қарама-карши ҳолатини тасвирлаш. *Кўзларда ёши, лабларда кулгу, янгича аза, янгича базм каби.*

2. Г р а д а ц и я – (лот. *зинапоя*) – нарса, белги, хусусият ёки ҳаракатнинг биридан иккинчисига кучлироқ ёки кучсозроқ маъно оттенкали синонимик ёки бир хилдаги сўзлар воситасида кучайтириб ёки камайтириб бориш орқали тасвирлашдир. *Ювиб, тараф, сениб, ўтиб, кучиб, опичлаб, Эй баҳтларни балогатга етказган она.*

3. Кўп боғловчилик ва боғловчисизлик – нутққа кескинлик, шошилинч тус, тезлик характеристини киритиш учун нотик ёки ёзувчи гапда лозим бўлган боғловчиларни атайлаб тушириб қолдиради ёки сокинлик, таъкидлаш маъносини киритиш учун боғловчиларни муайян тартибда кўллади:

Менинг халқимни рўёбга чиқарган, шод ва баҳтиёр қилган, нон ва ош, кийим ва устибоши, эътибор ва обрў берган нарса бу дўстликдир.

2-боб. НУТҚ ТУРЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

Нутқ турлари ва унинг хусусиятлари

Психология фанида нутққа ва нутқ фаолиятига бағишлиган бир талай илмий тадқиқот натижалари мавжуд бўлса-да, лекин бу борада умумийлик, таърифлар бирлиги, унинг эволюцион ва ижтимоий-тарихий таракқиётига оид қарашларда моҳият ҳамда шакл жиҳатдан ўхшашиблик йўқ. Нутқнинг нейропсихологик асослари, механизмлари, артикуляцион ва фонетик аппаратлари, психолингвистик тузилиши (фонема, флексия) тўғрисида илмий-амалий хусусиятли умумлашмалар ҳамда умумлашмалар умумлашмаси ишлаб чиқилмаган. Худди шу боисдан нутқнинг генезиси, унинг филогенетик ва онтогенетик хусусиятлари, пайдо бўлиши, ўсиши, ўзига хос тавсифланиши, босқичлари, фазалари, патологияси бўйича хилма-хил ёндашувлар мавжуддир.

Психологлар томонидан нутқ психологияк муаммо сифатида ўрганилиши ҳам ўзига хослик, унинг қирралари, шаклий тузилиши, мантиқан изчиллиги, таснифланиши, мавжуд бўлиб илмий талқинининг туб моҳияти, баёнийлиги билан ўзаро тафовутланади. Ёндашувлар таҳлилига тўхталишдан олдин нутқнииг психологик тавсифлари юзасидан мулоҳаза юритиш унинг таркибий жиҳати қийматини оширишга ҳизмат қиласди.

Бизнинча, нутқнинг муайян асосларига суюнган ҳолда ноанъанавий таснифини бериш унинг қийматини янада оширади, инсон-техника муносабатини амалий жиҳатдан намойиш қилган бўлади (одатда нутқ оғзаки ва ёзма туркумга ажратилар эди). Булар вербал ва новербал нутқ турларини ташкил этади.

Новербал нутқ

Генетик келиб чиқиши жиҳатидан новербал нутқ бирламчи ҳисобланади, чунки инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврида даставвал төвушсиз, сўзсиз нутқ турлари пайдо бўлган бўлиб, у ўз ичига шахс камолотининг йирик санасини қамраб олгандир. Инсониятда нутқнинг ҳозирги замон авлодига хос артикуляцион аппарати пайдо бўлгунга қадар, имо-ишора негизига қурилган. Маълумки, қадимги аждодларимизнинг нутқи ва нутқ фаолияти ҳозирги замон кишиларида қандай функцияни бажараётган бўлса, ўша даврда ҳам ҳудди шундай вазифани ижро этган. У даврларда ахборотлар, маълумотлар кўлами тор бўлганлиги туфайли инсонлар новербал нутқдан кўп даврлар муваффакиятли фойдаланиб келганлар. Авлодлар тарбияси, маълумотлар узатиш новербал нутқ орқали амалга оширилган, ижтимоий ва хусусий (шахсий) фикр узатиш ҳамда қабул қилиш ана шу тариқа намоён бўлган, тобора такомиллашиб борган.

Новербал нутқ турини шартли равища қўйидаги қўринишларга ажратиш мумкин:

1. имо-ишора,
2. мимика,
3. пантомимика,
4. эхологик, яъни акс садо,
5. сигнификация,
6. дактилогик (бармоқ нутқи).

Инсон ер юзасида ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки палласида асосий нутқ тури сифатида имо-ишора алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун этник стереотиплар асосида муайян кечинмаларни, маълум ахборотларни шахслараро муносабат жараёнида узатиш ва қабул қилишда ифодаланувчи товушсиз, лекин маъноли, мазмунли нутқ тури **имо-ишорали нутқ** дейилади. Масалан, ўзбекларда фикрни тасдиқлаш олд томонга бош силташ билан ифодаланса, ҳудди шу маънени булғорларда бошни сарак-сарак қилиш англашиб келади. Бир ҳалқда санаш бошмоддоқдан бошланса, бошқасида жимжилоқдан, бирисида бармоқлар букилса, иккинчисида ундай қилинмайди. Аксарият ҳолларда имо-ишора хис- туйгусиз намоён бўлади ва шахслараро муносабатнинг туб маънодаги ҳам куроли, ҳам воситаси функциясини бажариб келган. Лекин уни хис-туйгусиз деб номлаш ҳам илмий-амалий қийматининг пасайишига олиб келади, бу ҳолат унинг ижтимоий функцияни ўзида акс эттиради, шахслараро муносабат мағзини ташкил этиб келган, баъзида ҳозирги замонда ҳам ундан кенг кўламда фойдаланилади.

Мимика ва имо-ишоралар нутқнинг эмоционал (хиссиёт) томонларини ифодалаб берадиган ихтиёrsиз ҳаракатлардан иборат бўлади, ёки гапиравучи одам ўз нутқининг айrim жойларини уқтироқ, бўрттириб кўрсатмоқ учун атайн ихтиёрий равища қиласди ҳаракатларидан иборат бўлади.

Баъзан одамлар вазиятга қараб, мимика ва имо-ишоралардан нутқнинг қўшимча воситаси тариқасида фойдаланадилар. Масалан: зарур жимликни бузмай бирор фикрни билдиримоқ учун ёки нутқни эшилтириш қийин бўлган, лекин ўзи қўриниб турган масофага бирор фикрни хабар қилмоқ учун мимика ва имо-ишоралардан фойдаланилади. Лекин бу ҳолларда мимика ва имо-ишоралар товуш тилининг сўз ва гапларини ифодаловчи фақат белги бўлиб, айrim сўзлар ва гапларнинг оғизда ишлатилади.

Одамларнинг имо-ишораларини, мимикасини ва пантомимикасини эслатувчи хилма-хил харакатларни биз ҳамиша ҳайвонларда, айниқса, олий ҳайвонларда маймунларда ҳам борлигини кўрамиз. Бироқ, ҳайвонларнинг бу харакатларини одамларнинг имо-ишоралари, мимикаси билан бир хилдаги харакатлар деб хисоблаш мумкин эмас. Одамлар ўзларининг имо-ишораларида, мимикаларида ва ўзларининг айрим товуш бирикмаларида ўзларининг ички ҳис ва туйгуларини ифодалайдилар. Лекин, шу билан бир вақтда, одам бу харакатлардан нутқ элементлари тариқасида ҳам фойдаланиши мумкин, жумладан, одам шулар орқали нарсаларнинг маносини ифодаланиши, у ёки бу нарсаларни кўрсатиши, нарсаларни тасвирлаб бериши мумкин.

Юз харакатлари (физиономия) ёрдамида инсонни инсон томонидан идрок қилиш, ўзгалар фикрига жавоб қайтариш, тана аъзолари рангининг ўзгариши ҳисобига шахслараро муносабатга киришишда намоён бўлувчи новербал нутқ турига **мимика** дейилади. Табассум, жилмайиш, мийигида қулиш, лаб қисиши ва чўчайтириш, тил чиқазиши, қош учириси ва сузиши, хуллас турли психологик холатларни, айниқса хиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятли нутқ тури мимика бўлиб хисобланади. Мимика ёрдами билан ҳақгўйлик, қувлик, ёқтириш ва ёқтирасмлик, самимилик ва иккюзламачилик, ҳасад: қувонч, қайғу, баҳтиёрлик, сингари юксак туйгулар намойиш этилади. Хуш ёки ноҳуш кечинмалар акс этилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда муомала жараёни ёки қисқа муддатли, у узоқ муддатли вақт мезонини намоён қиласди, аянч, баҳт ҳисларини ифодалаб келади. У моно вазиятни, диада, триада, полиада кўринишидаги шахслараро муносабат шаклларини яққол акс эттиради, фикрни узатиш, қабул қилиш, таъсирланиш, рухланиш каби функцияни бажаради. Ҳаётий тажрибанинг кўпайиши билан ички кечинмаларни (интериоризациялаш) ташки воқеа ҳодисаларга алмаштириш (экстериоризациялаш) билан якунланади, кўпинча индивидуал ва ижтимоий тарбия вазифасини бажаради.

Юз харакатлари, тана аъзолари, қадди-қомат ёрдами билан фикрларни узатиш, сюжетли қоидали, маъноли, драматик кечинмали новербал нутқ турига **пантомимика**деб аталади. Ўз моҳияти кўлами билан мимикадан устувор хусусиятга эга бўлиб, ахборотлар, интим холатлар, мураккаб кечинмалар юзасидан ўзгаларга маълумот узатиш тарзида хукм суради. Инсонда турмуш тажрибаси ортиб бориши, касбий фаолият мазмунини ролларга ва сюжетга асосланган ҳолда сценарийсини яратиш, вазиятга қараб қиска ва узоқ муддатли информатив функцияни бажаради. Пантомимика юмор ҳиссини, кўрқинч туйгусини, заҳмат образини, даҳшат кечинмасини ўзида акс эттириб, кўпинчакоммуникатив функцияни ижро қиласди, хиссий алоқа ўрнатиш орқали таассуротлар мукаммаллиги таъминланади.

Ташки таъсирланиш ва унинг тескари алоқаси кулгига, кўз ёшларида (хоҳ қувончли, хоҳ қайғули бўлишидан қатъий назар) ифодаланиб, ассоциацияларни жонлантиради ва кўламини кенгайтиради. Пантомимика саҳна ҳаракатига нисбатан қобил, истеъдодли, иқтидорли салоҳият намунасини намойиш этиб, маҳсус қобилиятли шахслар томонидан мақсадга мувофиқ равишда ижро қилинади, лекин истисно тариқасида ўқитувчилик фаолиятида ҳам унумли фойдаланилади. Яққол руҳий ҳодисалар, холатлар, хусусиятлар, шахснинг фазилатлари пантомимика ижроси давомида фаолият субъекти томонидан бажарилади.

Айрим ҳис-ҳаяжонли шартли товушларда мужассамлашган ахборот узатиш ва қабул қилиш мақсадини амалга оширувчи, табиий тўсиқларга урилиб қайтувчи алоқа воситасига **эхологик** ёки **садо нутқи** дейилади. Эхологик ёки акс садо нутқ тури бир томонлама алоқа (тоғ-инсон, инсон-жисм) негизида вужудга келади, кўпинча индивидуал товуш ҳаракати жавоб, масофа функциясини ижро этади. Лекин акс садо орқали тоғларда, калин ўрмонларда икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида алоқа куроли сифатида муайян аҳамият қозонади. Фазовий тасаввур қонунияти асосида шахслараро муносабат ўрнатилади, маълум шартли белгилари ўзаро билвосита мулокот воситаси ролини ижро қиласди. Экстремал фавқулотдаги ҳодисалар юз бериши жараёнида шартли товушлардан тузилган алоқа усулидан фойдалинилади. Товушларнинг қайтиши fazovий чамалаш, муайян мўлжал олиш учун хизмат қиласди, кўрқинч, ҳаяжон, умид, ишонч туйгуларининг алоқага киритувчи шахслар руҳий дунёсида мужассамлашини таъминлайди.

Новербал туркумга кирувчи сигнификация бошқалардан ўз тузилиши, мазмуни, шакли билан кескин ажралиб туради. Аниқ шартли аломатлар орқали муайян мантиқий юкламани ўзида акс эттирувчи коммуникатив хусусиятли новербал нутқ тури **сигнификация** дейилади. У шартли белгилар, сигналлар, моделлар шаклида ифодаланиши мумкин. Узоқ масофаларга хабар ёки маълумот узатиш ва қабул қилиш воситаси сифатида Морзе алифбоси ва шунга ўхшаш «сунъий тил» номи билан машҳур коммуникатив манбалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир «сигнал» ўз кўлами, такрорланиши суръати, тембри, частотаси билан муайян маълумот узатиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, шартли аломатлар негизида мазмун ёки моҳиятётади («доза», «порция» деб иомланади). Морзе алифбоси ва шунга ўхшаш ҳозирги замон алоқа курилмалари қўл ёрдаси билан (асбобни босиши орқали) хабар узатишга ёки қабул қилишга мўлжалланган. Ҳозирги замон рациялари ҳам худди шунга ўхшаш коммуникация қуороли вазифасини бажаради.

Новербал нутқнинг яна бир тури дактиологик (бармоқ) нутқ деб аталади. Инсон тана аъзолари, имо-ишоралар, мимика, хуллас ҳиссиёт ёрдами билан муомала ўрнатишга қаратилган алоқа воситаси **дактиологик (бармоқ) нутқ** дейилади. Сўз орқали ифодаланувчи нутқ мазмуни маъноли қўл, юз ҳаракатларига, айрим ҳаяжонли садога, қаҳр-ғазаб, илик табассум, қаҳқаҳага кўчирилади. Ҳаракатнинг такрорланиши ахборот мазмунини бойитади, кучайтиради, маълумотлар узлуксизлигини таъминлаб туради. Умумбашарий хусусиятли нутқ воситаси дактиология фани номи билан юритилади ва маҳсус ўқитиш, ўргатиш орқали ундан фойдаланиш кўнинкаси ҳамда малакаси соқов ёки кар-соқов одамларда шакллантирилади. Ҳатто уларда савод чиқариш ҳам худди шу тамойил негизида қурилади. Табиат ва жамиятга нисбатан муносабат, шахсларро муомала, маълумот алмашиш шу нутқ ёрдами билан ифодаланади.

Кар-соқов (гунг) одамлар имо-ишора ва мимикадан алоқа воситаси тариқасида фойдаланишга мажбурдирлар, чунки улар оғзаки нутқ товушларини эшитмайдилар. Ёзув ҳам нутқнинг моддий воситасидир. Лекин ёзув тилнинг қандайдир алоҳида тури эмас, ёзув тилдан фойдаланишнинг факат алоҳида усулидир. Оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам биз айни бир товуш тилидан фойдаланамиз. **Оғзаки нутқ** эшитиш органлари воситаси билан идрок қилдиришга мўлжалланган нутқдир. **Ёзма нутқ** эса ҳарфлар ва белгилар ёрдами билан товушлари, сўzlари, гаплари кўз билан идрок қилдиришга мўлжалланган нутқдир.

Кўрлар учун ўйлаб чиқарилган маҳсус ёзув (Брайл системаси) бор, у мускул-тери сезгиси органлари ёрдами билан идрок қилдиришга мўжалланган нутқ воситасидир. Бу ёзув ҳам товуш тили асосига кўрилган ёзувдир.

Кар-соқовлар (гунглар) ҳам ўқитиш натижасида ёзма нутқни билиб оладилар, улар шу нутқ воситаси билан товуш тилининг бутун бойлигини ҳам билиб оладилар. Улар ёзма нутқдан фойдаланиб, бошқа кишилар билан тўла-тўқис алоқа қила биладиган бўлиб оладилар ва ҳамма нормал кишилар сингари камол топаверадилар.

Новербал нутқни шартли равища қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) товушсиз: а) имо-ишора, б) мимика, в) пантомимика, г) дактиологик; 2) товушли: а) эхологик (акс садо), б) сигнификация (шартли белгилар, сигналлар, моделлар).

Вербал нутқ туркумини шартли равища қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) оғзаки, 2) ёзма, 3) монологик, 5) полиологик, 6) ташки, 7) ички, 8) экспрессив, 9) импресив, 10) лаконик (катра, йигик), 11) эпик (ёйик), 12) аффектив (жахл ҳолатидаги).

Инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даври таҳлил қилинганда генетик келиб чиқиши жиҳатидан бирламчи қаторида оғзаки нутқни келтириш жоиз. Оғзаки нутқ новербал туркумдан кейин пайдо бўлган нутқ туридан бири ҳисобланади ва у шартли равища қуйидаги нутқ кўринишларини қамраб олади: монологик, диалогик, полиологик, ташки, ички, экспрессив, импресив, лаконик (йигик, катра), аффектив (ҳис-ҳаяжон, жахл).

Новербал нутқ ўзининг асосий функциясини бажариб бўлганидан сўнг (унинг маълум таркиблари фаолият кўрсатишда давом этиб келмоқда) ахборот узатиш, тажрибаларни эгаллаш, инсонни камол топтириш ва шунга ўхшаш вазифалар табиий равища оғзаки нутқ зиммасига юкланган. Жарангли, жарангизсиз фаол, суст, ҳис-ҳаяжонли, монотон, юксак суръатли, шивирлаш кўринишидаги оғзаки нутқ хусусиятлари ва қонуниятларини ўзида

мукаммаллаштирган ҳолда алоқа куроли, воситаси тариқасида мумомала таркибларини акс эттиради. Коммуникатив хусусиятли ахборотлар оддий хабар, сўроқ, ундов маъносини англатувчи маълумотлар оғзаки нуткнинг мураккаб ҳамда ранг-баранг тузилишига эга эканлигидан далолат беради. Оғзаки нутқ шахслараро муносабатнинг пухта негизини ташкил этиб, мақсадга йўналтирилган ёки тасодифий вазиятлар моҳиятидан келиб чиқиб узоқ ижтимоий-тариҳий тараққиёт даврида ўз устуворлигини сақлаб келмокда, тилнинг такомиллашуви бевосита оғзаки (жонли тилда) нутқда намоён бўлади, истеъмолда эскирган сўзлар эски (архе) тушунчалар, атамаларга айланиб боради. Худди шу боис миллатга хослик мавжуд бўлса-да, лекин шахсларни ўзаро катта тарихий давр ажратиб турса, у ҳолда бир-бирларини тўла тушуниш қийинлашади. Худди шундай ҳолатни географик мухит, худудий фарқ, лаҳзаларга оидлик, шевалар, этник алоҳидаликни келтириб чиқаради, аммо ахборотларни идрок қилиш ва тушунишдаги бундай қийинчиликларни адабий тил бирлиги бартараф қиласи (Хоразм. Наманган шеваси ва ҳоказо).

Вербал нутқ

Нутқ ўзининг ташки ифодаланиш усулига қараб оғзаки ва ёзма нутқка ажралиб қолмасдан шу билан бирга, қандай вазифани бажаришига ва синтактик тузилишининг хусусиятларига қараб ҳам бир-биридан фарқ қиласи.

Нутқ ўзининг бажарадиган вазифасига қараб, ички ва ташки нутқка бўлинади.

Ички нутқ

Муайян ахборотларни тартибга келтириш, ғояларни яратиш, фикрий дастурни ишлаб чиқишига мўлжалланган, лекин латент давридаги маълумотлар мажмуасидан тузилувчи нутқ тури **ички нутқ** дейилади. Ички нуткнинг мухим хусусиятларидан бири - бу кўлам жихатдан ташки нутқдан кенгроқ эканлигидир. Иккинчи бир хусусияти эса тафаккурнинг механизми функциясини бажаришдир.

Ички нутқ деб «кўнглида» айтиладиган нутқка айтилади. Биз тафақкур фаолиятида ҳар вақт ички нутқдан фойдаланамиз. Бу нутқ, ҳатто киши қаттиқ гапирмаган вақтда ҳам, ўз она тили асосида фикр юритишга имконият беради. Кишилар одатда қайси тилда сўзлашсалар ўша тилда ўйлайдилар. Ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалашдан олдин киши уни «кўнглида», яъни ички нутқида гапиради.

Ички нутқ қисқартирилган, йигиштирилган характерга эгадир. Бу шу билан тушунтириладики, фикр предмети ўзининг айни маъносида киши учун тамомила равшан бўлади ва шунинг учун кенгайтирилган сўзларда таърифлаб бериш талаб этилмайди.

Биз фикр юритиш процессида қийинчиликни бошимиздан ўтказсак ёки тафаккурнинг ёки бу томонини тасдиқлаш ёки инкор этишни хоҳласак, одатда ички нутқ ёрдамига мурожаат қиласи.

Ички нутқ шундай бир нутқдирки, унинг ёрдами билан фикрлар бошқа одамларга маълум қилинмасдан олдин ичда ифодаланади.

Ички нуткнинг ўз хусусиятлари бор. Бу нутқ, кўпинча товушлар овоз чиқариб айтмайдиган нутқдир, бу нутқ одам «ўз ичидаги гапирадиган» нутқдир. Баъзан ички нутқ «ташқарига» чиқади, яъни товушлар овоз чиқариб айтилади. Бирор нимани фикр қилаётган одам қандайдир қийинчиликка учраб қолганида, шунингдек, хиссиёти қаттиқ қўзғалиш натижасида ҳаяжонланиб кетганида ёки ўзининг олдида бошқа одамлар бўлмаган вазиятда у, ўзи сезмаган ҳолда, «овоз чиқариб ўйлайди» — овоз чиқариб ўз-ўзи билан гаплаша бошлайди. Одам якка қолиб, ўз ичидаги ўйлаб ўтирганида кўпинча имо-ишора ва мимикадан ҳам фойдаланади. Кичкина болалар кўпинча «овоз чиқариб ўйлайдилар», гаплашиб ва [1] ҳаракат қилиб туриб фикр қиласидилар.

Шакл жихатидан ички нутқ кўпроқ монолог тарзида содир бўлади, ички нуткни одамнинг ўз-ўзи билан ва ўзича гаплашуви дейиш мумкин. Лекин баъзан ички диалог шаклида, хаёлдаги суҳбатдош билан гаплашиш ёки мунозара қилиш тарзида ҳам содир бўлади.

Синтаксис тузилиши жиҳатидан кўпинча ички нутқ қисқартирилган, бўлак-бўлак гаплардан иборат бўлади. Ички нутқда гапнинг фақат айрим бўлакларигина, асосан эга бирмунча аниқ қилиб ифодаланади («ичдан, ўз- ўзига» айтилади). Ички нутқ овоз чиқариб «айтиб юборилганида» ҳам ўзининг шу хусусиятини сақлаб қолади. Масалан, поезддан кечга қолган йўловчи вокзалга яқинлаша туриб соатга қарайди ва шу оннинг ўзидаёқ, ўзига керакли поезднинг кетган ёки кетмаганлигини ўзича ҳал қилиб, ўз фикрини овоз чиқариб айтилган: «Эх, кетиб қолибди-я!» деган сўз билан ифодалаб юборади. Бунда фақат кесимнинг ўзигина ифодаланади. Лекин шу кишининг ички нутқида (ичида, ўз- ўзича нутқида), албатта, гапнинг бўлаклари, бошқа сўзлар ҳам бўлади, фақат гапнинг шу бўлаклари унчалик шаклланмаган бўлади, шу сабабли, гапнинг шаклланмаган шу бўлаклари дарҳол ташқарига чиқмайди, эшиттирилиб айтила қолмайди. Бу ҳолда фақат биргина кесим билан айтилган фикр поездга худди шу кишидек шопшилиб келаётган ва мана шундай шубҳага тушиб қолган бошқа кишиларгагина тушунарли бўлади. Ички нутқнинг тўлиқ бўлмаслигига, бўлак-бўлак бўлишига сабаб шуки, тафаккур обьекти ва шу тафаккур содир бўлаётган вазият фикр қилувчи кишининг ўзига равшандир ва тўлиқ гап билан қайд қилинишини талаб этмайди. Нутқ тафаккур обьектида тасдиқланадиган ёки инкор қилинадиган нарса устидагина тўхталади.

Ички нутқ, одатда, ихтиёrsиз равища ўтади. Бунда тафаккур жараёнларининг ўзи ихтиёрий равища, маълум куч сарфлаш йўли билан ҳам бориши мумкин. Лекин ихтиёрий тафаккур жараённинг боришига ёрдам берган ички нутқ ихтиёrsиз равища ўз- ўзича майдонга чиқади дейиш мумкин. Ички нутқ диалог шаклида содир бўлган ҳоллардагина ихтиёрийлик моментлари пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ички нутқ ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ҳам ташқи нутқ тузилишига яқинлашиб қолади. Ички нутқнинг характерли белгиси шуки, бунда товушларнинг артикуляцияси кўзга кўринмайди. И.М.Сеченов буни қуидагича тасвирлайди: «Мен фикр қилаётганимда жуда кўп вақт оғзимни очмай ва ёпиб туриб, гапираверман, яъни оғиз бўшлиғидаги тил мускуллари ҳаракат қиласкеради. Бирор фикрни, асосан бошқаларга уқтироқчи бўлиб, ифодалашга уринган ҳолларнинг ҳаммасида эса шу фикрни албатта пи chirlab тақрорлаб турман».

Ички нутқнинг кўзга кўринмайдиган мана шундай артикуляцияси борлиги ҳозирги вақтда экспериментал йўл билан исботланган.

А.Н.Соколовнинг тажрибалари кўрсатадики, янги фикрий масалаларни ечишда нутқ органларининг активлиги ортади ва ички гапириш процессининг вақти кенгаяди: Бундан шундай хulosса келиб чиқади: ўқувчилар янги ва мураккаб ўқув материалини ўйлаётгандаридан ўқитувчи уларни шоширмаслиги керак. Ички нутқда етарли расмийлаштирилган фикр ташқи нутқда ҳам равон ифодаланмайди.

Ташқи нутқ

Ташқи нутқ бошқа одамлар билан алоқа қилишимизда фойдаланиладиган нутқдир. Бу нутқ бирон кишига қаратилган, бирон нимани хабар қиладиган нутқдир.

Артикуляцион аппарат орқали вужудга келувчи, вербал ҳолатларда акс этувчи, ўзгаларга йўналтирилган, ҳар хил хусусиятли вазиятларда намоён бўлувчи нутқ турига **ташқи нутқ** деб аталади. Тилнинг барча қоидалари ва қонуниятлари унда мужассамлашган бўлиб, узатиш ва қабул қилиш, идрок этиш ва тушунишдан иборат муомала қуроли, воситаси вазифасини ижро этади. Нутқ, темпи, тембри, ритмикаси ва частотаси мавжудлиги учун ахборотларни тинглаш ва идрок қилиш енгилроқ кечади.

Ташқи нутқнинг ўзи ҳам оғзаки ва ёзма нутқка бўлинади.

Оғзаки нутқ

Пауза, мантикий урғу, тембр, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташкилий қисмлар ҳамда механизmlарни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи нутқ тури **оғзаки нутқ** деб аталади.

Оғзаки нутқ - бошқа кишилар билан бевосита қилаётган алоқамизда фойдаланилаётган нутқдир. Бу нутқ одатдаги гаплашув нутқидир. Бу нутқ ҳамиша бошқа кишиларнинг эшитиш

органлари ёрдами билан идрок қилишлари учун мўлжалланган «товоруши» нуқтадир. Шу сабабли, одатда, оғзаки нутқ овоз билан ва (баъзан) шивирлаб айтилади. Оғзаки нутқ вақтида, одатда, гапираётган киши бу нутқни мимика, имо-ишоралар билан ишлатади.

Оғзаки нутқнинг характерли хусусияти шуки, бу нутқ сухбатдошлар ўртасида бўлади. Сухбатдошнинг ёки сухбатдошларнинг бундай иштирок этиши уларнинг гапираётган кишининг нутқига диққат қилиб туриши, саволлар бераб туриши, сўз ташлаб туришидан иборат бўлади; сухбатдошлар гапираётган кишининг фикрига эътиroz билдирадилар, ёки бу фикрга ўзларининг рози бўлганликларини изҳор қиласидар, ёхуд шу фикрни кенгайтирадилар.

Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг қиррали эканлигини билдиради.

Оғзаки нутқ хусусиятлари сифатида қуидагиларни кўрсатса бўлади:

Оғзаки нутқ тезкорлик билан (автоматик тарзда) амалга ошади. Тушунчалар билан унинг либоси бўлган сўз биргаликда яшин тезликда тилга кела бошлайди. Баъсан тушунчани ифодаловчи сўзни ўша тезликда сўзловчи топа олмай қолади. Унга яқин ёки ўйланган тушунчани ифодалай олмайдиган сўзларни ишлатиб юборади. Натижада, айтилган нутқ (гап, гаплар) кўзланган мақсадни (фикри) тўлиқрўёбга чиқармайди. Бундан тингловчи ҳам сўзловчи ҳам зарар кўради.

Оғзаки нутқда сўз бирликлари ва гапларни модуллари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилишини, моделларини, ақл назорат қилиб боради. Фикрни айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади. Агар хотира озгина дангасалик қилса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланмай қолади. Чунки янги қисм аввалги қисмни унтилгани учун у билан мослаша олмайди. Масалан: «Устоз, сизни ... ҳалқ олдида қилган улкан хизматларингиздан биз миннатдормиз». Мисолда сўзловчи нутқнинг “устоз сизни” қисмини айтгандан сўнг уни қандай риволантириш устида қилган мулохазаси жараёнида аввалги қисмни, ўйланган модельни унтиб қўйган. Шу сабабли тушум келишигига келган сўз кейинги қисмлар билан грамматик ва мантиқан боғланмай қолган.

Оғзаки нутқ таҳир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиқка келган бўлса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади.

Оғзаки нутқда, одатда, мулоқот учун энг зарур нарсаларагина зухур этилади. Бу бир томондан вақт иқтисоди билан, иккинчидан, нутқ кучини тежаш билан боғлиқ. Шунга кўра унда узундан-узок кириш кенг изохлар кам учрайди. Айниқса, ходисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчи ва сўзловчиларга равшанлиги даражаси хисобга олинади. Фақат зарурат ҳис этилгандагина, аввалдан маълум нарсаларга изоҳ берилади.

Оғзаки нутқ сўз бойлиги жихатдан ёзма нутқка нисбатан онги камбағал бўлади. Унда бир хил сўзлар, бир хил шакллар бир қадар кўпроқ тақрорланади. Бу ҳол тил воситаларни танлаш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

Оғзаки нутқда сўзловчининг фаол тутқий харакати тухтам (пауза), оҳанг, ургу, турли хил имо-ишоралар фикри тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади.

Сухбатдошларнинг оғзаки нутқда қатнашишлари қай характерда ва қай даражада бўлишига қараб, оғзаки нутқ икки шаклга бўлинади. Буларнинг бири диалог нутқ (диалог) ва иккинчиси монолог нутқ (монолог) деб айтилади.

Оғзаки нутқнинг дастлабки туридан бири - бу монологик нутқдир. Якка шахснинг ички кечинмаларини тил механизmlарига асосланган ҳолда акс эттирувчи, унинг ўзига қаратилган (эгоцентрик), таъсирланишини ифодалашга ва ахборот узатишга мўлжалланган нутқ тури **монологикнутқ** деб аталади. Унда шахсий ҳис-туйғуларининг ички ва ташки шакллари уйғунлашади, шунингдек, ўзгалар фикрини ифодали ўқишида ҳам ўз аксини топади. Одатда монологик нутқда фикрлар қисқартирилмайди, мабодо бу коида бузилса, ахборот маъносини тушуниш қийинлашади. Ҳис-хаяжоннинг ташки ва ички кечинмалар ҳамда уларнинг механизmlари аник, равон, изчил акс эттирилади.

Монолог нутқи кишиларнинг алоқа тажрибасида катта ўрин эгаллади ва жуда хилманил оғзаки ва ёзма равишда сўзга чиқишиларида намоён бўлади.

Нутқнинг монолог формаларига лекциялар, докладлар, мажлисларда нутқи сўзлашлар, эълонлар, буйруқлар ва бошқа кўп оғзаки ва ёзма ахборотлар оиддир. Монолог нутқнинг ҳамма формаларининг умумий ва характерли хусусияти унинг ҳақиқий ёки ҳаёлий эшитувчига нисбатан аниқ йўналганлигидир. Бу йўналишдан мақсад тингловчиларга зарур таъсир кўрсатишга эришишдир.

Монолог нутқи диалог нутқи нисбатан нутқнинг энг қийин ва мураккаб формасидир. Ҳар биримиз ўзимизнинг нутқи тажрибамиздан яхши биламизки, сухбатда қатнашиш қандайдир махсус ахборот билан чиқишига нисбатан анча енгилдир.

Монолог нутқи тингловчилар томонидан тўғри ва фаол мададга эга эмас. Шунга кўра монолог нутқи тингловчиларга тушунарли бўлиши учун унинг асосий таянч пунктларини олдиндан ўйлаш ва планлаштириш талаб қилинади.

Одатда, монолог нутқи зўр жиддийлик билан ўтади. У гапиравчидан ўз фикрларини келишишириб (равон) ва мантикий батартиб баён қила билишни, уларни аниқ ва равон формада ифодалашни талаб қиласди. Монолог нутқи сўзлашнинг муваффақияти аудитория билан керакли алоқа ўрната билишига ҳам боғлиқдир. Бунинг учун гапиравчи фақат ўз нутқининг мазмунига, унинг ташки тузилишига эмас, балки берилаётган ахборотга аудиториянинг хатти-харакати ва муносабати қандайлигига ҳам эътибор бериши керак, яъни «аудиторияни сеза билмоқлиги» керак.

Монолог нутқи диалог нутқи нисбатан анча кенг бўлиб, у ўзининг мазмуни ва грамматик тузилишига кўра кўп жиҳатдан ёзма нутқи тўғри келади.

Монолог. Монолог сўзловчини ўзига ёки тингловчиларга қаритилган нутқидир. Монолог нутқида сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ходисалар, ўз ички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Монолог нутқи тингловчилари сухбатга фаол аралашувига ундамайди; улардан айтилганларга жавоб талаб қилмайди. Синтетик жиҳатда монологик нутқи мураккаб тузилган бўлиб, кенг қамровидир.

Монолог нутқи ўз хусусиятларига қараб, бир неча кўринишда бўлиши мумкин: ички монолог ва ташки монолог. Ташки монологнинг драматик монолог, лирик монолог, хабар монологи каби турлари бор.

Ички монолог бадиий адабиётда қўлланувчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқ воқеаларни уларнинг таъсирида қаҳрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имконини беради. Ички монолог сўзловчининг нутқидир.

Мисол сифатида А.Орипов «Жаннатга йўл» асарини олиш мумкин.

Ташки монолог; сўзловчининг ташки нутқидир. Унда тил имкониятлари ҳақиқатга айланади.

Сўзловчининг нутқи мазмунини етказишига кўмаклашувчи турли хил харакатлари ёрдамида баён этиладиган монологи драматик монолог дейилади. Драматик монолог-сўзлаётган шахснинг қўли, гавдаси, қоши, боши каби аъзолари зарурат туғилганда харакат қиласди. Турли тарздаги маъноли харакатлар фикрнинг тингловчи томонидан яхши тушуниб олинишига кўмаклашади.

Сўзловчининг ички хис-туйғуларини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи ташки монологик нутқи лирик монолог дейилади. Лирик монологда шахснинг орзу-умидлари, ташки дунёдан олган таассуротлари, келажак режаларини акс эттиради.

Мисол сифатида (F.Гулом «Чўтири хотиннинг толеи»). Сўзловчининг юз берган воқеа-ходисалар ҳақида ҳикоя қилиб бериши хабар монологи ҳисобланади. Хабар монологида воқэлик равон тилида баён этилади. Хабар монологи ҳикоячилик, қиссанчиликда кўпроқ қўлланилади. Масалан, П.Қодировнинг «Қадрим» қиссанидаги воқеаларнинг асарнинг қаҳрамони Искандар сўзлаб беради:

Одам битта ўзи гапирса-ю, бошқа кишилар бу гапга фаол қатнашмай фақат унинг нутқини тинглаб турсалар, нутқнинг бу шакли **монолог деб** аталади. Масалан, лекторнинг, докладчининг нутқи, судда, кенгашларда ва бошқа шу каби жойларда сўзланадиган нутқи монолог нутқидир ёки монологдир.

Оғзаки нутқ сўзлаётган киши ўз фикрини сұхбатдошлари тўғри тушуниб олишига ҳаракат қиласди. Шу сабабли, оғзаки нутқда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи сўзларни ҳам тўла айтишга тўғри келади. Дуруст, баъзи оғзаки нутқ ҳам қисқартирилган ҳолда, айрим гап бўлакларини тушириб қолдирган ҳолда гапирилади. Баъзи ҳолларда гаплашув, диалог ҳам фақат кесимлар билангина ифодаланиши мумкин. Масалан, ярим кечада бир неча киши гаплашиб, трамвай келишини кутмоқда, уларнинг ҳаммаси трамвай келадиган томонга кўз тикиб турибди. Улар ўртасида тахминан шундай гаплар бўлади: «Кўриняптими?» - «Йўқ, кўринмаяпти». Орадан бироз ўтгач: «Келяптими?» - «Ха, келяпти». Бу гаплар фақат кесимларнинг ўзидангина иборат гаплардир. Аммо, шундай бўлса ҳам, гаплашаётган кишиларнинг ҳаммаси бир-бирларининг фикрларини тушунадилар.

Оғзаки нутқнинг синтаксис жиҳатидан тўлиқ бўлмаслигига, аввало, сабаб шуки, гап мавзуи ҳам, шу гап содир бўлаётган вазият ҳам, одатда, гаплашиб турган кишиларга аниқ ва равшандир. Шу сабабли, оғзаки нутқ, вақтида гап бўлакларининг ҳаммасини, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳоказоларни гапда ҳар сафар тўлиқ айтишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, мимика ва имо-ишоралар, интонациялар, паузалар, мантиқий ургулар ва шу кабилар, хуллас нутқимизни жонлантирадиган воситаларнинг ҳаммаси оғзаки нутқни бойитади. Жонли нутқ тингланибгина қолмасдан, уни одамлар кўриб ҳам турадилар, ҳис ҳам қиласдилар. Бундай нутқ, кўпинча, оғиздан чиқиши биланқ тушунилаверади.

Оғзаки нутқ ихтиёrsиз ёки ихтиёрий бўлади. Гапираётган киши сўз ва грамматика шаклларини маҳсус танламай, оғзига келганича сўзлашса, бу ҳолда нутқ ихтиёrsиз нутқ бўлади. Гапираётган киши ўз сўзлари учун алоҳида масъулият сезиб гапирганида, шу нутқни тинглаётган киши гапираётган киши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлганида, бундай ҳолларда нутқ ихтиёрий характерга эга бўлиб қолади. Масалан, ўқувчининг ўз ўқитувчиси билан гаплашаётган вақтидаги нутқ мана шундай ихтиёрий нутқдир. Бундай ҳолларда гапираётган киши лозим бўлган сўзларни танлаб, жой-жойига қўйиб ишлатишига, грамматика қоидаларига риоя қилишга интилади ва ҳаракат қиласди.

Икки ёки кўп сұхбатдош ўртасидаги гаплашиш тариқасида бўладиган **нутқ диалог** деб аталади. Сұхбатдошлар навбатма-навбат гаплашаверадилар — бири сўрайди, бирор нарсани айтади, бошқалар эса уни тинглайдилар, жавоб берадилар.

Диада шаклдаги муносабатлар негизида қурилувчи, икки шахс ўртасида намоён бўлувчи, ахборот узатишига ва қабул қилишга мўлжалланган нутқ тури **диалогик нутқ** деб аталади. Унинг монологик туридан фарқли томони фикр моҳияти нутқ фаолияти қатнашчиларида англангандан кейин у ёки бу шаклда қисқартириш имкониятига эга. Унинг интерактив томони кўпинча устуворлик қиласди, ахборотлар қабул қилиш ва узатиш ўзаро тушунча асосига қурилади, акс ҳолда муомала марома бузилади, ўзаро фикр алмашув мудатдан олдин якунланади.

Диалог - икки бир неча одам ўртасида бўладиган гапдир, бунда сұхбатдошларнинг гапи бир-бирига боғланади, уланиб кетади, яъни гаплашиб турганлар бир-бирларига савол-жавоб қилиб, бир-бирларига эътиroz қилиб гапни улаб, давом эттирадилар. Шунинг учун диалог маъноси бир-бирига уланган нутқни анча осонлаштиради. Монолог нутқ эса анча оғир кўчади. Монолог — гапираётган кишидан жуда кўп диққат-эътибор беришни талаб қиласди, гапираётган кишининг фақат ўз нутқининг мазмунигагина диққат-эътибор бериб қолмай, балки, шу билан бирга, бу нутқнинг ташқи тузилишига ҳам, фикрларни ифодалашда муайян система, тартиб бўлишига ҳам риоя қилиши лозим бўлади.

Икки ёки бир қанча сұхбатдошлар ўртасида ўтувчи гаплашув формаси бўлмиш диалог нутқ процессида, киши савол қўйиб унга жавоб беради, тасдиқлайди ёки эътиroz билдиради.

Диалог нутқнинг оз ёки кўп йўналиши сўз иштирокчилари қўйган мақсад ва вазифаларга боғлиқдир. Кундалик ва одатдаги диалог нутқ олдидан ўйлаб (атайин) қўйилган яққол ифода характеристига ва олдиндан ишлаб қўйилган планга эга бўлмайди. Бундай сұхбатнинг йўналиши ва унинг натижаси маълум даражада сұхбатда иштирок қилувчиларнинг айтган фикрлари билан аниқланади. Умумий гап жиддий тасвирланган масалага бўйсунган вақтларда диалог нутқ мақсадга мувофиқ йўналиш характеристига эга бўлади, фикрларнинг мазмуни эса кенг батафсил формада баён қилинади. Диалог нутқ

бундай ҳаракатга, масалан, маълум масалани аниқлаш учун махсус сұхбат ташкил қилингандың эга бўлади, шунга ўхшаш ўқувчининг нутқи, ўқитувчининг саволларига жавоб берганида мақсадга мувофиқлик характерига эга бўлади ва ҳ. к. [2].

Диалог нутқ, одатда, монолог ва, айниқса, ёзма нутққа нисбатан батафсил ва равон нутқ тузишга кам талаб кўяди. Бу факт дастлаб шу билан тушунтириладики, сұхбатдошлар бир хил шароитда бўладилар, бир хил факт ва ҳодисаларни идрок қиласилар ва шу туфайли ўзларининг фикрларини батафсил (кенг) нутқ формасида баён қилишга ҳаракат қилмай, бир-бирларини нисбатан осон тушунадилар. Автобус кутувчилардан бирининг «келаёт» дейиши бошқа кишиларнинг унга тушунишлари учун етарлидир.

Диалог нутқнинг нисбатан қисқа бўлишининг сабаби. шундаки, бундай нутқ сұхбатдошлар томонидан ўзаро савол ва жавоблар, маъқуллаш ва эътиrozлар билан фаол суратда қувватланади. Агар диалог нутқ сұхбатдошлар томонидан қувватланмаса, у ё сұхбат иштирокчиларидан бирининг монолог нутқига айланади, ё сұхбат бутунлай тўхтайди.

Диалог нутқда кишига бўлган асосий талаблардан бири сұхбатдошнинг сўзларини охиригача эшита билиш, унинг савол ва эътиrozларига тушуниш ҳамда уларга ўз фикрлари билан эмас, балки тегишли жавоб беришдир. Бундай талабга илтифотсизлик билан қараш кишини фақат зерикарли ва ёқимсиз сұхбатдош эканини кўрсатмай, балки унинг маданиятининг пастлиги, етарли тарбияланмаганлиги ҳақида ҳам дарак беради.

Диалог. Диалог нутқ шаклларидан бири булиб, унда ҳар бир фикр туғридан-туғри сұхбатдошга каратилган бўлади. Диалогик нутқнинг синтактик қурилиши монологик нутққа қараганда содда тузилади. Диалогик фикрларнинг қисқалилиги билан бошқа фикрлардан ажралиб туради. Унда сұхбатни давом эттириш учун энг зарур нарсаларгина ифодаланади, воқеалар кенг изоҳланмайди. Шу жиҳатдан ҳам диалог монологга ўхшамайди. Диалог сўрек, бўйруқ ва дарак гаплардан ташкил топади.

Оғзаки нутқ (диалог ҳам, монолог ҳам) ички нутқ сингари, тафаккур қуролидир. Бунда бошқалар билан гаплашиш жараёнида гапираётган кишининг ўз фикрлари ҳам ўзига равshan бўлиб қолади.

Кўпинча мана бундай бўлади: миямизда пайдо бўлган, лекин унчалик равшанлашмаган фикр ўзимиз муҳокама қилиб кўришимиз ва бошқаларга баён қилишимиз жараёнида ўзимизга ҳам равshan бўлиб қолади — пишиб етилади. Баъзи бир фикрларимизни пишишиб етиширишда, бошқаларнинг фикрини уқиб, билиб олиш (тушуниб олиш) вақтида биз кўпинча бу фикрларни гўё бирон сұхбатдошга айтиётгандек ёки ўз-ўзимизга овоз чиқариб ифодалашимизнинг сабаби ҳам ана шунда.

Бундай ҳодисалар ички нутқ билан ташки нутқ ўртасида ажралиш йўқлигини кўрсатади: фикрни нутқ билан ифодалаш фаолиятида ҳамиша ички нутқдан ташки нутққа ва аксинча, ташки нутқдан ички нутққа ўтиш ҳоллари бўлиб туради.

Полилог. Иккidan ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилган сұхбат полилогдир. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жихатидан диалогнинг ўзидир. Факат унда сұхбатдошларнинг сони қўпроқ бўлади. Сўзловчи ўртага ташлаган муаммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрларини билдириши мумкин.

Бир нечта кишилар билан амалга оширишга мўлжалланган, триада ва полиада негизига қурилувчи, ахборот узатиш ва қабул қилишга йўналтирилган, баҳс таркиблари иштирок этувчи оғзаки нутқ турига **полилогик нутқ** дейилади.

Муомалада муаммо моҳияти ҳар қайси қатнашчи томонидан англашилгандан сўнг унинг таркиблари қисқариши мумкин, бу эса ўзаро тушунувни осонлаштиради. Мазкур нутқ турида ҳам диалогик нутққа хос бўлган механизмлар, таъсир ўтказувчи воситалар иштирок этиб, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласиди, шахслараро муносабат кўламини кенгайтиради.

Ахборотлар ички моҳиятини ташки ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатни яққол ифодаланишини акс эттирувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ турига **экспрессив нутқ** дейилади. Ўзининг тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

Ички кечинмалар шахсий фикрлаш билан уйғунлашиши туфайли фикрий боғланишини вужудга келтирувчи, холатлар, ҳодисалармоҳиятини ички ва ташқ омилларга асосланиб акс эттирувчи нутқ турига **импресив нутқ** дейилади. Мулоҳазалар моҳияти шахс кечинмалари билан муносабатга киришиши натижасида ўзига хос воқеликни намойиш қиласи.

Миллат ва элатларнинг тил бойлиги афоризмлар, маколлар, донишмандликлар, маталлар сифатида шаклланган, юксак мантиқий юкламага эга бўлган йиғик нутқ тури лаконик, яни йиғик, **қатра нутқ** дейилади. Етти ўлчаб бир кес, сабрнинг таги олтин. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ижоди маҳсулларидаги фикрлар шулар жумласига киради:

Хўтиқ бирла кучукка ҳар ганч қилма тарбия,

Ит бўлур, эшак бўлур, асло бўлмас одами.

Қатра нутқ баъзи ўринларда жуда катта маъно англатади, хулқ, фаолият ва муомала учун манба ролини бажаради: Салот!, Марш! ва бошқалар.

Турли омиллар таъсирида бирданига вужудга келувчи, жаҳлнинг маҳсули ҳисобланмиш, қисқа муддатли нутқ турига **аффектив нутқ** дейилади. Бирданига сухбатдош, рақиб томонга узатилувчи, ўта таъсиран, хавфли, руҳий нишон вазифасини бажарувчи қисқа муддатли нутқ аффектив деб номланиб, зарбаси жиҳатидан альтернативи йўқлиги билан бошқа нутқ турларидан кескин ажralиб туради. Жаҳл, қасос, алам, тажовуз кечинмаларини ўзида акс эттириб, ўта танглик, зўриқиши (стресс) маҳсули бўлиб ҳисобланади (жаҳл келганда-акл кетади: ҳиссиёт билан эмас, балки акл билан иш тут).

Ёзма нутқ

Инсоният тарихининг цивилизациялик босқичига ўтиши давридаги эътиборга **ёзма нутқ** пайдо бўла бошлаган ва ҳозиргача у ўз ривожланишида давом этмоқда. Тилнинг барча қоидаларига (орфографик, морфологик, синтактик, лексик, орфоэпик, лингвистик, фонематик, флексив, ва ҳоказо), қонуниятларига, механизмларига (жонли ифодаларни мужассамлаштирган ҳолда) асосланган тарзда, муайян шартли аломатлар (графиклар) ёрдамида шакл, тузилиши, маъно, мазмун ва моҳиятни узлуксиз, тадрижий равишда ахборотларга айлантириб берувчи нутқ тури **ёзма нутқ** дейилади.

Ёзма нутқ ҳам оғзаки нутқка ўхшаб алоқа вазифасини бажаради. Бироқ оғзаки ва ёзма нутқларда фикр алмашиб ҳар хил усул ва воситалар билан амалга оширилади. Оғзаки нутқ аниқ товушларга суюнди. Ёзма нутқ ёзув белгилари (ҳарф) ёрдамида чизма (график) шаклида тасвиirlаниб, уларнинг ҳар бири оғзаки нутқнинг айрим товушларини билдиради.

Ёзма нутқ жамият тарихида ва айрим киши ҳаётида ҳам оғзаки нутқдан сўнг вужудга келади ва унинг асосида шаклланади. Ёзма нутқ ҳар хил текстларни тузиш, кўчириб олиш ва баён қилишни ва уларни ўз ичиди ёки товуш чиқариб ўқишини ўз ичига олади. Ёзма нутқнинг хусусияти шуки, у бошқа вазиятда, айни шу жойда йўқ бўлган ўқувчига қаратилган бўлади ва у ёзилган нарсани фақат бир қанча вақтдан сўнг ўқиёди.

Ёзувчи ва ўқувчи ўртасида бевосита алоқанинг бўлмаслиги ёзма нутқ тузишда маълум қийинчиликларни вужудга келтиради. Ёзувчи фикрларини яхши тушунтириш учун ифодалаш воситаларидан (оҳанг; мимика, ишора) фойдалана олмайди. Ёзувчи ўз атрофини ўраб олган вазиятга суюна олмайди, чунки у ўқувчининг идрок қилишига оғирлик қиласи. Шунинг учун ёзма- нутқ ҳар қандай оғзаки нутқ формасига нисбатан анча мукаммал ва равон бўлади. Ёзма нутқда фикрнинг бутун мазмуни: ёзувчининг хоҳиши, мақсади, вазияти, харакати ва бошқалар максимал тўлиқлиқда баён қилиниши керак.

Доклад, дарс плани, мақола, ҳикоя, хат ва бошқалар ёзётганингизда ўз фикрингизнинг мазмунини жуда аниқ ва равон сўз формасида ифода қилиш учун фаол ва онгли суратда ишлайсиз. Сиз бунинг учун керакли сўзларни топишга ҳаракат қиласиз, аниқ ва яхшироқ гаплар тузишни таъминлайдиган сўзлар тартибини танлайсиз.

Ёзма нутқнинг айникса катта аҳамияти шундан иборатки, у кишилар ўртасидаги алоқани кенгайтиради ва атрофни ўраб олган борлиқни билиш чегарасини анча оширади. Ёзма нутқда кишилик жамиятининг тарихий тажрибалари — унинг фан, санъат ва бутун инсоният маданияти эришган ютуқлари қайд қилинган ва мустаҳкамлангандир. Ёзув туфайли кўпгина авлодлар томонидан тўпланган билимлар миллионлаб кишиларнинг

бойлиги бўлиб қолади ва ҳар бир ўқимишли киши ўзининг билиш фаолиятида улардан. [\[3\]](#)
фойдаланиши мумкин .

Ёзма нутқнинг хусусияти шуки, бу нутқ бевосита алоқа бўлиш воситаси бўлмасдан, балки, кўпинча, бошқа вазиятда, бошқа бир жойда турган ёки туриши мумкин бўлган одамлар билан алоқа боғлаш воситасидир. Масалан, биз ўз дўстимизга ёки қариндошимизга хатимизда ёзиб юборган хабаримизни у эҳтимолки бир кундан кейин, икки кундан кейин, бир ҳафтадан кейин, бошқа шаҳарда ёки бошқа қишлоқда ўқиб билиши мумкин. Биз бундан ярим йил, бир йил, ҳатто бир неча ўн ва юз йил муқаддам ёзиб қолдирилган китобларни ўқиб, шу китоблардаги билимларни билиб оламиз.

Ёзма нутқ ҳам монолог шаклида ва диалог шаклида бўлади. Масалан, илмий асарлар ҳамиша деярли монолог шаклида ёзилади. Бадиий-адабий асарлар диалог шаклида ҳам, монолог шаклида ҳам ёзилади. Баъзан оддий мактублар ҳам диалог шаклида ёзилади, шу мактубни ёзаётган киши уни ўқийдиган кишини тасаввур қилиб, унга мактубда ўзи саволлар беради ва шу саволларга ўзи жавоб қайтаради.

Синтаксис жиҳатидан қараганда ёзма нутқ энг тўлиқ ва мукаммал нутқдир. Ҳар бир киши оддий мактубни ёки илмий мақолани ёзаётганида грамматика қоидаларига, оғзаки нутқдагига қараганда, кўпроқ риоя қилади. Ёзма нутқда гап бўлакларидан бири тушиб қолса, бу ёзма нутқни ўқиган кишилар уни қийналиб тушунадилар ёки бутунлай тушунолмайдилар. Ёзма нутқнинг синтаксис жиҳатдан тўлиқ бўлиши шунинг учун ҳам зарурки, оғзаки нутқ учун характерли бўлган мимика, имо-ишоралар, интонациялар ва бошқа шу каби қўшимча элементларни ёзма нутқда ишлатиб бўлмайди.

Ёзма нутқ, асосан, ихтиёрий нутқ бўлади. Мактуб, доклад, маъruzalар ва бошқа шу кабиларни ёзаётган киши сўзларни онгли равишда танлайди, гаплари яхшироқ қилиб тузишга интилади. Кўпинча ўз фикрларимизни ўқийдиган кишиларга сўзлар воситаси билан ғоят равshan ва тушунарли қилиб уддаламоқ учун анча-мунча куч сарфлашимиз лозим бўлади.

Ёзма нутқ фикрларимизни ифодалаб беришнинг энг яхши воситасидир. Ёзма нутқда фикрнинг мазмuni ва шаклидаги айrim камчиликлар очиқ кўриниб қолади ва фикрнинг ўзи мазмун ва шакл жиҳатидан энг равshan, аниқ қилиб ифодаланади. Шунинг учун ҳам биз ақлий иш билан шуғуланаётганимизда, бирор масалани ҳал қилганимизда ёки тайёр билимларни ўзлаштираётганимизда иш натижасини ёки олган билимимизни кўпинча, хатга ёзиб қўямиз, баъзан эса бир неча марта кўчириб ёзамиз. Шу сабабли, ҳар хил ёзма ишлар — хикоя қилиб ёзиб бериш, иншо ёзиш, конспект олиш тафаккурнинг ўсиши учун катта аҳамиятга эгадир. Шу билан биргаликда, ёзма нутқни эгаллаш кишига оғзаки нутқини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради, натижада оғзаки нутқ ўзининг луғат таркиби жиҳатидан бойроқ бўлиб қолади, грамматика жиҳатидан тўлиқроқ ифодаланадиган бўлади, анча мунтазам ва системага тушган нутққа айланади. Мана шунинг ўзи оғзаки нутқ билан ёзма нутқ ҳамиша бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Оғзаки нутқ билан ёзма нутқ ўртасида ўртача жой оладиган нутқлар борки, бу нутқлар монологнинг алоҳида турлариidir. Оғзаки докладлар: маъruzalар, нутқлар, ўқитувчининг дарсни тушунтириб бериши ва бошқа шу кабилар монолог нутқнинг мана шундай алоҳида турлариidir. Бу нутқлар ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ёзма нутқка яқинроқdir: одатда, маъруза, доклад қилмоқчи, нутқ сўзламоқчи, дарс бермоқчи бўлган киши бунинг учун тайёргарлик кўради.

Мана шу тайёргарликнинг ўзи, кўпинча, қилинадиган докладларни, маъruzalарни ва бошқа шу кабиларни олдин ёзма баён қилишдан иборат бўлади. Аммо бу нутқлар амалга оширилиш техникаси жиҳатидан, кўпинча (агар ёзилган материални ўқиб берилмаса), оғзаки нутқка яқинлашади. Бундай ҳолларда бу хилдаги нутқлар ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ҳам оғзаки нутқка яқинлашади. Одатдаги оғзаки гаплашув нутқида бўлганидек, монолог нутқнинг бу турларида ҳам мимика, имо-ишоралар, интонация ва бошқа шу кабилардан фойдаланилади. Шу сабабли, бу хил нутқ ўзининг «жонли» бўлиши жиҳатидан ҳам оғзаки гаплашув нутқига яқинлашади.

Фаол ва пассив нутқ

Нутқ воситаси билан бўлинадиган алоқада ҳамиша икки ёки бир неча киши иштирок этади, булардан биттаси бирон нарсани ё оғзаки, ёки ёзма баён қилувчи киши бўлса, қолгани, ёки қолганлари шу нутқни идрок қилувчи — эшитувчи ёки ўкувчи киши, ёки кишилар бўлади. Шунинг учун ҳам нутқни фаол нутқ ва пассив нутқ деб ажратилади.

Биз бирор нарсани ифодалаб, бошқа кишиларга оғзаки ёки ёзма баён қилсан, бизнинг бу нутқимиз **фаол нутқ** деб аталади. Фаол нутқ бирор нарса гапираётган ва ёзаётган кишининг нутқидир. Шунингдек, киши бирор шахсга мактуб ёзаётган, олим мақола, китоб ёзаётган, ёзувчи ўзининг адабий асарини яратсаётган вақтидаги нутқ ҳам фаол нутқ бўлади.

Бошқа бирорнинг фаол нутқини идрок қилиш ва тушуниш жараёни **пассив нутқидир**. Гапираётган кишининг сўзини тинглаб турган ёки ёзилган нарсани ўқиётган киши бошқа бир кишининг фаол нутқини ўзича тақрорлагандек бўлади. Масалан, ўқитувчи дарсни тушунтириб берётганида, ўқувчилар эса унинг дарсини эшитаётгандаридан ўқитувчининг нутқи фаол нутқ бўлади, ўқувчиларнинг шу нутқни идрок қилиш, яъни тушуниш жараёни эса пассив нутқ бўлади.

Бошқа бирорнинг нутқини, шу нутқ сўзланаётган тилни ўзимиз билганимиз тақдирдагина бу нутқни идрок қилишимиз ва ўзлаштиришимиз мумкин. Аммо шунда ҳам ўша нутқни идрок қилишимиз ҳамиша баён қилинаётган нутққа айнан teng ва мувофиқ бўлавермайди. Баъзан бошқа бир кишининг нутқини тушунмаслик, бу нутқни бир томонлама, нотўғри тушуниш, сўз иллюзиялари ва бошқа шу кабиларнинг ҳосил бўлишига сабаб ҳам шудир. Пассив нутқнинг бу хусусиятлари идрок қилаётган кишининг ақли қай даражада етуклигига боғлиқ бўлади. Гапираётган киши ўз нутқининг мазмунини ва шаклини шу нутқни тингловчиларнинг қай даражада идрок қилишини кўзда тутиб тузади. Чунончи, ўқитувчи ўз нутқининг ўқувчилар қанчалик тушуна олишини назарда тутиб, сўзлаётган нутқини шунга қараб тузади.

Ҳар бир киши пассив нутқни фаол нутққа қараганда, бирмунча олдинроқ эгаллайди. Ёш бола олдин катталарнинг гапини тушунадиган бўлади, сўнгра ўзи ҳам тилга кириб, гапира бошлайди. Худди шунингдек, бошқа бир тилни ўрганиш вақтида ўрганилаётган тилда фаол нутқни эгаллаш пассив нутқни эгаллашга қараганда бирмунча кейинда қолиб боради [4].

Ҳар бир тилнинг тўла моҳияти ёзма нутқ орқали ифодаланади, узок ва яқин масофалар учун ахборот (коммуникация) воситаси (куроли) вазифасини бажаради. Миллат маданияти, маънавияти, фан ва техникаси, санъати ва адабиёти ёзма нутқ орқали узатилиб, миллатлараро алоқа канати функциясини адо этади.

Ёзма нутқ ўз навбатида қўйидаги таркиблардан ташкил топади: а) монологик (драма), б) диалогик (бадиий асар жанрларида), в) ички, г) лаконик (йифик, қатра), д) эпик (ёйик, йирик роман, кисса ва бошқалар).

Ёзма нутқнинг монологик ва диалогик турлари бадиий асарларда ўз ифодасини топган бўлиб, оғзаки нутқдагидан фарқли ўлароқ тил бойликларига бевосита асосланади. Янгиликлар яратиш, ижод қилиш сўзлар орқали моҳият касб этади, у ёки бу шаклда тартибга келтирилади. **Лаконик (йифик, қатра)** нутқ ҳам оғзаки нутқларидай маъно касб этади. **Эпик (ёйик)** нутқ йирик асарлар, монографиялар моҳиятини тўлақонли акс эттириш билан бошқа нутқ турларидан фарқланади. Тил механизмларидан ташқари бадиий воситалар орқали инсон руҳияти тавсифланади.

Бизнинча, ҳис-хаяжонлар орқали ифодаланувчи, муайян ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи нутқ турларини қўйидаги типларга шартли равища ажратиш мумкин: а) экспрессив, б) импресив, в) аффектив, г) дактиологик ва бошқалар.

Уларнинг психологик мазмуни, моҳияти, хусусиятлари тўғисида юқорида фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги учун қайтадан таҳлил қилиш, тавсифлашга ҳеч қандай ҳожат йўқдир. Лекин мазкур нутқ турлари бошқа туркумлардан ҳам жой олиши мумкин. Бироқ илмий жиҳатдан ҳеч қандай қарама-қаршиликлар вужудга келмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиришда хизмат қиласди, холос.

Нутқ ва нутқ фаолияти юзасидан билдирилган муроҳазалар, илгари сурилган айрим фоялар мутлоқликка даъво эмас, албатта, чунки уларнинг кўпгина жиҳатлари, қирралари, механизмлари, қонуниятлари, тавсифлари чуқурроқ изланиши талаб килади, айрим ўринларда уларнинг ҳар бирини экспериментал тадқиқ этишни тақозо қиласди, янги методикалар, тестлар, тренинглар ишлаб чиқишни изланиши предметига олиб киради, амалий ва назарий муоммолар ечимини тезроқ ҳал қилишга сафарбар этади. Нутқнинг муомала жараёнидан келиб чиқиб ёндашиш эвазига қимматли материаллар тўплаш мумкин ҳамда унинг негизида ҳар қайси мутахассисни нотиқлик санъатига ўргатиш кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

3-боб. НУТҚ СЎЗЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Нутқ сўзлашнинг асосий босқичлари ва принципи

Нотиқлик санъати фани Қадимги Грецияда вужудга келган. Ишонарли, чиройли, равон ва мароқли гапира олишни қадимги греклар жуда қадрланган. Улар риторикани (грек. Rhetorike) — жамоат олдидаги нутқ сўзлаш ёхуд нотиқлик санъати фанини яратдилар. Қадимги греклар нотиқлик билан боғлиқ муаммоларни оқилона ҳал қилганлар, масалан, стоиклар фалсафа тизимида мантиқ икки қисмга бўлинган: диалектика ва риторика. Қадимги Римда эса нотиқликка фан сифатида эмас, балки санъат сифатида қараганлар. Римликларда «элоквенция» (лат. Eloquentia) атамаси бўлган, бу атама нотиқлик санъати, яъни нотиқнинг тингловчиларга таъсир ўтказиш орқали ўз мақсадига эришиш маъносини англатади. Жамоат олдидаги нутқ сўзлагандаги фан ва санъат уйғун ҳолда бирлашиши гояси турли фалсафий назариялар тарихида кўзга ташланади. Ўрта асрлар схоластик фалсафасида еттига эркин санъат бўлган: грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа. Чиройли ва ишонарли сўзлай олишни ўргатишга турли университет, лицей ва коллежларда алоҳида эътибор қаратилган.

Хозирги вақтда нотиқлик қобилияти турли касб соҳаларида юқори баҳоланади, у мансаб погоналаридан юқори кўтарилишда муҳим ўрин эгаллайди. Ходимнинг ташкилотда тутган ўрни, мақоми ўз гоялари ва таклифларини қандай тақдим эта олиши, самарали оғзаки маъруzasи, саволларга тўлиқ жавоб бера олишига боғлиқдир. Нутқ сўзлашга нотиқлик маҳоратига эгалик сирларини ўзлаштириш турли соҳа ходимлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Нотиқлик санъати кўникмаларини шакллантириш учун доимий тинимсиз меҳнат, машқ ва ўзини таҳлил қила олиш талаб этилади.

Нотиқ нутқ сўзлар экан муҳокама этилаётган муаммога тингловчилар қизиқишини уйготиши, улар феъл-авторига таъсир кўрсата олиши лозим. Жамоа олдидаги маъруза — шаклан монолог, моҳиятан эса — диалог. Агар диалогда сухбатдошнинг муносабати аниқ ифодаланса, жамоатчилик олдидаги чиқиш қилганда эса улар муносабатини тингловчиларнинг ўзини тутиши, имо-ишораси, луқма ташлаши ва кўз ифодасидан тушуниб олиши мумкин. Буни нутқ сўзлаш жараёни билан бир пайтда бажариш керак, матннинг ташкилий-услубий яхлитлигини саклаш учун нутқ сўзловчи нутқнинг бошидан охиригача тингловчининг эътиборини тортиб туриши лозим.

Омма олдидаги сўзлаш— нутқнинг оғзаки шакли. Жамоатчилик олдидаги нутқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у жонли мулокот жараёнида амалга ошади. Унинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, оғзаки нутқда фикр нафақат сўзлар ёрдамида, балки овознинг тембри, оҳанг кучи, мантиқий ургу тўхталар тизими, юз ва кўл ҳаракатлари орқали имо-ишо ёрдамида ҳам ифодаланади. Ҳиссиятларга берилиш ва ақл-заковатга таяниб иш юритиш инсон табиати учун хос бўлиб, унинг тили ва атроф муҳитида акс этади. Ўртага қўйилган масаланинг исботи учун хужжатлар, далиллар, аргументларийиши жараёнида факат тингловчилар онгига таъсир кўрсатишнингина ўйламай, балки улар қалбига ҳис-туйғулар ёрдамида йўл топишга эришмоқ лозим. Бунда нотиқнинг умумий интеллектуал, маданий ва эмоционал тайёргарлиги, бундан ташқари қайсиидир маънода нафақат маърузачи, балки кўпчилик билан ишлайдиган, кишиларни тарбиялайдиган, уларни ишонтирадиган ҳар қандай кишига зарур бўлган педагогик ва актёрлик маълумотлари жуда катта роль ўйнайди.

Қадимги даврдаёқ нотиклар фикрни тилга кўчириш йўлларини ўрганиб чиқиб, мазкур жараённи амалга ошириш қоидаларини яратдилар. Антик даврда риторика ривожланган классик давр бўлиб, бу даврда ишлаб чиқилган қоидалар классик риторика қонун-қоидалари дейилади. Бу қонун-қоидаларга қўра нотик ўз мақсадига эришиши учун қуйидаги 5 та босқични босиб ўтиши керак:

I босқич – инвенция (лат.invention – ихтиро) – мавзуга оид материал топиш. Бу босқичда сўзловчи бўлажак нутқнинг умумий режасини яратади, гапирадиган нарсасини ўйлади, мавзугаоид асосий маълумотларни ажратади, зарур материалларни тўплайди ва тизимга солади, ўз фикрини исботлаш усулларини танлайди.

II босқич – диспозиция (лат. dispositio – жойлашиш) – тўпланган маълумотларни тегишли тартибда жойлаштириш. Бу босқичда сўзловчи фикрларнинг кетма-кетлигини тартибга солади, режа тузади, маърузани қандай бошлаш ва тутатишибелгилаб олади.

III босқич – элокуция (лат. elocutio – сўздаги ифода) – матнга бадий ишлов бериш. Бу босқичда нотик ўз фикрларини аниқ сўзлар ва гаплар орқали ифодалар экан, уларнинг нафақат тўғрилиги, аниқлиги, ўз ўрнида ишлатилишига, балки нутқни бадий тасвир воситалари билан бойитишига ҳам эътибор қаратади.

IV босқич – меморио (лат. memorio – эслаб қолиш) – нутқни эслаб қолиш ва сўзлашга тайёргарлик кўриш. Бу босқичда воиз матнни сўзлаш учун тайёрлайди, ёрдамчи усулларни танлайди, матнни эслаб қолади ва машқ қиласди.

V босқич – акцио (лат. actio – амалга ошириш) – нутқ сўзлаш. Сўнгти босқичда нотик тингловчилар билан мулоқоти чоғида барча тайёрлаган усуллари ва мимика, имо-ишоралардан фойдаланган ҳолда нутқни ижро этади, тингловчилар билан мустаҳкам [5] алоқани ўрнатади.

Нотиқлик маҳоратини такомиллаштириш узоқ давом этувчи, мушаққатли меҳнат талаб этади. Турли аудиторияларда сўзлай оладиган машхур нотиклар нутқидаги равонлик, бу уларнинг доимий улкан меҳнатлари самарасидир.

А.Ф.Кони таъкидлаганидек, “тайёргарлик жараёни қанчалик пухта бўлса, нотиқнинг [6] ўзига ишончи шунчалик юқори бўлади”. Нутқка қанчалик пухта ва кўп тайёрланилса, ҳаяжон шунчалик кам бўлади.

Нутқни эркин ифодалай олиш ва унинг ишонарлилиги яъни нутқнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиши деб ном олган хатти-харакатлар мажмуига сўзловчининг умумий тайёргарлигига, унинг маданиятига ҳамда бўлгуси нутқка қанчалик пухта, жиддий тайёргарлик кўрилганлигигабоғлик.

Нутқ сўзлашдан кўзланувчи мақсад варианлари:

- тингловчиларга маълумот бериш – мавзуга оид далилларни баён қилиш орқали тингловчиларда муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиш;
- билдирилган фикр-мулоҳазаларга нисбатан тингловчилар муносабатини шакллантириш;
- нотик ва тингловчиларнинг муаммони бир хил тушунишига эришиш;
- муайян харакатларга ундаш;
- тингловчилар ишончини қозониш. Ишонч – тингловчиларнинг нотиқни қай даражада билимдон, ростгўй, жозибали инсон сифатида қабул қилишининг кўрсаткичидир;
- тингловчилар вақтини кўнгилли ва вақтичоғлик билан ўтказиши.

Ҳар қандай мулоҳазани бошланғич қисм – кириш, ўрта қисм – исботлаш ва – холоса – якуний қисмларга қатъий ажратиш зарурми? Мумтоз нотиқлик санъати назариясида нутқ қуйидаги тўртта асосий қисмга ажратилган: кириш, мавзуни баён қилиш, исботлаш ёки ишлаб чиқиши ҳамда холоса. Риториканинг “жойлашув тўғрисидаги таълимот” [7] деб аталган қисми нутқнинг композицион тузилишини ўргатади:

I. Нутқнинг бошланғич қисмida.

- Мавзунинг предметига мурожаат қилишдан бошланади.

- Вокеа санасидан (кун, йилдан ...) бошланади.
- Вокеа жойидан бошланади.
- Тасодифий мисоллардан бошланади, сўнгра аста-секин диққат-эътибор асосий мавзугакўчирилади.

II. Ўрта қисм учун.

- Нутқнинг қисмлари, бўлаклари тингловчилар қизиқишини орттириб бориш тартибига жойлаштирилади.
- Бир-биридан ўзи ажralиб турган ҳар бир фикр ёки тасвирни аралаштирунг. Уларни янги гап ёки янги қатордан бошлаш (оғзаки нутқда тўхтам) билан ажратинг.
- Айни бир нарсани, бошқача тарзда бўлса-да, тақрорламанг.
- Маълумотларнинг тўғрилигига зарар етказмаслик учун ортиқча тафсилотларга берилманг.

III. Нутқ якуний қисми.

- Мавзуни шахсий ҳис-ҳаяжон, самимий тилаклар билан мурожаат қилган ҳолда баён этинг.
- Асосий фикр унга зид бўлган мисол билан очилиб, охир-оқибатда яна дастлабки фикрга қайтилади.
- Нутқни ниҳоятда мароқли, ахлоқ-одобга ундовчи чукур маъноли ва ҳайратда қолдирувчи ҳақиқат билан якунлаш лозим.

Нутқнинг композицион тузилиши. Нутқ, одатда, уч қисмдан иборат композицияга эга:

- кириш;
- асосий қисм – энг катта ҳажмдаги блок бўлиб, маъruzанинг 60 фоизиниташкил этади;
- хуоса.

Кириш ва хуоса ҳажми жиҳатидан тенг ҳамда ҳар бирига ажратилган вақтнинг 20 фоизи ташкил этади.

Нутқнингбошланиши. Нутқ нотиқнингаудиторияда пайдо бўлишидан бошланади. Нотиқнинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, кийими ҳам нотиқ нутқига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Нотиқ тингловчиларга назар ташлайди, улар эса нотиқни ўрганадилар. Дастлабки 90 сониядаёқ нотиқ билан тингловчиларўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши аён бўлади. Тингловчиларга табассум билан боқинг! Нафақат ташқи қиёфангиз билан, балки биринчи жумланинг ўзидаёқ уларнинг диққат-эътиборини ўзингизга қаратинг. Аудиторияни жалб қилиш учун ўзига хос нотиқлик усулидан фойдаланиб, тингловчилар диққат-эътиборини усталик билан эгаллаб олиш лозим.

Асосий қисм –нутқнинг энг муҳим қисми бўлиб, унда нотиқ ўз фикр ва ғояларини далил-исбот орқали баён этади. Нотиқ нутқнинг самараси у буни қандай уddaлашига боғлиқ. Нотиқ ўз нуқтаи назарини тушунтириб беради, яъни уни исботлайди, келтиради. **Далиллар** – асосий ғояни, тезисни қўллаб-қувватлаш учун келтириладиган исботдир. Тезисни тасдиқлаши мумкин бўлган барча фактлар, мисоллар, фикрлар, тушунтиришлар, далил-исбот бўла олади. Хуоса бошқача шаклда баён этилган тезисдир. Қандай мулоҳаза юритиш лозим? Нима учун? деган савол ёрдамида тезисдан далил-исботларга ўтиш мумкин. Далил-исботлар эса: чунки..., ... шунинг учун ёрдамида бошланади. Далил-исботлардан кейин “Бундан нима келиб чиқади?” деган савол ёрдамида хуоса шакллантирилади.

Аудиториянинг диққат-эътибори. Тингловчиларнинг диққати нутқнинг 15, 30 ва 45-дақиқасига келиб пасайишини ёдда сақлаш зарур. Ушбу дақиқаларда тингловчиларга бироз дам бериш зарур. Нутқда озгина тўхтам қилиб, янги мавзуга ўтиш, ҳазил-мутойиба қилиш, назариядан амалиётга ўтиш, деразани очиб қўйишни илтимос қилиш мумкин, қисқаси, тингловчилардам олаётганликларини ҳис қилишлари лозим. 45 дақиқадан кейин катта тўхтам қилиш ёки танаффусга чиқиш зарур. Шу сабабли нутқ 10-15 дақиқа давом этса, мақсадга мувофиқдир. Энг мақбули ўн дақиқалик нутқ, чунки тингловчилар бутун диққат-эътибори шу вақт ичida нутқقا қаратилади ва яна бироз вақт ортиб ҳам қолади.

Нутқни якунлаш. Аудитория нутқ ниҳоясига етгандан кейин олинган ахборотни қандай ишлатишни аниқ билса, нутқ муваффақиятли ҳисобланади. Тингловчилар бундан бўён қандай йўл тутишлари яхши тушунишлари керак. Нотик хуносанинг қуйидаги икки функциясини ёдда сақлаши зарур:

- асосий фоя тингловчилар ёдига солиниши;
- ушбу маълумотлардан қандай фойдаланиш лозимлигини тушунтириш;
- ҳар қандай ҳатто, танқидий нутқ ҳам оптимистик руҳда тугалланиши керак.

Нутқ хуросаси ва уни якунлаш турлари

1. **Резюме** – нутқнинг асосий ғоялари бўйича қисқача хуросаси. Моҳир нотиқлар нутқнинг биринчи мақсадига эришиш учун резюмедан кўпинча ўз нутқини якунлаш олдидан аудиторияга баён этилган фикрларни қайта ёдга солишда фойдаланадилар. Тажрибали маърузачилар ўз резюмесини кўпинча нутқнинг иккинчи мақсадига ҳам эришиш имконини берадиган маълумот билан мустаҳкамлайдилар, шунингдек, тингловчилар нутқнинг асосий ғояларини эслаб қолишилари учун сўзларини тақрорлайдилар. Қуйидаги хуросалар турларидан резюмега қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин.

2. **Ривоят, хикоя ёки латифалардан** – ахборот берувчи нутқларда самарали фойдаланилади.

3. **Ҳаракатга ундаш** – тингловчиларнинг ишонтиришга қаратилган нутқни якунлашнинг кенг тарқалган усулидир. Даъват нотик аудиторияни ундаётган хулқ-авторни таърифлайди.

4. **Эмоционал таъсир қўрсатиш.** Тингловчиларга эмоциоанл таъсир қўрсатиладиган нутқ хуросаси уларда кучли таассурот қолдиради. Бундай усулдан кўпинча аудиторияни бирор нарсага ишонтириш ёки ишончни мустаҳкамлаш ёки ўзгартириш мотивацияни шакллантириш мақсадида фойдаланилади.

Нутқ тузилиш қисқача қуйидагича бўлиши мумкин:

Кириш.

1. Саволлар, саволлар серияси.
2. Мавзуга мос цитата келтириш.
3. Кўргазмали қурол.
4. Ҳайратга солувчи факт.
5. Мавзуга мос келувчи ривоят, латифа.
6. Шокка тушириш техникаси.
7. Детектив ва реал хужжатлар тўпламидан фойдаланиш.

Асосий қисм.

Тезислар хронологик, тематик тартибда қуйидаги категориилар бўйича баён этилади: муаммо – муаммони ҳал қилиш, олий мақсад – реал воқелик, хусусиятлар – фойдалар, мақсад – унга эришиш режаси, устуворликлар – йўқотишлар, муваффақият баҳоси – хавф-хатар, таққослаш – қарама-қаршилик контраст.

Хуроса.

1. Биринчи жумлани тақрорлаш.
2. Қисқа резюме, нотик ўзи ёқтирадиган фикрини келтириш.
3. Ҳаракатга ундаш.
4. Тингловчиларни мақташ.
5. Ўринли цитата, ривоят келтириш.
6. Охири тугалланмаган нутқ.

Мулоқот олиб бориш қоидалари асоси ҳисобланувчи принциплар А.К.Михальская томонидан қайд этилган нотиқлик санъати назарияси қонунларида ўз ифодасини топади. Улар қуйидагилар:

Нутқни диалоглаштириш қонуни ҳатто монологда ҳам бўлиши керак. Бу қонун аудитория, жамоага тез-тез мурожаат қилиш, савол-жавобдан фойдаланиш, аввалги нутқка, тингловчиларунинг сўзларига берган эътиборига ҳавола шаклида намоён бўлади.

Нутқ мазмун-моҳиятининг адресат қизиқишлари ва ҳаёти билан боғлиқлиги қонуни. Бу қонун ушбу инсон ёки унинг қариндошлари ёки танишлари ҳаётидан, муайян шаҳар ёки туман ҳаётидан мисоллар келтириш, бевосита адресат тажрибасига мурожаат этишда намоён бўлади.

Нутқнинг аниқлиги қонуни. Унда, албатта, аниқ мисоллар, образлардан фойдаланиш шарт.

Нутқнинг бошидан охирига қадар мавзуларни алмаштириш ёки бир мавзунинг турли кирраларини кўриб чиқиш, – энг асосийси, бир жойда тўхтаб қолмаслик, балки оғишмай мақсад сари ҳаракат қилиш қонуни.

Эстетик завқ олиш қонунига кўра, нотиқ ўзи бошидан кечирганларни ишонарли тарзда баён этиши, бу билан тингловчини бефарқ қолдирмаслиги мумкин.

Эстетик завқ олиш қонунига кўра, нотиқ тингловчига шодлик баҳш этиб, чиройли нутқи билан мулоқот жараёнини тингловчи учун ёқимли қилиш билан нутқ самарасини оширади.

Ушбу барча қонунлар ва тавсиялар бир-бирига зид эмас, балки омма билан мулоқот қилишнинг турли жиҳатларига оид қоидаларни тушунишга ёрдам беради. [8]

Шундай қилиб, нутқнинг энг мақбул композициясини танлаш ва далил маъruzada жойлашиши кетма-кетлигини белгилаш жараёнида нутқнинг таъсирчанлиги, ишончарлигига эришиши учун ишонч ва аниқ-равшан фактларни тўплаш, маъruzадаги маълумотларни мантиқан тўғри жойлаштириш ҳамда оғзаки нутқни қабул қилиш психологияк омилларини хисобга олиш лозим бўлади.

Тақдимот маросимидағи нутқ жамоат олдидаги нутқнинг турларидан бири бўлиб, қўйидаги муайян принциплар асосида тайёрланади:

1. **Қисқалик принципи.** Одатда, тақдимот маросимидағи нутқ 10-15 дақиқага нутққа мўлжаллаб тайёрланади. Шунингдек, нутқ ҳажми нутқнинг асосий мавзуини очибериш учун етарли бўлиши лозим.

2. **Изчиллик принципи.** Нутқнинг барча кичик мавзулари асосий мавзуидан келиб чиқиши керак. Нутқнинг барча қисмлари мантиқан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим.

3. **Мақсадга йўналгандлик принципи.** Нутқ аниқ мантиқка бўйсуниши керак. Нотиқ ва тингловчилар нутқнинг йўналишини, унинг мантиқий тузилмасини қўйидаги тартибга мос келишини англаб етишлари керак:

Муаммо —> мавзу —> тезис —> далил-исботлар.

Тезис –нутқнинг асоси, далиллар эса – асосий ғояни қўллаб-қувватлаш учун келтириладиган исботлар.

4. Нутқ таъсирини **кучайтириш принципи.** Нутқнинг тингловчига кўрсатадиган таъсири нутқнинг бошидан охиригача кучайиб бориши лозим. Бунинг учун маълумотларни аҳамиятига кўра, сўз ва интонация воситалари ёрдамида жойлаштирилиши нутқнинг кўзланган мақсадга эришиш ўйидаги жўшқинлиги кучайтиришга хизмат қиласди.

5. **Самарадорлик принципи.** Нутқ якунида тингловчиларни маълум хуласа чиқаришга, ҳаракатга ундовчи даъват, тавсияларга эга бўлиши керак. Хуласа ёки даъват ихчам, эсда қолувчи сўзлар билан таърифланиши керак.

Жамоат олдида сўзланадиган нутқни тайёрлашнинг баён қилинган қоидалари нутқ композицияларида аксини топиши керак.

Нутқнинг интонацион ифодаси устида ишлашнинг мураккаблиги шундаки, нотиқ ўз нутқини ўқимайди, балки сўзлайди, яратади. Варақдан ўқиб беришга асосланувчи интонацион ифодалилик бўйича машқлар тизимиға қўйидагилар киради:

- матнни тушуниш – уни мазмунига кўра бўлакларга ажратиш. Ҳар бир бўлак ўз интонациясига эга бўлади;
- матнинг ҳар бир бўлагига мос келувчи тепм ва ритмни аниқлаш устида ишлаш;
- мантиқий ва психологик тўхтам ҳамда ургуларни қўйиб чиқиш;
- ҳар бир бўлак ҳамда бутун матнга мос келувчи оҳанг ва тембрни белгилаш.

Нутқнинг интонацияси қанчалик табиий бўлса, аудитория жўшқинлигига сабаб бўлиб, нутқнинг самарали бўлишига хизмат қиласди.

Нутқ сўзлашнинг умумий қоидалари

Нотиқлик санъати назариясида **жамоат олдида нутқ сўзлашнинг умумий қоидалари** – турли жанрдаги нутқни тайёрлаш учун қўлланиладиган қоидалар. Улар қуийдагилар:

Нутқни қатъийлик билан бошлаш. Биринчи жумлани аввалдан пухта ўйлаб, яхши ёдлаб олишлозим. Биринчи жумланаданоқ тутилиб сўзловчи нотиқни тингловчилар дарҳол қатъиятсиз, малакасиз нотиққа чиқарадилар. Биринчи жумла аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Драматизм – нутқ жараёнида бирор ноодатий ёки фожеали воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз боргандা, турли фикрлар баҳслашуви, қарашлар тўқнашганда кескинлик юзага келади.

Ҳиссиётга ўта берилмаслик. Эмоционаллик нотиқ учун жуда муҳим. Тингловчилар нотиқнинг ўз нутқига бефарқ эмаслигини ҳис этишлари лозим. Бир хил оҳангда нутқ сўзлаб бўлмайди. Бироқ нотиқ ортиқча ҳиссиётга берилмаслиги, меъёрга риоя этиши керак, яхшиси, тингловчиларни ҳаяжонга солувчи фактларни келтириш маъқул бўлади.

Лўнда сўзлаш. Нутқ ҳажми унга ажратилган вақтга мос бўлиши лозим. Қисқа нутқ кўпчилик тингловчилар учун энг мақбул нутқ деб ҳисобланади.

Диалогдан фойдаланиш. Нутқ жараёнида нотиқ факат ўзи сўзламасдан аудиторияга саволлар бериши, жавобларни тинглаши ва аудиториядаги муҳитга эътибор бериши керак. Ҳар бир нутқда сұхбат элементлари бўлиши лозим.

Сўзлашув услубига асосланганлик. Нутқнинг услуби, асосан, оғзаки нутқ усулига таяниши, нутқнинг ўзи эса бемалол сұхбатлашиш хусусиятини қасб этиши керак. Аудиторияга бир сұхбатдошдек мурожаат қилинг. Атамалар, китобий сўзлар, хорижий сўзларни кўп ишлатманг. Тушунарли, содда тилда гапириш лозим –бу ҳам сўзлашувнинг талабидир. Оғзаки нутққа оид сўзлардан, ҳазил-мутойибдан ўз меъёрида фойдаланиш мумкин.

Аудитория билан алоқа ўрнатиш ва уни сақлаш – нутқ жараёнида тингловчиларни кузатиш ва шунга мос равишда ўз нутқни ўзгартириш, самимийлик билан саволларга жавоб беришга, диалогга тайёр эканлигизни намойиш этинг.

Нутқни яқунлаш. Нутқнинг якуни ҳам унинг боши каби пухта ўйланган, қисқа, аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Якуний жумлани бехато, тутилмасдан ифодалаш лозим. Мазкур жумлани аудитория нутқ яқунлаётганини яхши тушуниши учун, ҳиссиёт билан, шошмасдан, баланд овозда ифода этиши зарур.

Жамоат олдида нутқ сўзлашга тайёргарлик кўришда тўртта асосий қоидани билиш муҳим:

1-қоида: “Сизнинг фикру-зикрингиз гояларга, қалбингиз эса ҳаяжонга тўла бўлиши керак”.

2-қоида: Қадимги Рим нотиги Квинтилиан муваффақиятли нутқ сирини очди: “Масала нима ҳақида гапирилаётганигига эмас, балки қандай гапирилаётганидадир”.

3-қоида: Француз ижтимоий психологи Гюстав Лебон яхши нутқнинг тўрт жиҳатини очиб берган:

Т – такрорлаш;

Т – тасдиклаш;

Ҳ – ҳиссиётларни «юқтириш»;

Т – нотикнинг жозибаси, ўзига торта олиши.

4-қоида: “Элоквенция – тўртта “Э” санъати”:

- Экспрессия (таъсирчанлик);
- Энергия (куч-гайрат);
- Энтузиазм (завқ-шавқ);
- Эмоция (ҳис-ҳаяжон) [9].

Нотиқнинг ўзига хос услуби ва ташқи кўриниши.

Нутқ услубининг ўзига хос хусусиятлари:

- 1) аудитория билан алоқа ўрнатиш ва уни ҳис этиш. Ҳозир бўлғанлар ва нотиқ ўртасида қўз контактининг ўрнатилиши, аудиториянинг эмоционал ҳолатини ҳис қилиш ва улар ишончини қозониш;
- 2) нутқнинг оддийлиги ва тушунарлилиги;
- 3) аудитория билан эркин мулоқот қилиш, ўзини эркин тутиш, табиий равиша фикр билдириш қобилияти;
- 4) энг муҳим сўзларга урғу бериш, номуҳим сўзларни уларга бўйсундириш;
- 5) овоз оҳангини ўзгартириш–гоҳ баланд, гоҳ паст овозда гапириб, овоз тембрини ўзгартириш;
- 6) нутқ темпини ўзгартириш–гоҳ тез, гоҳ секин сўзлаш;
- 7) муҳим фикрлардан олдин ва улардан кейин тўхтам қилиш;
- 8) нутққа салбий таъсир қилувчи паразит сўзлардан фойдаланмаслик.

Нотиқнинг ташқи кўриниши ва хулқ-автори

- **кийиниши** – яхши озода кийим нутқка дадиллик бахш этади, ўз кучига бўлган ишончи ва ўзига бўлган ҳурматини оширади. Ижтимоий-психологик тадқиқотлар натижасига кўра, инсон ташқи кўриниши ва кийиниши аъло даражада бўлганида муаммони ҳал қилиш ва муваффакиятга эришиш осон бўлар экан;
- **ёқимли табассум** – нотиқнинг кайфияти бошқаларга ҳам таъсир қиласи, “юқади”;
- **очиқ позалар ва табиий имо-ишоралар**.

Нотиққа нисбатан аудиториянинг ижобий муносабати шаклланишининг бир нечта усуулари мавжуд. Энг аввало, нотиқ аудитория ишончини қозониши лозим. Аудитория нотиқни билимдон ва тажрибали инсон деб қабул қилиши учун қуидаги усууларни қўллаш мумкин:

- аудитория олдида нутққа яхши тайёргарлик кўриб ҳозир бўлиши;
- нотиқ аудиторияга кўплаб яхши мисоллари, мавзуга оид суратлари ва ўз шахсий тажрибасидан мос келувчи воқеалар борлигини намойиш этиши лозим;
- мавзуга бевосита алокадор эканлигини кўрсатиш бунинг билими теранлигининг эътироф этилиши билан бирга, нутқ мавзусининг амалий жиҳатларини тушуниш ва шахсий манфаатдорлик эътироф этилишини таъминлайди.

Нотиқнинг аудитория ишончини қозонишига кўмаклашувчи усуулар:

1. Ишонч билан сўзлаш ва бир нуқтага тикилмасдан вақти-вақти билан тингловчиларга улар кўзига боққан ҳолда мурожаат этиш.

2. Ўзи ва аудитория ўртасидаги умумийликка урғу бериш. Тингловчилар нотиққа ўз сафдошларидан бири сифатида қарасалар, уларга таъсир кўрсатиш, уларда нутқнинг мотивлари тўғрисида ва шахснинг позитив сифатлари тасаввур ўйнотиш шунча осон бўлади. Тингловчилар нотиқ билан ўzlари ўртасида като фарқ кўрсалар, нотиқнинг улар ишончини қозониши шунчалик кийин бўлади. Нотиқни аудитория билан боғловчи «кўприклар» қанчалик кўп бўлса улар ўртасидаги ишонч шунчалик ошади.

3. Ўзининг маънавий-ахлоқий фазилатларини намоён этиш, чунки тингловчилар нотиққа унинг маънавий-ахлоқий фазилатлари тўғрисида олинган тасаввурлар асосида баҳо берадилар. Нотиқ нутқ сўзлаш жараёнида ўзини ҳалол, меҳнаткаш, ахлоқий жиҳатдан кучли инсон сифатида кўрсатиб, тингловчилар ишончини қозониши мумкин. Одатда, одамлар бирор-бир ғоя ёки хуқуқларни ўз шахсий манфаатларидан устун қўювчиларни самимий инсон сифатида қабул қиласи.

4. Нотиқ ўз билимларини етказишдан, тингловчиларнинг баҳт-саодатга эришишидан ўзининг чин қалдан манфаатдорлигига урғу бериш. Агар тингловчилар нотиқ уларни манипуляция қилишга уринмаётганлигига ишончи комил бўлса, ишонч ўрнатилади.

5. Дастреб нотиқ сифатида тингловчиларда ижобий таассуротни шакллантириш лозим. Шароитга мос равиша кийиниш, самимий ва жозибали бўлиш. Ёқимли табассум ва

овоздаги хайрихохлик, тингловчиларнинг баён этилаётган ғояларни қизиқиш билан қабул қилиши ҳамда самимий муҳит яратилишига ёрдам беради.

3- боб. ФИКРНИ БАЁН ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Тил – маълум кишилар жамоаси аъзоларининг мулоқоти учун муҳим ва асосий восита ҳисобланган ўзига хос белгилар системаларидан бири бўлиб, жамиятда тафаккурнинг ривожланиши учун, маданий тарихий анъаналарни авлоддан-авлодга етказиш учун хизмат қиласди.

Нутқ – ифодаланган маълумот талабига мос ҳолда тил қоидалари асосида тузилган тил белгиларининг тартибиdir.

Матн – у ёки бу ҳолда тугалланган мазмун ва нутқнинг бирлигини ўзида шакллантирган ҳамда ифодаланган оғзаки ёки ёзма асарга айтилади.

Фикрни оғзаки баён этиш

Фикр сухбат, муҳокама, мунозара шаклидаги нутқий фаолиятлар давомида оғзаки баён қилинади

Сухбат. Маълум бир мавзу юзасидан диалог ёки полилог тарзида икки ёки бир неча киши ўртасида бўлиб ўтган нутқий мулоқот **сухбат** дейилади. Сухбатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, сухбатдошлар ўзларига ноаник нарсалар юзасидан бир-бирларига савол берадилар, берилган саволларга жавоб қайтарадилар. Бу хусусияти билан сухбат маъруzedан фарқ қиласди. Маъруза маълум мавзу юзасидан нотиқнинг малоҳазалари баёнидан иборат бўлади. Маъруза тугагунча нотиқка ҳеч ким савол бермаганидек, у ҳам тингловчиларга бирор масала юзасидан савол ташламайди. Маъруза орасида тингловчилар нотиқ фикрларини тўлдирмайдилар. Сухбат бирдан ортиқ кишиларнинг эркин сўзлашувидан ҳосил бўлади.

Сухбат олдига қўйиладиган талаблар:

- мавзудан четга чиқмаслик
- саволларга аниқ, қисқа, тўла жавоб бериш.
- жавоб бериш жараёнида саволнинг аҳамиятига эътибор бериш, далил ва мисолларнинг ишонарли бўлишини тъминлаш.
- сухбат жараёнида тингловчилар ҳолати, вақти қизиқишлари, мавзунинг долзарблигини ҳисобга олиш.
- сухбатда камтарлик, хушмуомалалик талабларига жавоб бериш.
- сухбат давомида нутқнинг ифодалилик, таъсиранлик, мантикийлик, тўғрилик, софлик каби хусусиятлари талабларига риоя қилиш.

Муҳокама – маълум бир масала юзасидан кўпчиликнинг фикрини тўплашни, маълум тўхтамларга келишини англатади. Муҳокамада баҳс предметининг ҳамма томонларига назар ташланади, ҳар бир иштирокчи ўзининг эркин фикрларини ўртага ташлайди. Мавзу иштирокчиларининг турли ҳажмдаги диалоглари, монологлари асосида ёритилади. Муҳокамада фикрни оғзаки баён этишининг ҳар хил усулларидан фойдаланилади.

- муҳокама нутқи олдига қўйилган т а л а б л а р:
- муҳокама мавзуидан четга чиқмаслик.
- фикрни ихчам, сода, таъсирили қилиб ифодалаш.
- ортиқча лирик чекинишларга берилмаслик.
- фикрга мос далил ва исботларни аниқ, лўнда қилиб келтириш.
- бошқалар билдирган фикрларни такрорламаслик.
- фикрни ифодалаш давомида ўзгалар фикрига хурмат билан қараш, ўринсиз билдирилган фикрларни киши шахсига тегмасдан инкор этиш.
- фикрни баён қилиш давомида ҳаяжонланмаслик. Ўзини оғир тутиш.

Мунозара – бирор масала юзасидан тарафларнинг баҳсини, тортишувини англатади. Баҳс жараёнида ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга интилади.

Мунозарада сўзланадиган нутқ мавзу мазмунини очувчи далилларга эга, ҳаяжонли, тингловчиларни қизиқтирадиган ва муҳокамага тортадиган бўлмоғи лозим. Нутқда сўзловчининг ички туйгулари ҳам акс этади. Ўқувчиларни мунозара қилиш масаласига ва одобига ўргатиб бориш лозим. Мунозарада нотик ўзини вазмин тутади, сухбатдошини хурмат қиласди, унинг шахсига тегадиган сўзлардан фойдаланмайди.

Мунозарада қатнашувчи олдига қўйидаги талаблар кўйилади:

1. Мунозара бўладиган мавзуни тўғри тушуниш.
2. Ўз фикрларини қувватлайдиган ашъёвий ва мантиқий далиллар топа билиш ҳамда уларни тил орқали тўғри ифодалай олиш.
3. Келтирилган далиллардан мантиқий хуносалар чиқара билиш.
4. Нутқ шаклининг ихчам, қизиқарли бўлиши.

Бу талабларга жавоб бермайдиган нутқ тингловчиларга таъсири этмаганидек, нотикнинг мунозарада ютиб чиқишига имкон ҳам яратмайди.

Маълумки, ҳар қандай оғзаки муҳокама ва мунозара бошқарувчисиз ўтмайди. Мактабда мунозарага ўқитувчи ёки билими бақувват ўқувчи раҳбарлик қиласди. Мунозарани олиб борувчи шахс кенг билимли бўлишидан ташқари, одобли, сезгир, музокара иштирокчиларининг нутқларидан керакли нарсаларни ажрата оладиган, ҳар бир иштирокчининг тўғри ва нотўғри фикрларга изоҳ бера оладиган киши бўлиши керак.

Нотикона сўзлаш. Айтилаётган фикрнинг тингловчига етиб бориши ва унинг хулқига таъсири этишни нотикнинг сўзлаш маҳоратига боғлиқдир. Оддий гаплашувдан нотикона нутқнинг фарқи шундаки, нотик ҳар бир айтилаётган сўзга, гапга, сўз боғламаларига алоҳида муносабатда бўлади. Ўз фикрларини қандай “либос”да тақдим этаётганлиги билан қизиқади. Сўзланганда турли оҳанг ва ҳаракатлардан фойдаланади – қўл, гавда, бошнинг тасдиқ ёки инкорни билдирувчи ҳаракати, имо-ишоралар билан аудиторияга юзланиб туради. “Шундай эмасми?” “Тўғри-да” каби луқмалар орқали тингловчиларга ундалади. Риторик сўроқ гаплар, тайёр жумлалардан, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, гаплар (афоризм) кабилардан фойдаланади. Бу ҳаракатлари билан нутқ давомида тингловчилар билан боғланиб, уларнинг дикқатини мавзуга торттиб туради.

Нотикона нутқни мақсади ва хусусиятларига кўра ташвиқий, танқидий, табрик нутқларига ажратиш мумкин.

Ташвиқий нутқ деб, муаллиф кўзда тутган бирон воқеа-ходисани бажаришга тингловчиларни даъват этувчи, ундовчи нутққа айтилади. Нотик мавзуни далиллар асосида тингловчиларга ифодалаб беради. Уларни ишонтиришга интилади. Ташвиқий нутқда ҳалқ ҳаётидан, тарихидан, одат, удумларидан олинган таниш далилларни келтириш ва бошқа мисолларга мурожаат этиш, нутқнинг таъсиричанлигини оширувчи барча воситалардан фойдаланиш яхши натижалар беради. Ташвиқий нутқнинг намунаси сифатида хассос шиор Ҳ.Олимжоннинг “Мен ўзбек ҳалқи номидан сўзлайман!” – деб бошланган нутқини келтириш мумкин. Унда муаллиф ўзбек жангчиларини бирдамликка, қаҳрамонликка, даҳшатли балоқазо урушида матонат кўрсатишга чақиришни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадни нотик ўзбек ҳалқига хос бўлган энг яхши урф одатларни, хусусиятларни мантиқан бақувват, тузилишига кўра ҳаяжонли гапларда ифодалаш орқали юзага чиқаради. Хат бошидан-хат бошига ўтилган сари фикр янги-янги далиллар асосида ривожланиб, мукаммаллашиб боради.

Танқидий нутқ. Юз берган ҳодисалар, шахслар ҳатти-ҳаракатларига эътиrozли муносабатда бўлувчи нутқ танқидий нутқ ҳисобланади. Танқидий нутқ ҳам кучли мантиқий мушоҳадаларга суняди. Нотик ишончли далиллар асосида нутқ манбани танқид қиласди.

Танқидий нутқ маданияти нотикдан ўта ҳаяжонланиб кетмасликни, ҳақиқатдан четлашмасликни тақозо этади. Бундай нутққа танқид манбай нарса, шахс ва ҳодисаларга менсимасдан қараш, шахсига тегиб кетадиган жумлалар ишлатиш, далилсиз баланд-парвоз гаплар айтиш нутқ маданиятини, умумий маданиятини эгалламаганликни кўрсатади.

Танқидий нутқ тузилиши жиҳатидан дарак, сўроқ, риторик сўроқ, хис-хаяжон гаплардан тузилади. Муаллиф ўз мухолифига нималарнидир уқтиради, киноя қиласи, сўрайди. Қандайдир далилларни бир-бирига муқояса қиласи. Шу усуллар заминида ўзининг хақлигини исботлайди.

Танқидий нутқда ҳам нотиқона бошқа кўринишларида бўлганидек, нутқнинг қурилиши, жозибадорлиги, оҳангдорлиги тингловчига таъсир этишининг биринчи воситасидир.

Тингловчилар билан мулоқотда бўлиш маданияти нотиқдан хушмуомала, хушчақчақ бўлишни, турли хил юмор ва ҳазилларни, ҳалқ латифаларини ўринли ишлатиш уқувини ўрганишни тақазо қиласи. Бу усул нутқнинг яхши етиб боришини таъминлаш билан бирга, тингловчиларни зерикишдан сақлайди.

Табрик нутқи. Тўйларда, тантаналарда, юбилейларда, туғилган кунларда сўзланадиган нутқ табрик нутқидир. Табрик нутқи нутқ аталган шахс ва ҳодисаларнинг яхши ҳусусиятларини кўрсатишига, уларни мақташга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу нутқ кўтаринки, тантанали рухда сўзланади. Тил бойлигидан ҳам шунга мос фойдаланилади.

Табрик нутқида ҳам нотиқ турли далиллардан фойдаланади. Бу далиллар нутқ аталган шахснинг фазилатларини, яхши хулқини, инсонийлигини, ҳалқ олдидаги хизматларини кўрсатишига қаратилади. Нотиқ далил сифатида унинг таржимаи ҳолидан, ижодидан, ишларидан, у ҳақидаги бошқалар билдириган фикрлардан парчалар келтириши мумкин. Кўринадики табрик нутқини хилма-хил сўзласа бўлади. Аммо ҳақиқатдан узоқлашмаган нутқни тингловчига қаратилган шахс ҳақида тўғри тасаввур беради ва таъсир этади.

Табрик нутқи ҳажм жиҳатидан ихчам, мазмунан бой бўлиб, тингловчининг вақтини кўп олмаслиги лозим. Табрик нутқи одатда нутқнинг тил воситаларига бой, шаклан қизиқарли бўлади. Табрик нутқига мисол қилиб шоир А.Ориповнинг “Теран қалб”, “Инсон туйгулар кўйчиси “Анингдек инсон бўл” асарларини кўрсатиш мумкин.

Нутқнинг ёзма шакллари

Фикрни ёзма баён қилиш баён, сайланма баён, конспект, аннотация, реферат, шарх, биография, автибиография, тавсифнома, интервью, маъруза, лекция, хисобот, мактуб, кундалик каби шакллардан иборат.

Конспект. Конспект баённинг кўринишларидан биридир. Конспект уч хил бўлади: тўлиқ конспект, қисқа конспект, тезисли конспект.

Бирор асарни конспектлаштирилганда қўйидаги тартибда иш кўрилади: аввал асар синчилаб ўқиб чиқилади, мазмун англаб олинади ва кўчирма қилиш мўлжалланган парчаларга белгилар қўйиб чиқилади (таги чизилади ёки бошқа бир белги қўйилади). Конспектлаш бошланганда: а) муаллифнинг исми шарифи (фамилияси, исми, отасининг исми, тахаллуси); б) асарнинг номи, босилган шахри, ийли; в) асарнинг мазмуни – конспект берилади; г) манбадан олинган парчаларнинг бети кўрсатилади. Лозим топилганда муаллифнинг айрим фикрларига муносабат билдирилади.

Тўлиқ конспектда матнинг мазмуни муаллиф фикрларига баъзан бир изоҳловчи гаплар кўшиш орқали кенг баён қилиб берилади. Кўп режали асарлар конспект қилинганда унда баён этилган ҳамма фикрлар изчил кўрсатилади. Бундай конспектни ўқиганда асар ҳақида етарли мульдомотга эга бўлиш мумкин.

Қисқа конспектда матнаги энг муҳим деб хисобланган фикрлар баён этилади. Воеаларнинг тафсилотлари берилмайди. Муаллиф ўз асарида, асосан нималар устида тўхталганлиги санаб ўтилади.

Тезисли конспект манбанинг асосий қоидалари энг муҳим фикрларни ажратиб олишдир. Тезис, одатда, илмий мақолалар, маърузаларнинг сиқиқ мазмунидир. Тезисда фикрлар кўпинча рақамлаб борилади. Тезиснинг ҳажми энг кўп деганда 1-4 варагдан ошмайди. Лекин бу қатъий чегара эмас. Баъзи сиёсий масалаларга бағишлиланган маърузаларнинг тезиси каттароқ ҳажмда ҳам бўлиши мумкин.

Сиқиқ хулоса (резюми). Сиқиқ хулоса маъруза ёки бошқа асарларда кенг ва атрофлича далиллар билан баён этилган фикрларнинг 3-4 гапли якунидир. Муаллиф резюмидаги кузатиш ва мушоҳадаларидан юзага келган тўхтамларнинг энг зарурларини кўрсатади.

Аннотация. Аннотация бадиий, илмий, методик асарларнинг муаллифи, мавзуси, манбаси, унда қўтарилиган асосий масалани қўрсатишга қаратилган қисқа хабардир. Аннотация ўзининг кам сўзлиги, ҳажм жиҳатидан ниҳоятда кичиклиги билан бошқа турларидан ажralиб туради.

Отзыв (Фикр). Сайланма баённинг яна бир тури отзывдир. У бадиий, илмий, методик ва бошқа асарларга берилган баҳодир. Отзыв, одатда, асарнинг яхши томонларини қўрсатишга қаратилган, унга “Оқ йўл” тилаган тарзда ёзилади. Бу жиҳатдан тақриз (рецензия)дан фарқ қиласди. Рецензияда асар танқидий таҳлил этилади, шу нуқтаи назардан баҳоланади. Асарнинг ютуқлари ҳам, нуқсонлари ҳам қўрсатилади. Тақризчи ўзининг даъволарини турли далиллар асосида исботлай боради, асарга илмий изоҳлар беради.

Отзыв кўпинча асарларни химояга, нашрга тавсия этиш, асар муаллифини қувватлаш мақсадида ёзилади. Шунинг учун унда асарнинг камчиликлари устида деярли сўзланмайди. Манбадан олинган парчалар ҳам унинг ижобий томонларини қўрсатишга қаратилган бўлади.

Аммо отзыва ҳам, рецензияда ҳам уларни ёзиш одоби холисликни, ҳақиқатдан четлашмасликни талаб этади. Тақриз қилинаётган асарнинг ютуқ ва камчиликлари, назарий ва амалий аҳамияти хаққоний қўрсатилиши лозим. Асарга баҳо беришда муаллифнинг шахсияти, обрўси эмас, балки унинг (асарнинг) хусусиятлари, аҳамияти кўзда тутилади.

Реферат. Бирор илмий, методик, педагогик мавзудаги асарнинг қисқача мазмуни ҳақидаги баён (ёзма маъруза) реферат хисобланади. Реферат муаллифнинг ўз асари ҳақида бўлса автореферат дейилади. Авторефератда асарнинг қисқача мазмуни, янгиликлари, методик усуллари, илмий курилиши, фойдаланилган адабиётлари устида фикр юритилади. Амалда илмий ва обзор рефератлари кўпроқ учрайди. Илмий рефератларга фанда, методикага, тарбияга ва техникага оид ишларнинг қаерда амалиётда синааб кўрилганлиги ҳақида ҳам хабар берилади.

Шарҳ (обзор) реферати илмий ва бошқа асарларга шарҳ бериш, яъни унинг умумий хусусиятларини қисқача баён қилиб беришни кўзда тутади.

Биография ва автобиография. Кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи баён биография (автобиография) дейилади. Биографияда баён кишининг туғилган жойи ва йилидан бошланади. Биография (автобиография) қўйидаги тартибда ёзилади:

1. Исми шарифи, туғилган йили, туғилган жойи, тумани, шаҳри, вилояти ҳақида маълумот.
2. Ота-онаси, aka-укалари ҳақида маълумот.
3. Ўқиган мактаби, унга бориши ва тугатиш йиллари, мактабнинг қайси маъмурий ҳудудий бўлимiga тобелиги.
4. Мехнат фаолиятини қачон, қаерда, ким бўлиб бошлаганлиги, қаерларда ишлаганлиги.
5. Оилавий аҳволи.
6. Қайси жамоат ташкилотларида фаол иштирок этганлиги.
7. Мехнатлари эвазига хукуматимиздан олган тақдирномалари.
8. Кейинги даврдаги фаолияти ҳақида маълумот.

Автобиографияда баён биринчи шахс тилидан, биографияда III шахс тилидан ифодаланади. Автобиографияда таржимаи ҳоли ёзилаётган кишига тавсифнома берилмайди. Биографияда эса тавсифномага оид жумлалар берилаверади.

Ёзувчиларнинг ўз шахсий ҳаёти билан боғлиқ материаллар асосида воқеликни ёритган асари автобиографик асар хисобланади. Автобиографик асар учун муаллифнинг ҳаёти бир восита бўлиши мумкин. Бундай асарларда ҳам ҳаёт кенг, зиддиятлари билан акс эттирилади, ўз образлар тизимида эга бўлади. Автобиографик асарлар автобиографик роман, автобиографик қисса, эсдаликлар деб юритилади.

Автобиографик жанрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда воқеалар муаллиф тилидан ҳикоя қилинишидир. **Ровий** (ҳикоя қилувчи) воқеаларни биринчи шахснинг бошидан кечирғанлари, кўрганлари тарзида баён этади.

С.Айнийнинг “Эсадаликлар”и, Ойбекнинг “Болалик” қиссаси, А.Қаҳхорнинг “Ўтмишдан эртаклар”и автобиографик асарлардир.

Тавсифнома. Кишиларнинг ижтимоий фаолифти, жамиятда тутган ўрни ҳақидаги муҳокама тарзида айтилган ёки ёзилган баён тавсифнома ҳисобланади. Тавсифномада шахснинг ижтимоий фаолиятида эришган ютуқ ва камчиликлари, хулқидаги ибратли хусусиятлари, кишилар билан ва оиласабатлари баён этилади. Шахснинг фаолияти билан боғлиқ турли ҳаётий далиллар келтирилиб, улар асосида шахсга баҳо берилади.

Тавсифнома берувчи шахс ёки ташкилот ўзи баҳолаётган кишини яхши билиши, ундаги яхши ёки ёмон фазилатларни чукур англаған бўлиши лозим. Мактабда болага тавсифнома ёзувчи ўқитувчи, ёшлар ташкилоти мутасаддиси уни синчилаб кузатиши, иқтидори қайси фанларга қаратилганлигини, нималарга қизиқиши, ташкилотчилиги табиатида қандай камчиликлар борлигини яхши билган бўлиши керак.

Тавсифнома икки ёки бир гуруҳ кишиларга ҳам ёзилади. Кишиларга қиёсий тавсифнома ҳам берилади. Бундай тавсифномалар бир-биридан ўз хусусиятлари, тил қурилиши билан фарқ қиласи. Масалан, бир ўқувчига ёзилган тавсифномада ўша ўқувчининг хулқи, фаолиятидаги яхши ёки ёмон хусусиятлари кўрсатилса, икки кишига ёзилган тавсифномада уларнинг ўхшаш томонлари, қизиқишлини ва хоказолар умумий тарзда кўрсатилади.

Бутун бир синфа ёзилган тавсифномада синф яхлит ҳолда олиниб, унга мос умумий хусусиятлар фанларни ўзлаштириши, жамоат ишларига иштироки, қизиқиши, озодалиги кабилар ҳақида сўзланади.

Қиёсий тавсифномада икки шахснинг хусусиятлари солиштирилади. Бунда бири ўзининг ижобий томонлари билан иккинчиси салбий томонлари билан кўпроқ кўзга ташланадиган кишилар саналади.

Тавсифнома бериш (ёзиш) маданияти кишининг яхши ёки ёмон фазилатларини, фаолиятини ёритишдаadolатли, ҳаққоний бўлишни тақазо этади. Ўқитувчи бунга ҳар доим амал қилиши шарт.

Интервью. Матбуотда эълон қилиш, радиоэшиттириш ёки телевидениеда фойдаланиш учун мухбирнинг бирор киши билан ўтказган сұхбати, шу сұхбатнинг матбуотда эълон қилинган матни интервью дейилади. Интервью (сұхбат) жамиятимиздаги исталган киши билан ўтказилиши мумкин. Интервью радио ва телевидениега хос жанр бўлиб, унда учрашувда иштирок этаётган шахснинг ижтимоий фаолияти, ишдаги ютуқлари ва камчиликлари, бу борадаги муаммолари ҳақида фикр юритилади. Унга шахсий ва оиласий хаёт юзасидан саволлар берилиши мумкин.

Интервью учун саволлар маълум бир мавзу асосида пухта ўйлаб, нутқ шароитига мос қилиб тузилади.

Бериладиган саволлар шундай тузилсинки, интервью берувчининг хулқига таъсир этиб, уни сўзлашга ундин. Саволлар қисқа жавоблар эса мазмундор бўлсин. Бунинг учун интервью ўтказувчи мухбир сұхбатга пухта тайёргарлик кўрган бўлиши лозим.

Маъруза. “Маъруза” сўзи, одатда, икки маънода ишлатилади.

1. Раҳбар ёки бошлиқда оғзаки ёхуд ёзма берилган ахборот. Масалан, “Байрамолди топшириқларнинг бажарилиши юзасидан ёшлар ташкилоти мутасаддисининг мактаб директорга ёзма маъруzasи” каби.
2. Бирор мавзуу юзасидан жамоатчилик олдида берилган ахборот.

Иккинчи маънода маъруза омма орасида сўзланадиган нутқнинг кўринишларидан бўлиб, турли мавзуларда ёзилади; яъни педагогик мавзудаги маъруза, адабиётлар обзорига бағишланган маъруза, илмий, ҳисобот маърузаси каби.

Маъруза маълум тайёргарликдан кейин йигилган материалларга, далилларга асосланган ҳолда ёзилади. Шунга кўра, маъруза ёзувчи унда маълум мақсадни амалга оширишни кўзда тутади ва режалаштиради. Далиллар, манбалардан олинган парчалар

кўзланган мақсадни очадиган қилиб танланади. Масалан, ўқитувчи мактаб ёки синф ҳақида ота-оналар мажлисида маъруза қилмоқчи бўлса, у мактаб, синф ҳаётини яхши ўрганиши, далилларни таҳлил этиб, маълум хulosаларга келиб қўйиши, синфнинг ўзлаштириши, унга сабаб бўлаётган ижобий ёки салбий ҳодисалар, синф ўзлаштиришини кўтариш борасидаги режалар, илмий фараз ва вазифалар аввалдан яхши ўйлаб олиниши керак. Маърузада турли хил рақамлар, уларни бир-бири билан солиштириш, ўзлаштирилиш фоизларини ҳисоблаб чиқариш ҳам кўзда тутилади. Аммо ҳаддан ташқари уларга кўп ўрин бериш маърузани зерикарли қиласди.

Маъруза учун керакли далил ва материаллар тайёр бўлгач, энди маърузанинг тузилиши устида, фикрларни ифодалаш воситалари, оҳанг, мантикий ургу устида машқ қилинади. Бу жараёнда тингловчилар билан алоқа боғлаб туришнинг воситалари – ундалма, киритма гап, кириш сўз, ўрни билан юмор, киноя ва бошқалардан фойдаланиш устида ўйлаб кўриш ҳам яхши натижа беради.

Маърузанинг умумий режаси қуйидаги қисмларни ўз ичига олиши зарур:

1. Кириш қисми. У асосий масалага ўтиш “кўприги” ҳисобланади. Унда тахминан, кундалик сиёсат, маъруза учун сабаб билган воқеалар сингари омиллар устида сўзланиб, аста-секин мавзуни ёритишга ўтилади.
2. Маъруза мазмунининг баёни.
3. Баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган хulosалар.
4. Таклиф, тавсиялар. Бу пункт аксар маърузаларда бўлмаслиги мумкин.
5. Маъруза яна бир қўриниши олий ўқув юртларида, омма олдида бирор мавзу юзасидан баён тарзида ўтказиладиган дарё ёхуд машғулотdir. Шу машғулотда тингланган нутқ ҳам маъруза деб юритилади. Маъруза икки хил **1. Монолог маъруза 2. Диалог маъруза** (сухбат).

Монолог маърузада нотик маълум мавзу бўйича ўзи билган нарсалар ҳақида сўзлайди. Саволлар тугагандан сўнг берилади. **Диалог маъруза** тингловчиларнинг фаол иштирокида ўтади. Нотик маълум масалаларни нутқида ёритиб борар экан, ўз фикрларининг қандай тушунилаётганлигини аниқлаш мақсадида тингловчиларгина мурожаат қилиши, уларнинг жавобларини тинглаши, саволларига жавоб бериши, улар билан баҳсласиши мумкин. Ана шу савол-жавоблар, фикр олишувлар жараённида мавзунинг мазмуни очила боради. Маърузанинг қизиқарли ўтиши нотикнинг тайёргарлигига, нутқ оқимини тингловчиларнинг хулқига таъсир этадиган тарзда олиб боришига боғлик. Нотикнинг билими, савияси, дунёкараши, ҳаётий тажрибаси, тилни билиши ва ундан моҳирона фойдалана олиши муваффақиятларнинг гарови саналади.

Маъруза тайёрланиш ҳам худди оммавий маърузага тайёрланиш кабидир. Албатта, далиллар тўпламасдан, назарий адабиётлар билан танишиб чиқмасдан туриб яхши маъруза қилиб бўлмайди.

Хисобот. Хисобот хизматга доир маълумот ва мулоҳазалардан иборат ҳужжат бўлиб, унда бирор юмуш, бирор соҳа бўйича қилинган ишлар ҳақида хабар берилади. Масалан, мактабда тўғарак ишларининг ахволи, метод бирлашманинг иши тўғрисида хисобот бериш каби. Хисобот оғзаки ёки ёзма бўлади. Хисоботда ишнинг олдига қўйилган мақсад, унинг ҳажми ҳақида умумий маълумот берилгандан сўнг, қандай бажарилганлиги, белгиланганлардан қайсилари амалга ошмаланлиги, бунга монелик қилган тўсиқ-сабаблар кўрсатилади. Кўлга киритилган ютуқлар нималар асосида амалга ошганлиги, янги метод ва усувлар қайд этилади. Ҳал этиш қийин бўлган муаммолар (агар бўлса) санаб ўтилади. Уларни ечиш борасида шахсий маслаҳатлар, таклифлар айтилади.

Мактуб. Мактуб бир кишининг бошқа бир (ёки бир гурӯх) кишига маълум қилган ўз ахволи, ички кечинмалари ёки юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабардир. Мактуб турли мавзуларда ёзилиши мумкин, яъни ҳарбий хизматдаги аскарнинг ўз ота-онасига мактуби, шогирднинг устозига мактуби, муштариининг газета ёки журнал таҳририятига мактуби, ошиқнинг маъшуқига мактуби каби.

Мактубда муаллиф эркин фикрлайди. Ўзини қизиқтирган, изтиробга солган воқеаларни кенг ва ҳар томонлама баён этади. Мактуб сўзлашув услубида ёзилади. Унда ишлатилган тил

бирликлари муаллифнинг кундалик ҳаётида қўллайдиган сўзлардан иборат бўлади. Мактубнинг услуби содда, ҳаммага тушунарли бўлиши муаллифнинг фикрлаш услубига боғлиқдир.

4-боб. НУТҚ ТЕХНИКАСИ ВА ОВОЗДАН ФОЙДАЛАНИШ

Нотиқлик бевосита овоз хусусиятлари билан боғлик, ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган нотик ўз тингловчиларига овозининг ширадорлиги билан ҳам таъсир этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун нутқ сўзловчи ўз овозининг кучини, ёқимлилигини, унинг техникасини билиши зарур. Нутқ техникаси дейилгандан нуткни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланадиган воситалар тушунилади. Нутқ икки хил кўринишда бўлгани каби унинг техникасини ҳам икки хил кўрсатиш мумкин:

Оғзаки нутқ техникаси.

Ёзма нутқ техникаси.

Оғзаки нутқ техникаси товуш, бўгин, сўзларни, унинг шаклларини талаффуз этишини яхшилаш борасида нутқ органларини фаоллаштирувчи машқларни англатади. Бунга овоздан фойдаланиш товуш фазилати сифатида ёркин ифодалаш қобилияти билан, нутқ фаолиятининг маъноси билан, нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боғлик бўлади. Агар нотик ўзи фикр юритмоқчи бўлган нутқ предметини яхши билса, унга мос сўзлар танласа ва ўзи танлаган сўзларнинг маъноларига вазифалар юкласа, нутқнинг аниқ бўлиши муқаррардир.

Нотиқнинг овозида қуидаги хусусиятлар бўлиши лозим.

- жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);
- кенг диапазонлик (овознинг энг пастлиқдан энг юқоригача бўлган даражаси);
- ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиш);
- ихчамлик ва ҳаракатчанлик;
- чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);
- мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодикани эшитилиш шароитида мослаша олиш);
- қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик;
- суггестивлик (овозни ҳаяжон билан ифодалаш ва бу орқали тингловчининг ҳулқига таъсир қилиш хусусияти).

Тўлиқ, мукаммал шаклланган, талаб даражасидаги нутқ техникаси нотик (нутқ сўзловчи)нингумумий нутқий маданиятининг энг муҳим узвий, таъбир жоиз бўлса, тамалларидандир. Жонли, товушли нутқ ва унинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўнишка ва малакаларининг жами нутқ техникаси демакдир. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш қўшилмаларини аниқ талаффуз килиш, аниқ дикция каби бир қатор ҳодисалар назарда тутилади. Нутқ техникасидаги бош масала овоз масаласидир. Асосий қуроли нутқ бўлган ҳар қандай одам учун овоз ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

Машхур рус олими М.В.Ломоносов ўзининг "Нотиқлик бўйича қисқача қўлланма"сида нотик бўлиш учун, аввало, табиий қобилият зарурлигини, табиий қобилият эса руҳий ва жисмоний турларга бўлинишини айтади. Олим жисмоний қобилият деганда баланд ва ёқимли овоз, узун нафас ва бақувват кўкрак, шунингдек, соғлом тана ва келишган қоматни назарда тутади.

Бугунги кунда сиёсатчиларнинг имижи ("қиёфаси")ни яратишда бир қанча ташқи омиллар қаторида уларнинг овоз тембри ҳам муҳим эканлиги алоҳида таъкидланади. Умуман, сиёсатчими, ўқитувчими, актёрми, журналистми, ким бўлишидан қатъи назар, унинг оғзаки нутқида барча коммуникатив сифатлар мавжуд бўлса-ю овозида у ёки бу нуқсон сезилса, бундай нутқ таъсир кучини камида ярмига йўқотади. Айтиш мумкинки, бир кишигами, юз кишигами, борингки, минг кишигами, бунинг фарқи йўқ, ўзгага хитобан айтилган ҳар қандай нутқда овознинг, овоз сифатининг ўрни фавқулодда муҳимдир.

"Табиий жисмоний қобилият" сифатидаги, айтайлик, хирқироқ, чийилдоқ, шанғироқ каби овозларнинг ёқимли бўлолмаслиги, яъни тингловчи қулоғини қийнаши тайин. Бундай ёқимсиз овоздан "либос кийган" фикрнинг каттагина қисми нутқ идрокининг ўта сезгир ва нозик дарвозаси бўлмиш қулоқдан ўтолмай ташқарида қолади. Бу, албатта, нутқ эгаси кўзлаган мақсад — муайян бир ахборотни тингловчига тугал ва таъсирили тарзда етказиш учун қулай шароит яратмайди, балки унга монелик қиласди. Сир эмаски, фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлган касблар орасида ўқитувчилик биринчи ўринда туради, бунинг устига, ўқитувчилар сони ҳам айни тур касбларнинг бошқаларида машғул бўлганлар сонидан сезиларли даражада ортиқдир.

Тажрибали нотик ёки ўқитувчи ўз тингловчилари кўзи ўнгидаги қусурсиз ва билимдон мутахассис имижини яратиш, уни сақлаш учун ҳамиша нутқининг фонетик расолиги ҳақида қайғуриши зарур. Тўғри, туғма хирқироқлик, чийилдоқлик каби овозни ёқимсиз қиласдиган жиҳатлардан тамоман қутулишнинг иложи йўқ. Аммо нутқ техникасини етарли даражада билмаслик оқибатида юзага келадиган нуқсонлардан фонетик билимлардан хабардорлик, овозни йўлга кўйиш (русчада "постановка голоса"), аниқ талаффуз қилиш, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш бўйича турли машқлар ёрдамида имкон қадар халос бўлиш мумкин.

Машхур қадимги юон нотиги Демосфеннинг дастлаб овози паст, талаффузи ёмон, нафаси қисқа бўлганлигидан чиройли ва таъсирили нутқ айта олмаганлиги ҳақида тарихчилар ёзганлар. Бу соҳани чукур ўрганган олим С.Иномхўжаев таъкидлаганидек, кейинроқ Демосфен нутқ техникаси асосларини эгаллашга жуда жиддий киришган. У бир ертўла қазиб, шу ертўлада овозини ривожлантириш, дикция, декламация бўйича ойлаб машқлар қиласди. Талаффузидаги нуқсонлар, "р" товушини айтольмаслик, баъзи товушларни ноаник айтиш кабиларни бартараф этиш мақсадида оғзига майдо тошларни солиб, шеърлар, турли матнларни ўкиш билан шугулланади. Овозини ривожлантириш, овоз аппаратларини чиниқтириш учун эса тепаликларга югуриб чиқиб, югуриб тушиб, нафасини ушлаб турган ҳолда шеърларни декламация қиласди. Демосфен гапираётганда бир елкасини ҳадеб кўтаравериш одатидан қутулиш учун ертўласининг шифтига уни ўткир ханжарни осиб қўйиб, елкасини ханжарнинг айни учига тўғрилаб туриб, машқларини давом эттиради. Ана шундай машакқатли ва мунтазам машқлар туфайли Демосфен нотикликнинг чўнг чўққисини забт этган.

Баъзи нотикларнинг нутқида кузатиладиган камчиликлардан бири фонация жараёнида, яъни нутқ ҳосил бўлиш пайтида нафас олишдаги тартибсизликлар билан боғлиқ. Фонация жараёнида нафас олиш ва нафас чиқариш фазалари шундай йўлга қўйилиши керакки, нафас олиш зўриқишиз, бир қадар жадалроқ, нафас чиқариш эса текис, бир меъёрда ва давомлироқ кечиши лозим. Нафас чиқариш қанчалик давомли, узун бўлса, шунчалик яхши. Зотан, товуш, нутқ айни шу нафас чиқариш жараёнида ҳосил бўлади.

Фонацияда нафас олиш ва нафас чиқариш фазаларининг кетма-кетлиги, алмашиниш тартибини тўғри тасаввур этмоқ керак. Бу фазалар билан нутқининг ҳажмий ва, албатта, мазмуний-эстетик қурилиши ўртасидаги мутаносибликни тўғри белгиламаслик оқибатида нафаснинг етмай қолиши, шунга кўра бир нафас билан яхлит айтилиши лозим бўлган нутқ парчасининг бўлинниб кетиши, мантиқий мазмунни бузадиган ноўрин паузанинг пайдо бўлиши каби нуқсонлар юзага чиқади. Масалан, Кадимий ва бой тилимизнинг соғлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир жумласи айтиларкан, масалан, ҳар сўзидан кейин нафас тугаб қолса, иложсиз, нафас олиш учун тўхталиш мажбурияти пайдо бўлади, бу эса жумланинг нотўғри бўлиннишига олиб келади. Ёки баъзан нотўғри тақсимланган нафас жумланинг охирига бориб етмай қолса, жумладаги сўнгги сўз "ямланиб" талаффуз қилинади, сўзловчи худди бўғилиб қолгандай, жуда қийналгандай туюлади, бу тингловчи учун ҳам сезиларли даражада қийноқ түғдиради.

Нутқ техникасини эгаллашда умумий тарзда бўлса-да, фонетик билимлардан боҳабарлик зарур. Маълумки, товушнинг физик-акустик хусусиятлари унинг баландлиги, кучи, тембри (бўёқдорлиги), чўзиқлиги каби сифатлардан таркиб топади. Ҳар қандай оғзаки нутқининг яшашини таъминлайдиган интонациянинг просодик унсурлари бўлмиш нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ темпи (тезлиги), нутқ тембрини каби тушунчалар асосида ҳам сезиларли даражада ортиқдир.

мазкур физик-акустик хусусиятлар ётади. Масалан, "нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзага келтиради, мелодика эса гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционалликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тебраниш частотаси нутқда бошқа акустик воситалар (урғу, тембр, темп кабилар) билан муносабатга киришиб, мураккаб товушни ҳосил қилиши ҳам мумкин, бундай мураккаб товушлардан эса турли экспрессив-стилистик мақсадларда, айниқса, шеърий мисралардаги товуш товланишларини таркиб топтиришда фойдаланилади". Нотик ўз нутқида бу фонетик имкониятлар ва қонуниятларни тўғри ва ўринли намоён эта билиши лозим.

Айрим нотиклар, айниқса ўқитувчилар, кўпинча дарс жараёнида бошқа жойлардагига қараганда анчайин баланд овозда гапирадилар. Бу йўл билан гўёки синфдаги шовқинни "босиб" қўйгандай бўладилар. Аммо бу усулнинг таъсири баривор у қадар катта бўлмайди, фақат ўқитувчининг овоз аппарати кераксиз зўриқади, ўзи тез чарчайди. Яна баъзи ўқитувчилар борки, улар дарсда деярли паст овозда сўзлайдилар. Бунда ҳам ўқитувчининг ўзи кийналади, аммо сезиларли самарага эришмайди, фақат бундай овоз бўғик, туссиз эшитилади ва ўқувчининг дикқатини ушлаб турмайди.

Тажрибали ўқитувчи фақат баланд ёки фақат паст овозда дарс ўтмайди. Товушларнинг баландлиги, кучи, тембри ва чўзиқлигидан иборат акустик сифатларининг турли даражалари (бу даражаларнинг диапазони жуда кенг)ни баён қилинаётган ахборотнинг мазмуни ва табиити, айни пайтда синфдаги ўқувчиларнинг руҳи-кайфиятига мувофиқ равишда модуляция қиласи, яъни алмаштириб туради. Ана шу тарзда монотон, қуруқ, ифодалиликдан маҳрум нутқ шаклидан кутулади ва нутқнинг оҳангдорлиги, таъсиранлигига эришади.

Нутқ сўзловчининг (нотикнинг) нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан яна бири нутқ темпи, тезлигини тўғри белгиламаслик ёки тезлик-секинликнинг мақсадга кўра мўътадиллигини сақлай олмасликдан иборат. Нутқнинг темпи, албатта, баён қилинаётган материалнинг моҳиятига, ифодаланаётган фикр структурасига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда, яъни ўқитувчи материални фақат жадал темпда баён қилса, ўқувчи ахборотни ўзиники қилиб олишга, ахборот таркибидаги муҳим жиҳатларни ўз вақтида илғашга, тўла идрок этишга кийналади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчининг идрок суръати ўқитувчининг нутқи тезлигидан орқада қолади, унга "етиб юролмайди". Зотан, ўқитувчи нутқидаги меъёридан ортиқ жадал темп дарс бериш методикаси қоидалари учун ҳам бегонадир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияtlари, айни дарс пайтидаги руҳияти, чарчаган ёки чарчамаганлиги, материални қандай қабул қилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда нутқ темпини танласа, уни ўрни билан ўзгартириб турса, ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан тўғри бўлади.

Нутқ техникасида дикция масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир товуш, сўзниг тўғри ва аниқ талаффуз қилиниши, нутқ оқимида сўз шакллари ва гапларнинг "чайналмаслиги", нотиклар, айниқса, ўқитувчи нутқи учун жиддий талаблардандир. Яна баъзи нутқларда дикция ноаниклиги билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади. Масалан, баъзан "з" товушини жарангиз "с" товушига мойил тарзда талаффуз қилиш учрайди: сиз — сис, эшитдингиз — эшитдингис каби. Бу ва бу сингари нуқсонлар нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўринларини яхши билмаслик ва артикуляцион аппарат (товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ аъзолари)нинг етарли даражада фаол эмаслиги натижасида пайдо бўлади. Нотўғри ёки ноаниқ талаффуз қилинадиган товушнинг ҳосил бўлишида иштирок этадиган нутқ аъзоларининг фаоллигини ошириш йўли билан киши нутқидаги ана шундай дикцион хатоларни тузатиш мумкин. Бунинг учун хилма-хил машқлар яхши ёрдам беради. Масалан, турли тез айтишлар, мақол ва маталлар, турли мазмундаги матнларни мунтазам овоз чиқариб такрорлаш ана шундай машқларнинг бир кўринишидир.

Умуман, ҳар қандай нутқ сўзловчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайгуриши, фонетика, фонология оид билимлардан умумий тарзда бўлса-да, хабардор бўлиши, керак бўлганда, ўз нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берадиган машқлардан муттасил фойдаланиб бориши мақсадга мувофиқ. Чунки тугал

нутқ техникасисиз нотиқнинг, ҳар бир нутқ тузувчининг оғзаки нутқи маданиятини асло расо деб бўлмайди.

Овоздан фойдаланиш техникаси

а) Нафас олиш. Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажаради. Сўз билан бирга нутқнинг энергия базаси бўлиб ҳам хисобланади.

Нутқ сўзлаётганда нафас олиш фонацион нафас олиш деб аталади (ренго-тovуш). Кундалик ҳаётдаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Лекин дарс давомида ўқитувчи жуда кўп гапиради, янги мавзуни тушунтиради, маъруза ўқийди. Агар ўқитувчи, ёки нутқ сўзловчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унинг қон томирларини уриши тезлашиб, юзини қизариб кетиши, нафас қисиши содир бўлиши мумкин.

Қайси мушакларнинг иштирок этишига қараб нафас олиш 4 турга бўлинади:

Юқори нафас олиш-елкаларни кўтарилиб тушиши ва кўкрак қафасининг юқори қисми иштирокида ҳосил қилинади. Бу бўш, юзаки нафас олиш бўлиб, унда факат ўпканинг юқори қисми иштирок этади;

Кўкрак қафаси ковурғалар ўртасидаги мушаклар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда кўпроқ нафаснинг кўндаланг ҳажми ўзгарамади. Диафрагма кам ҳаракат қиласи. Шунинг учун ҳам нафас чиқариш кучсиз бўлади.

Диафрагма иштирокидаги нафас-кўкрак қафасининг бўйлама ҳажмини ортиши хисобига вужудга келади. Бунда диафрагма қисқаради.

Диафрагма-ковурғали нафас-диафрагманинг қисқариши, ковурғачалар оралиғидаги нафас мушаклар ҳамда қорин мушаклари иштирокида вужудга келади.

б) Товуш чиқариш. Товуш-чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келади. Товуш ўзининг қуидаги хусусиятлари билан характерланади:

- товуш кучи-тovуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлик. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тирқишига бўлган босими қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади;

- товуш пардози-тovушни узоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигини созлай олишини билдиради;

- товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги -унинг мазмунига, тингловчиларга мослаб ўзгартира олиш қобилиятини билдиради;

- диапазон-тovуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуий оханглар билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши нутқни бир охангли (зеркарли) бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир охангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйкуни келтиради.

- тембр-тovуш рангдорлиги, ёрқинлиги ҳамда унинг юмшоқлиги ва алоҳидалигидир.

в) Дикция - аниқ талаффуз қилиш. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи учун профессионал зарурат бўлиб, ўқитувчи нутқини ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффузнинг аниқлиги айтилаётган сўз, бўғин ва товушларнинг қатый аниқлигидир. У нутқ аппарати барча аъзоларини (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдак, томоқ орқа девори, товуш найчалари) биргаликда ишлашига боғлиқдир. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам уларни машқ қилдириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аниқ талаффуз қилишни такомиллаштириш-артикуляция-нутқ органларини ҳаракатлантириш орқали вужудга келтирилади. Артикуляция гимнастикаси икки турга бўлинади. Биринчиси нутқ аппаратини дастлабки машқлари ва иккинчиси ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри айтишга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

г) Ритмика-бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради.

Ритм нутқнинг энг асосий қисмидир, чунки «Нутқ охангли» ва тўхтамлар ҳам тингловчиларга беихтиёр ўзгача хиссий таъсир кўрсатади. К.С.Станиславский «Қуруқ сўз» новдан тушаётган нўхатдек ёпирилиб чиқади, маъноли сўз эса худди симоб тўлдирилган

шарча каби аста-секин шаклланади. Берилаётган билимларнинг қийин қисмини ўқитувчи аста-секин тушунтиради ва ундан сўнг янада тезроқ гапиришга ўтиши мумкин.

Ўзбек адабий тили оғзаки нутқ техникасининг ривожига ўзбек маданиятининг атоқли намоёндалари, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, актёрлар катта ҳисса қўшдилар. Бу борада Х.Олимжон, Ф.Гулом, Х.Гулом, актёрлардан: А.Хидоятов, Ш.Бурхонов, О.Хужаев, С.Эшонтураева, Р.Хамроев, Х.Умаров, сухандонлардан: У.Бурхон, Т.Юнусхужаева, К.Махсумов, Н.Қамбарова, Ў.Жобиров сўз устаси: М.Хамидовларнинг хизматларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Улар ўзларининг ширали овозлари билан тингловчиларни мафтун қилиб келганлар.

Ҳозирги шеър ўқиши техникасида икки хил йўналиш мавжуд. Бу шеърхонликда яққол сезилиб туради. Бири анъанавий шеър ўқиши бўлиб, унда асосан шеър турокларга, шеър бирикмалари га бўлиб ўқиласди. Бу усулни кеска шоирларнинг шеър ўқиганида эшитамиз.

Иккинчи хил шеър ўқиши эса, шоир А.Орипов ва Х.Худайбердиевалар бошлаб берди. Бу усулда, асосан мисрадаги ҳар бир сўзга алоҳида ургу берилади, сўзлар бир-биридан кичик пауза билан ажратиб ўқиласди.

Ёшлар орасида кейинги йўналишга, усулга эргашиш кучлидир. Бундай янгича шеър ўқиши усулларига мутахассислар томонидан ҳали баҳо ва ном берилган эмас.

Ёзма нутқ техникаси ўз моҳиятига қўра икки турга бўлинади.

Ҳар қандай ёзма нутқ учун зарур бўлган техник хусусият.

Иш қоғозларига хос бўлган техник хусусият.

Ёзма нутқ ҳам худди оғзаки нутқ каби тингловчи (ўқувчи) учун яратилади. Унинг қулийлигидан, ўқувчига тез ва бутун моҳияти билан етиб боришидан ёзувчи ҳам, ўқувчи ҳам манфаатдор. Шуни назарда тутганда ёзма нутқ техникаси қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) ҳар қандай ёзма нутқ хат бошидан, бош харф билан бошланиши керак, ҳар бир гап мазмунан нисбатан тугалланган бўлиши, ёрқин фикр англатилиши керак. Гап тугагандан кейин мазмунга қўра тегишли тиниш белгилари қўйилган бўлиши керак;

б) маълум бир фикр баён этилгандан сўнг, нутқнинг таркибий қисми бўлган бошқа фикр ҳам бошидан бошланиши зарур. Хат бошилар (абзацлар) бир-бири билан мантикий боғланган бўлиши лозим;

в) диалоглардан ташкил топган ёзма нутқда хар бир шахснинг гапи тире орқали ёзилади;

г) кўчирма гаплар, кўчирмалар, ўз маъносида ишлатилмаган сўзлар, бирикмалар қўштириноқ ичига олинади;

д) нутқ учун иккинчи даражали ҳисобланган, ундаги гапларнинг таркибий қисми ҳисобланмайдиган нарсалар тире ёки қавс билан ажратилади;

е) от, кесим (боғламасиз бўлганда), изохловчи, ундалма, ажратилган бўлаклар тегишли тиниш белгилар билан ажратилади;

ж) нутқнинг хат бошидан йирик қисмлари бобларга бўлиб кўрсатилади.

Иш қоғозлари ҳам ёзма нутқ ҳисобланади. Уларнинг ёзилиши ҳам нутққа хос умумий талаблардан четта чиқмайди. Иш қоғозлари ҳам ўқувчига мўлжаллаб ёзилади. Иш қоғозлари мазмун ва шакл жиҳатидан турли-тумандир. Масалан, ариза, маълумотнома, баённома, тилхат, қарор, буйруқ (фармон), аннотация, такриз, ишонч қоғози, тавсифнома, тавсиянома, ҳисбот, раҳматнома, муносабатнома, телеграмма, хат, саломхат ва х.к.

Иш қоғозларининг катта қисми ўзининг қатъий техник шаклига эга. Бундай қатъий шакл уларни тайёрлашни енгиллаштиришдан ташқари ўқувчи учун ўзида баён этилган фикрни тезроқ ва ёрқинроқ англашга ҳам ёрдам беради. Ҳамма техник қоидаларга амал қилиб ёзилган иш қоғозлар ўз ташқи кўриниши билан чиройли, мазмунан равшан бўлади ва ўқувчида қандайдир даражада завқ уйготади.

Ҳар бир иш қоғози луғавий таркиби билан бошқасидан ва ўзга нутқ кўринишларидан ажralиб туради. Масалан, маълумотнома учун хос бўлган сўзлар, тавсифномага ёки қарорга мувофиқ бўлмайди. Иш қоғозларида гаплар кам сўзли, ҳар бир сўз эса, аниқ мақсадни

кўзлаган бўлади. Иш қоғозларида бадиий адабиётга хос қочиримлар, ўхшатишлар, сўз ўйинлари деярли ишлатилмайди.

Ҳар бир иш қоғозининг бошқасидан ажратиб турадиган ўз шакли (ташки кўриниши) бўлади. Масалан, маълумотномага чап томондан штампга жой қолдирилади, сарлавҳа сифатида биринчи бўлиб, маълумотнома сўзи ёзилади. Аризада эса, аввал ариза бериладиган ташкилот, раҳбарнинг номи, сўнгра сатрнинг ярмидан аризачининг манзилгохи, ташкилоти, фамилияси ёзилиб, «Ариза» сўзи ўртадан бош харф билан бошланади вах.к.

5-боб. БАҲСЛАШИШ МАҲОРАТИ АСОСЛАРИ

Баҳс ва унинг турлари

Баҳс — бу нутқий алоқанинг ўзига хос тури, қарама-қарши фикрлар алмашиш жараёнидир. Баҳс деганда, фикрларнинг ҳар қандай тўқнашуви, бирор-бир масала, мавзу юзасидан қарашлар зидлиги, томонлар ҳар бирининг ўз ҳақлигини ҳимоя қиласидиган кураш тушунилади [10]. Дискуссия, диспут, полемика, дебатлар, музокара сўzlари – кўпинча “баҳс” сўзининг синонимлари ёки баҳснинг алоҳида турларининг номлари сифатида [11] қўлланилади.

Дискуссия (лот. discussio — ўрганиш, кўриб чиқиш, таҳлил қилиш) деганда, мақсади турли нуқтаи назарларни аниқлаш ва таққослаш, тўғри фикрни излаш, аниқлаш, баҳслашилаётган масаланинг тўғри ечимини топишдан иборат оммавий баҳслашиш тушунилади. Дискуссия ишонтиришнинг самарали усули ҳисобланади, чунки унинг иштирокчиларининг ўзлари у ёки бу хуросага келадилар.

Диспут (disputar — мулоҳаза қилиш, disputatio — музокара) –муҳим илмий ва ижтимоий мавзу бўйича оммавий баҳслашиш.

Полемика (polemikos – “жанговар, адоватли”) — бу томонлар, гоялар ва нутқлар конфронтацияси, қарама-қаршилиги мавжуд бўлган баҳсдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда, баҳслашишни у ёки бу масала бўйича мутлақо қарама-қарши фикрлар кураши, ўз қарашларини ҳимоя қилиш ва муҳолифнинг фикрини рад этиш мақсадида оммавий тарздаги баҳслашиш деб таърифлаш мумкин. Полемика мақсадга йўналтирилганлиги билан дискуссия, диспутдан фарқ қиласи. Мунозара, (дискуссия) тортишув (диспут) иштирокчилари қарама-қарши фикрларни таққослаётсиб:

- ягона фикрга келишга,
- умумий ечимни топишга,
- ҳақақатни қарор топтиришга ҳаракат қиласидилар.

Полемиканинг мақсади: рақиб устидан ғалаба қозониш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш. Принципial нуқтаи назарларга таянган ҳолда баҳслашувчилар ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қиласидилар, уларнинг чиқишлари жамиятнинг самарали ривожига халақит берувчи барча нарсага қаратилган. Полемика–буишонтиришга, фикрларни ишончли ва рад қилиб бўлмайдиган далил-исботлар, илмий асослар билан мустаҳкамлашга ўргатувчи фандир. Полемика, янги қарашлар ишлаб чиқилаётганда, умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганда, жамоатчилик фикри шаклланнаётганда, айниқса, зарурдир. У фаол фуқаролик нуқтаи назарини тарбиялашга хизмат қиласи.

Дебат (debat — баҳс, музокара, франц.) бирор-бир масала юзасидан музокара олиб бориши – фикр алмашиш, баҳслашиш; бирор-бир масалани муҳокама этиш, бирор-бир масала юзасидан оммавий тарзда баҳслашиш. Дебатлар – бу икки томон ўртасида долзарб мавзулар бўйича фикрларнинг аниқ тузилишдаги ва маҳсус ташкил этилган оммавий фикр алмашинувидир. Оммавий тарздаги баҳс-мунозаранинг бу тури муҳокама қатнашчилари бир-бирини эмас, балки учинчи томонни ўзининг ҳақлигига ишонтиришига қаратилган. Шу сабабли муҳокама қатнашчилари томонидан фойдаланиладиган вербал ва новербал воситалар тингловчиларда қўйилган муаммо юзасидан муайян фикрни шакллантириш мақсадига эга.

Одатда, дебатлар, мунозара деган сўзлар билан аталади йиғилиш, мажлис, конференциялардаги мърузалар, хабарлар, чиқишиларни муҳокама этишда юзага келадиган баҳслар.

Баҳс таркиби: бир тарафдан, бу биринчи муҳолиф томонидан тезиснинг илгари сурилиши ва ҳимоя қилиниши, бошқа томондан эса иккинчи муҳолиф томонидан илгари сурилган тезиснинг рад этилиши ваунинг исботланиши. Баҳснинг характери ва унинг ўзига хос жиҳатларига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар қуйидагилар:

- баҳслашиш мақсади,
- иштирокчилар сони,
- баҳслашиш шакли,
- баҳснинг тўғри ташкиллаштирилганлиги.

Баҳслашиш мақсади. Баҳс мақсадининг турлари:

- ҳақиқатни аниқлаш учун баҳслашиш,
- кимнидир ишонтириш учун баҳслашиш,
- ғалаба қозониш учун баҳслашиш,
- баҳс – баҳс учун.

Баҳс ҳақиқатни излаш, бирор-бир фикр, ғояни текшириб кўриш, уни асослаш учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Полемистлар тўғри ечимни топиш учун у ёки бу муаммо юзасидан турли хил нуқтаи назарни таққослайдилар. Улар бирор-бир фикрга қандай эътиrozлар бўлиши мумкинлигини билиш учун уни хужумлардан ҳимоя қиладилар ёки аксинча, муҳолиф келтирган ғоянинг фойдасига қандай асослар борлигини аниқлаш учун хужум қиладилар. Бундай баҳсда далил-исботлар пухта саралаб олинади ва таҳлил қилинади, қарама-қарши томоннинг нуқтаи назари ва қарашлари чуқур мулоҳаза билан, яъни мазмун-моҳиятига кўра баҳоланади, ҳақиқат биргаликда текширилади. Бундай баҳс ушбу муаммони биладиган, уни ҳал этишдан манфаатдор бўлган пухта билимли одамлар ўртасидагина бўлиши мумкин.

Ҳақиқат учун баҳслашиш ўзида бир гўзалликни мужассам этади, у баҳс иштирокчиларига ҳақиқий завқ ва ҳузур бағишилаши, улар учун чинакам “ақлий базмга” айланиши мумкин. Баҳс мавзуига оид билимлар кенгаяди, дадиллик пайдо бўлиб, ўз ақлий имкониятларига бўлган ишонч мустаҳкамланади. Бундай ақлий кураш натижасида инсон ўзини юксаклиқда ва яхшироқ ҳис қиласи. Ҳатто чекинишга, эгаллаган ўрнини бой беришга, ҳимоя қилинаётган фикрдан воз кечишига тўғри келса ҳам мағлубият асоратидан қолган ёқимсиз туйғу иккинчи даражали бўлади.

Баҳснинг мақсади ўрганиш, ишонтириш эмас, балки ғалаба бўлади. Боз устига мунозарачилар унга турли сабабларга кўра эришадилар. Баъзилар ҳақиқат тарафдориман, жамият манфаатларини ҳимоя қилаяпман деб ҳисоблайдилар. Улар ўзининг ҳақлигига ишонадилар ва охиригача принципиал қарашларини ҳимоя қиладилар. Бошқаларга эса ғалаба ўзини намоён қилиш учун керак. Шу сабабли улар учун баҳсдаги муваффақият, атрофдагиларнинг юксак баҳоси, ўз ақлий қобилиятлари, нотиқлик маҳоратининг тан олиши, енгилмас мунозарачи деб донг таратиш жуда муҳим. Учинчи тоифадагилар шунчаки ғалаба қозонишни яхши қўрадилар, улар кучли таассурот уйғотадиган ғалабага эришишни хоҳлайдилар. Ғалаба қозониш учун ҳам қандай усуулар ва воситаларни ишга соладилар.

Шунчаки баҳс учун баҳс ҳам бўлиши учрайди. Бу ўзига хос “санъат санъат учун”, “спорт”. Бундай баҳслашувчиларга нима ҳақида баҳслашиш, ким билан баҳслашиш, нима учун баҳслашишнинг фарқи йўқ. Улар учун гапга чечанликни кўз-кўз қилиш, оқни қора, қорани оқ деб исботлаш муҳим. Агар сиз бирор-бир қоидани инкор этсангиз, улар уни албатта ҳимоя қила бошлайдилар. Бундай мунозарачиларни кўпроқ ёшлар орасида учратиш мумкин.

Баҳснинг баҳс иштирокчилари сонига кўра ўзига хослиги

Муаммоли масалаларни муҳокама этишда иштирок этувчи шахсларнинг сони баҳснинг ўзига хослигига таъсир этади. Шунга кўра учта асосий гурӯхни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- баҳс-монолог (инсон ўзи билан ўзи баҳслашади, бу – ички баҳсdir);
- баҳс-диалог (икки шахс баҳslaшади);

- баҳс-полилог (бир нечта ёки кўп шахслар баҳслашадилар).

Ўз навбатида, баҳс-полилог:

- оммавий (баҳсада барча иштирокчилар қатнашади);

- гурух иштирокида (мунозарали масалабўлиши мумкин барча иштирокчилар хузурида ҳал этилади) бир гурух шахслар томонидан.

Полилог-баҳсни олиб бориш мураккаб, бироқ у ижтимоий-сиёсий, маънавий, илмий ҳаётнинг муҳим масалаларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундай баҳсада билимли одамлар қанча кўп иштирок этса, у шунча самаралибўлади.

Баҳслар тингловчилар олдида ва уларсиз олиб борилиши мумкин. Тингловчилар баҳсга ҳатто ўз муносабатини билдирамасалар-да, баҳслашувчиларга таъсир ўтказадилар. Тингловчилар кўз ўнгидага ғалаба қозониш кўпроқ хузур баҳш этади, иззат-нафсиға ёқади, маглубият эса янада аламли ва ёқимсиз бўлади. Шу сабабли тингловчилар олдида баҳслашаётган иштирокчилар ҳозир бўлганларни, уларнинг эътиборини, албатта, инобатга оладилар, зарур далилларни синчковлик билан танлайдилар, фикр билдираётib кўпинча қатъийлик, баъзида эса ортиқча қизиқонликни намоён этадилар.

Жамият ҳаётида кўпинча тингловчилар учун уюштирилаётган баҳсга дуч келиш мумкин. Баҳс ҳақиқатни аниқлаш, бир-бирини ишонтириш учун эмас, балки диққат-эътиборни муаммога тортиш, тингловчиларда муайян таассурот уйғотиш, уларга зарур тарзда таъсир кўрсатиш учун олиб борилади.

Баҳс юритишининг асосий қоидалари

Мунозара қилувчилар баҳслашишнинг асосий қоидаларини билишлари лозим. Уларга риоя қилиш унинг самарадорлиги ва унумдорлигини оширади, мунозара ва баҳслашишда муваффақият қозонишга кўмаклашади. Улар оммавий тарзда баҳслашишнинг кўп асрлик тажрибасига асосан ишлаб чиқилган.

- **Баҳс мавзусини тўғри белгилаш ва келишмовчилик нуқталарини ажратишини билинг.**

Ҳар қандай баҳс агар унинг мавзуси аниқ белгиланган бўлсагина муваффақиятли бўлади. Бу баҳслашиш маданиятининг энг муҳим талабидир. Баҳс мавзуси – бу турли нуқтаи назарларни алмашиш, фикрларни таққослаш орқали муҳокама этилиши лозим бўлган ғоялар, фикр-мулоҳазалардир. Умуминсоний манфаатларни (экология, инсониятнинг тирик қолиши, Ер сайдерасида тинчликни сақлаш каби муаммолар) акс эттирувчи масалалар баҳснинг мавзуси бўлиши мумкин. Баҳс жараёнида миллий манфаатлар, жамиятнинг муайян ижтимоий қатламлари манфаатларига тўхталиб ўтилиши мумкин, баъзан гурухнинг, масалан, муайян касб эгалари, алоҳида корхоналар, муассасалар, идоралар жамоаларининг, норасмий бирлашмалар вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилишга тўғри келади. Баҳсада мунозара қилувчиларнинг оиласидан, шунингдек, шахсий манфаатлари ҳимоя қилинади.

Аниқ бир оммавий тарздаги баҳсада ушбу манфаатлар одатда, ўзаро бир-бирига алоқадор бўлади ва бир-бирини тақозо қилиб, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади. Муҳокама мобайнида жиддий бўлмаган, иккинчи, учинчи даражали аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишга ўз кучини сарфламаслик учун баҳс мавзусининг ижтимоий аҳамиятини тушуниш мухим.

Баҳс мавзуси баҳслашувчилар томонидан дарҳол аниқлаштирилиши керак. Кўпинча у мунозара жараёнида аниқлаштирилади, баъзан эса бирор-бир муаммони муҳокама қилиш вақтида юзага келиши мумкин. Суҳбат чоғида баҳс бир мавзудан бошқасига ўтиш мумкин. Мунозара қилувчилар ҳар сафар баҳснинг мавзуси нима эканлигини аниқ тасаввур қилишлари мухимdir.

- **Баҳсга сабаб бўлган асосий масалаларни кўздан қочирманг.**

Мунозара қилувчилар муҳим қоидага риоя қилишлари – баҳс олиб борилаётган асосий жиҳатларни кўздан қочирмасликлари, қизғин мунозара жараёнида баҳс мавзусини эътибордан четда қолдирмасликлари зарур. Баҳс иштирокчиларини адаштириш долзарб вазифаларни ҳал қилишдан чалғитиш, жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир ўтказиш мақсадида, томонлардан бири муҳолифлар диққат-эътиборини муҳокама этилаётган муаммодан буриб юбориши мумкин. Баҳс мавзусини йўқотмаслик, ўзини асосий масалани ҳал қилишдан чалғитишиларига имкон бермаслик, мунозарали муаммони муҳокама этиши

самарали ва унумли бўлиши, баҳс қуруқ сафсатага айланиб кетмаслиги учун мунозара қилувчилар баҳс мавзусини, кўйилган масала, ишнинг нозик жиҳатларини яхши билишлари, пухта билимли бўлишлари лозим.

- **Баҳсдаги ўз нуқтаи назарингизни аниқ белгилаб олинг**

Баҳс иштирокчиларининг нуқтаи назари, қарашларининг аниқ бўлиши баҳс самарали ўтишининг зарур шартидир. Агар мунозарали муаммони муҳокама этиш мобайнида муҳолифнинг нуқтаи назарианик ифода этилмаган бўлса, у билан баҳс олиб бориш қийин.

Мунозара иштирокчиларида бошланғич нуқтаи назарлар умумий бўлса, улар баҳс бошидан бир-бирини тушунсалар, уларда ҳал этилмаган масалаларни муҳокама этишда ягона платформа бўлса, баҳс самаралироқ бўлади. Сўз муҳокама этилаётган муаммолар бўйича ягона нуқтаи назар ҳақида бормаяпти. Баҳс иштирокчиларининг фикрлари ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ умумий мақсад, тўғри ечим топишга интилиш, мунозарали муаммони тушунишга ва ҳақиқатни билишга хоҳиш-истак бўлиши керак.

- **Баҳсда тушунчалардан тўғри фойдаланинг.** У ёки бу масалани муҳокама этишда кўриб чиқилаётган муаммонинг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун турли зарур тушунчалар ва атамалардан фойдаланишга тўғри келади. Баҳс мавзуси билан боғлиқ асосий, таянч тушунчаларва уларни англатувчи атамаларни ажратиб қўрсатиш зарур. Баҳснинг бошида асосий тушунчалар ва атамаларнинг маъносини аниқлаштириб олиш ёки ҳеч бўлмаса, ҳар бир иштирокчи томонидан мазкур, тушунчаларга оид айни бир сўз англатадиган маъноларни қўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Агар баҳслашувчилар бошланғич тушунчаларбўйича аниқ қарорга келмасалар, мунозарани олиб бориш бефойда. Бу зарурий шартга риоя қилишнинг муҳимлиги айниқса, тилдаги сўзларнинггасарияти кўп маъноли эконлиги ҳисобга олинганда яққол намоён бўлади.

Баҳс иштирокчилари томонидан атамаларнинг, айниқса кўп маъноли атамаларнинг ноаниқ қўлланиши номақбул натижага олиб келиши, мулоқотни қийинлаштириши, баҳсли муаммонинг муҳокамасига халақит бериши, жиддий хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

- **Ўз муҳолифнинг хурмат билан муносабатда бўлинг.**

Бу баҳслашиш маданиятининг муҳим талабларидан биридир. “Рақибнинг маслаги ва эътиқодига, агар улар самимий бўлса, хурмат билан қараш ҳақиқий, пухта ва тўғри баҳснинг муҳим шартидир (ишонтириш ёки ғалаба қозониш учунми фарқи йўқ)... Одатда, одамлар... бошқа эътиқодларга ишонадиган одамни ахмоқ ёки ярамас одам деб, ҳеч бўлмаса ҳақиқий “душман” деб ҳисоблашга мойил... Буни қатъий тарзда, бироқ бирорларнинг эътиқодларини таҳқирламай, кескин сўзларсиз, масхара қилмай, айниқса, бизга ҳамдард олдидা уларнинг устидан кулмай қатъий тарзда рад этиш мумкин. — Бирорларнинг эътиқодларига хурмат билан муносабатда бўлиш нафақат бирорнинг шахсиятига хурмат, балки етук ва баркамол ақл белгиси ҳамдир”^[12].

Муҳолифларнинг бир-бирларига хурмат билан муносабатда бўлиши, рақибнинг қарашлари ва маслаги, нуқтаи назари мазмун-моҳиятини тушунишга интилиш –оммавий тарздаги баҳснинг унумдорлиги, муаммоларни самарали муҳокама этишнинг зарур шартларидир.

- **Баҳсда доимо бардошли бўлинг, ўзингизни йўқотманг.**

Психологлар агар муҳолифга унинг ўз қарашларидан кескин фарқ қилувчи фикр зўрлаб сингдирилмоқчи бўлса, у бу қарама-қарши нуқтаи назарни номақбул деб қабул қилишини аниқладилар. Шу сабабли рақибга доим эътиroz билдириш тавсия этилмайди. Баъзан муҳолиф таклиф этаётган далил-исботларга қўшилиш, йўқ дейишдан олдин “ҳа” дейиш фойдалидир. Бу барча иштирокчиларга сизнинг бегаразлигиниз, масалани холис кўриб чиқишга интилаётганингизни намоён этади. Бироқ далил-исботларга қўшилган ҳолда улар баҳс мавзусига тўғридан-тўғри алоқаси йўқлигини ва муҳолифнинг ҳақлигини исботламаслигини кўрсатиб бера олиш керак. Бошқача айтганда, тушуниш ва ҳужум қилишда уйғун нутқ оҳангини топиш зарур.

Баҳсда қизишиб кетиш тавсия этилмайди. Кузатувлар барча муносабатларда бир-бирига тенг икки мунозарачидан ким бардошли ва ўзини тутишни билса, ўша мунозарачиғолиб бўлишини кўрсатмоқда. Вазмин инсон яққол устунликларга эга: у аниқ ва хотиржам

фикрлайди. Асабий ҳолатда мухолифнинг нуқтаи назарини таҳлил қилиш, ишончли далил-исботларни танлаш, материални баён қилишда мантиқий изчиликни бузмаслик қийин.

Хотиржамликни сақлай олиш—мунозарачининг муҳим фазилатидир. Баҳснинг жанжалга, тартибсиз машмашага айланиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Газаб, жаҳлдан туғиладиган уруш мунозарачиларга ғоятда катта зарап етказади.

- Мухолифнинг хулқ-авторига эътибор беринг, унинг ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашни ўрганинг.**

Баҳслашиш усулининг талайгина турлари ва хиллари, кўплаб оралиқ вариантлари мавжуд. Мунозара ва муҳокама вақтида мухолифларингизни кузатинг ва сиз улар ўзларини турлича тутаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, айримлари бир-бирига нисбатан муносиб, хурмат билан муносабатда бўлиб, виждонсизлик ва ҳийла-найрангни ишга солмайди, кескин оҳангда гапирмайди. Улар мухолифнинг далил-исботларини диққат билан таҳлил қиласидар, ўз нуқтаи назарини пухталик билан исботлайдилар. Бундай баҳс давомида томонлар чукур мамнунлик ва муҳокама этилаётган муаммоларни тушуниб олишга хоҳиш хис қиласидар. Бошқалар, аксинча, баҳсга киришиб, ўзларини урушдагидек хис эта қиласидар. Шу сабабли улар турли хил, шу жумладан, ножӯя ҳийла-найрангларни қўллаш тўғри деб хисоблайдилар. Энг асосийси – ракибни енгиш, уни нокулай ахволга солиб қўйишидир. Демак, хушёр бўлиб, жанговар тайёргарликда туриш керак Ўзларини ўта ножӯя тутадиган баҳслашувчилар ҳам бор. Улар мухолиф сўзини қўпол равишда бузишлари, уни таҳқирловчи сўзлар билан камситишлари мумкин, менсимай ёки нафратланиб гапирадилар, тингловчилар билан масхара-омуз бир-бирларига қараб қўядилар.

Мунозарачиларнинг хулқ-автори, уларнинг баҳслашиш усули катта аҳамиятга эга ва албатта, муҳокаманинг муваффақиятига таъсир кўрсатади. Баҳсда буни ҳисобга олиш зарур. Мунозарачиларнинг хулқ-автори кўп жиҳатдан уларнинг баҳсдан қўзлаётган мақсади ва вазифалари, шахсий манфаатлари билан белгиланади.

Баҳсдаги хулқ-автор қандай рақиб билан баҳс олиб борилаётганига ҳам боғлиқ. Агар бизнинг олдимизда кучли рақиб, яъни пухта билимли, баҳс мавзусини яхши биладиган, ўзига ишонувчан, хурмат ва обрў-эътиборга эга, мантиқий фикр юритадиган, баҳслашиш кўникумаси ва маҳоратига эга одам бўлса, фикр-хаёлимиз, диққат-эътиборимиз бир ерга тўпланади, уни ортиқча тушунтиришлардан озод қилишга интиламиз, ўзимиз унинг фикр-мулоҳазалари моҳиятини тушунишга ҳаракат қиласиз, кўпроқ ҳимояланишга тайёр бўламиз. Кучсиз, муҳокама мавзусини етарлича пухта тушунмайдиган, қатъиятсиз, уятчан, баҳслашиш тажрибасига эга бўлмаган рақибдан биз тушунтиришлар ва қўшимча далил-исботлар талаб қиласиз, унинг фикрларини шубҳа остига оламиз, ўзимизни кўпроқ ишончли, мустақил, қатъиятли ҳис этамиз. Ақли, билими, маълумоти бўйича сизга teng бўлган рақиб билан баҳслашиш қизиқарли.

Мунозара қилувчиларнинг хулқ-автори кўп жиҳатдан уларнинг шахсий фазилатлари, мижозининг хусусиятлари, табиатининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Шунингдек, халқнинг, мамлакатнинг миллий урф-одатлари ва маданий анъаналари ҳам мунозара қилувчиларнинг хулқ-авторига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Мунозарачилар учун баҳсни кузатаётган кишилар, уларнинг ғалабалари ёки мағлубиятларининг шохидлари катта аҳамиятга эга. Шу сабабли айримлар олдида ўзларини босик, хушмуомала тутадилар, бошқалар билан эса улар ўзларини бемалол ва эркин тутадилар, учинчи тоифадаги кузатувчиларга эса эътибор бермайдилар. Кўпинча баҳслашувчиларнинг хулқ-автори ҳозир бўлганларнинг эътиборига қараб ўзгаради. Баҳсда ўта эҳтиросли, баъзан эса ноинсоф баҳслашувчиларни тийиб турадиган кузатувчилар иштирок этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳс вақтида ўз мухолифнинг хулқ-авторига эътибор қаратинг. Унинг ҳаракатлари ва фикрлари сабабини тушунишга ҳаракат қилинг, унинг табиатининг ўзига хос хусусиятларини, баҳслашиш усусларини инобатга олинг.

- Ўз нуқтаи назарингизни асослаш ва мухолифнинг нуқтаи назарини рад этиш учун ишончли далиллар танланг.**

Баҳсли чиқишилар амалиёти баҳсда турли вазиятлар юзага келишини кўрсатмоқда. Мунозарачи таклиф этилган тезисни мантиқан тўғри исботлайди, бироқ бу мухолифларни ишонтирмайди, чунки далил-исбот улар учун мураккаб ва улар томонидан қабул қилинмайди. Аксинча, баъзида далилларга асосланган фикр-мулоҳазалар эмас, балки бидъатларга, одамларнинг турли масалалардан бехабарлиги, обрў-эътиборли одамларга бўлган ишончига асосланган фикрлар ишонтиради. Мунозарачининг гапга чечанилиги, нутқининг жўшқинлиги, ишончли овозда гапириши, салобатли ташки қўриниши ва хоказолар катта таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, бирор-бир қоидани исботлаш, бироқ атрофдагиларни унинг ҳақиқийлигига ишонтира олмаслик мумкин ва аксинча, ишонтириб, бироқ уни исботлай олмаслик мумкин. Бироқ мунозарачи кўпчилик ҳолларда ишончли нутқининг пойдевори – унинг исботланиш эканлигини кўзда тутиши зарур.

Кучли ва заиф далиллар фарқланади. Заиф далил деганда, унга қарши осонгина топилган эътирозни рад этиш қийин бўлган далил тушунилади. Агар мухолиф ҳеч бир аниқлаштиришларсиз далилга қўшилишга мажбур бўлса, демак, кучли далил-исбот ишлатилган бўлади. Мунозарачи ўз мақсадига эришиш учун унинг далил-исботлари кимга қаратилганлигини яхши билиши ва мухолифнинг шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда исботларни келтириши керак.

У ёки бу далил-исботни танлаётib, унинг нафақат тингловчилар ақл-идроқига, балки уларнинг ҳис-туйғуларига ҳам таъсир кўрсатишини назардатутиш лозим. Агар нотик ўзнутқида баъзи туйғулар – бурч ва ор-номуз туйгуси, топширилган иш учун масъулият туйгуси, дўстлик туйгуси ҳақида гапириб ўтса, унинг нутқи тингловчиларга кўпроқ таъсир кўрсатади, улар ёдида яхшироқсақланади. Ишонтириш жараённада тингловчининг эмоционал ҳолати, унинг нутқ мавзусига шахсий муносабати кучли таъсир кўрсатади. Гельвеций: “Шундай инсонлар бўладики, ишонтириш учун уларни ҳайратга солиш лозим бўлади” деган эди.

Кучли ва ишончли далил-исботларни танлаш мунозарачининг баҳс мавзусини пухта билиши, ақл-заковати, топқирилиги ва зийраклиги, тезда жавоб қайтара олиши, оғир-вазминлиги ва ўзини тута билишига, юзага келган вазиятни тушуниши, исботлаш ва рад этишнинг мантиқий операцияларини билишига боғлиқ. Тингловчига айнан шу ҳолатда таъсир кўрсатадиган ягона тўғри сўзларни топиш муҳимдир.

Баҳслашиш усуслари

Ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва мухолифнинг фикрини рад этиш учун баҳс иштирокчилари турли баҳслашиш усусларидан фойдаланадилар.

Бумеранг усули. Мунозара ва баҳсларда кўпинча “қайта зарба” ёки “бумеранг” деб аталадиган усул қўлланади. Баҳслашишнинг ушбу усули шундан иборатки, тезис ёки асос уларни билдирган шахсларга қарши қаратилади. Бунда зарба кучи бир неча бор кучаяди. Барча ҳозир бўлганлар учун рақибнинг мағлубияти очиқ-ойдин бўлади.

“Эътиrozни илиб олиш” “қайта зарбанинг” турларидан бири ҳисобланади. Мунозарали масалаларни мухокама этиш чоғида баҳслашувчилар кўпинча турли хил хусусиятга эга луқмалар ташлайдилар. Ўз фикрларини асослаш, мухолифнинг қарашлари ва нуқтаи назарини фош қилиш, ҳозир бўлганларга руҳий таъсир ўтказиш мақсадида рақибнинг эътиrozини қўллай олиш баҳсдаги самарали усулидир. Кўпинча “эътиrozни илиб олиш” усулидан курултойлар, конференциялар, митингларда нутқ сўзлаётib, фойдаланилади.

“Бемаънилик даражасига олиб бориш”.

“Тутуруқсиз гап даражасига олиб бориш”, “бемаънилик даражасига олиб бориш” инкор этишнинг кенг тарқалган усулидир. Ушбу усулининг моҳияти тезис ёки далилнинг ёлғонлигини кўрсатишдан иборат, чунки ундан келиб чиқадиган натижага воқеликка ҳақиқатга зид келади.

Ноёб сўзлаш қобилиятига эга бўлган адвокат Ф.Н.Плевако суддаги чиқишиларининг бирида бу усульдан ажойиб тарзда фойдаланган. Сиртдангина ҳимоячи қиёфасида бўлган “Ф.Н.Плевако, – деб ёзади А.Ф.Кони, – оташин нотик сўзга чиқсан эди, унинг учун иш бор-йўги баҳона бўлган, аниқ бир ҳолат унга хос куч билан қанотларини қоқишига тўсқинлик қилаётган эди”.

Ф.Н.Плеваконинг жўшиқин ва ҳаяжонли овози тингловчиларнинг қалбини зabit этади, уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. В.В.Вересаевнинг хотираларига кўра, у 50 тийин турадиган тунука чойнакни ўғирлаган кампирни ҳимоя қилиб чиқади. Прокурор ўз айблов нутқида ўғрилик арзимас эканлигини, кампирни жиноят содир этишга аянчи эҳтиёж мажбур қилганлигини, судланувчи нафрат эмас, балки ачинши уйготишни қайд этди. Бироқ шунга қарамай, деди у, кампир қораланиши керак, чунки у мулкка тажсуз қилди, мулк эса муқаддас нарсадир, бутун фуқаролик фаровонлиги мулкка асосланган. Ва агар одамларга унга суиқасд қилишга имконият бериб қўйилса, мамлакатимиз барбод бўлади. Ундан кейин ҳимоячи Плевако сўзга чиқди. У шундай деди: “Россия минг йиллик умри давомида кўп мусибат ва синовларни бошидан ўтказди. Печенеглар, қипчоқлар, татарлар, поляклар уни тилка-пора қилишиди. Наполеон армияси бостириб кириб, Москвани зabit этди. Россия ҳаммасига бардоши берди, ҳаммасини енгид чиқди, синовларда куч-кувватга тўлди, ўсди. Бироқ энди... кампир эллик тийинлик эски чойнакни ўғирлаб қўйибди. Буни Россия, шакшубҳасиз, кўтаролмайди, бундан буткул барбод бўлади”. Ва суд кампирни оқлайди.

Ҳазил, киноя, сарказм.Ҳазил, истехзо, киноядан фойдаланиш баҳслашишнинг самарали воситасидир. Ҳазил – бу бирор нарсага нисбатан бегараз,енгил танқид; киноя – яширин шаклда билдирилган нозик пичинг; сарказм – аччиқ пичинг, қаттиқ истехзо. Бундай усуслар нутқнинг баҳслашиш оҳангি, унинг тингловчиларга жўшиқин таъсирини кучайтиради, кескин ҳолатни юмшатишида ёрдам беради, оғир масалаларни муҳокама этишда муайян кайфиятни пайдо қиласи, мунозарачиларнинг баҳсда муваффақият қозонишига ёрдам беради. Истехзоли ёки ҳазиломуз танбех, гарчи ҳар доим ҳам баҳс мавзусига бевосита алоқадор бўлавермаса-да, муҳолифни довдиратиб қўйиши, уни мураккаб ахволга солиб қўйиши, баъзида эса ҳатто пухталик билан келтирилган далил-исботларни йўққа чиқариш мумкин. Шу сабабли ўзингизни йўқотиб қўймаслигингиз лозим. Энг яхиси, ўзингизни табиий тутганингиз маъқул. Агар кулгили бўлса, барча билан бирга кулиш, сўнгра эса муаммонинг моҳиятини муҳокама этишга албатта қайтиш мумкин.

“Шахсга ҳавола қилиш”. Баъзан у ёки бу масаланинг мазмун-моҳиятини муҳокама этиш ўрнига уни таклиф этган инсоннинг фазилатлари ва камчиликларига баҳо беришга ўтиб кетилади. Баҳсдаги бундай усул “шахсга ҳавола қилиш” деб аталади ва у кучли руҳий таъсир кўрсатади.

“Шахсга ҳавола қилиш” баҳслашиш усули сифатида бошқа ишончли ва асосли далиллар билан бирга қўлланиши керак. Мустақил далил сифатида у тезисни уни таклиф этган шахснинг шахсий фазилатларига алмаштиришдан иборат мантикий хато ҳисобланади.

“Оммага шикоят” деб номланган усул “иддао қилиш” усулининг бир туридир. Ушбу усулининг мақсади тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига, уларнинг фикрлари, манфаатларига таъсир кўрсатиш, тингловчиларни сўзловчи томонига оғдириш.

Саволлар билан ҳужум қилиш–мунозарачининг навбатдаги фикри муҳолифга савол бериш билан тугаб, уни ҳамма вақт саволларга жавоб беришга мажбур қилишдан иборат баҳслашиш усули. Ушбу усулининг мақсади муҳолифни қийин ахволга солиш, уни ўзини ҳимоя қилишига, ўзини оқлашига мажбур қилиш, ўзига баҳслашиш учун энг қулай шароит яратишдан иборат.

9. Баҳслашиш қоидаси

Баҳс олиб боришининг тажрибали нотиклар ўз нутқий амалиётида муваффақиятли қўллайдиган кўплаб усуслари ва қоидалари мавжуд, уларнинг баъзиларини таҳлил қилиш фойдадан холи эмас.

1. Аён бўлган нарсани исботламанг. Тингловчи сўзловчидан ўзига нотаниш,янги бир нарсани кутади. Унга бундай янгилик қанчалик кам берилса, нотиқ нутқига қизиқишини шунча тез йўқотади. Ўзига хос ҳавф тингловчи машҳур сўз бирикмаларида яширинган янги мазмунни ҳис этмаса, пайдо бўлади.

2. Дастлаб баҳсга сабаб бўлувчи қатъий бўлмаган, бироқ ишончли далил-исботлар келтирилиши керак. Хуласа ўрнида эса якуний узил-кесил ва рад этиб далил келтирилади.

3. Ишончсиз далил-исботлардан қочинг. Нутқдан энг ишончли далил-исботларгина жой олиши керак. Сони эмас, сифати муҳим. Нутқ далил-исботларнинг камлиги туфайли

бўш бўлиб туюлишидан хавфсирамаслик зарур. Хато қилмаслик учун ишончсиз далил-исботларни ишлатмаслик зарур. Ҳар бир заиф далил эътиборни тортиб, бошқа далилларга бўлган ишончни пучга чиқаради.

4. Испотлаш мобайнида бош ғояни эътибордан четда қолдирманг, аксинча, уни ёдга солиш учун исталган вазиятдан фойдаланинг.

5. Жиддий далил-исботларни бошқа-бошқа келтиринг ва ҳар бирини алоҳида ривожлантиринг. Агарулар бўш бўлса, уларни қўшган ҳолда битта далил сифатида қўллаш зарур.

6. Далилларни имкон қадар кўпроқ бир-бири билан мустаҳкамланг.

7. Ўзингиз тамоман ишонмаган нарсани тушунтирунг. Ўз шубҳаларингизни овоз чиқариб айтманг, чунки улар бутун далил-исботларни барбод қиласди.

Ўз фикрингизни испотлаш чогида юзага келадиган **эътиrozларни** қуидаги усувлардан фойдаланиб **олдини олиш мумкин**:

- муҳолифнинг умумлаштирилган далил-исботларини бўлакларга ажратинг;
- муҳолифга эътиroz билдираётиб, ўта тиришқоқлик қилманг. Қатъий эътиroz тингловчилар нигоҳида муҳолифнинг обрўсини ошириши мумкин;
- ракибнинг кучли далилларини эътиrozсиз қолдирманг. Бироқ уларга эътиroz билдираётиб, уларни ривожлантириш ёки ушбу далилларни мустаҳкамловчи мулоҳазаларни такрорлаш керак эмас. Эътиrozни такрорлаётиб, биз улардан олган таассуротларимизни кучайтирамиз. Сўнгра олдиндан тайёргарлик кўрмай уларни инкор этишга ўтамиз. Инкор, одатда, тайёргарликсиз, кўплаб ортиқча сўзлардан иборат бўлади. Биз ўз далил-исботларимизни охиригача ривожлантиришга улгурмай, хаёлимизга келган биринчи ўй-фикрлардан бошлаймиз ва муҳимроқ бўлган фикрларни эътибордан четда қолдириб, ўй-фикрларимизни ноаниқ, муваффақиятсиз шаклда баён этамиз;
- инкор этиш мумкин бўлганда испотламанг;
- сўзларга далил-исботлар билан жавоб беринг;
- шубҳасиз далил-исботлар ва тўғри фикрларга қарши баҳслашманг;
- ишониб бўлмайдиган нарсани инкор қилманг.

Оғзаки чиқишлиларда кўпинча **демогогик усувлар** қўлланилади. Улардан қочиш лозим. Бу усувлар қуидагилар:

- иш ўрнига баландпарвозда сўзлар ва даъватлардан фойдаланиш;
- бугунги кундаги қийинчиликлар жуда кўп маротаба ўтмишдан қолган мерос билан боғлаб изоҳлаш;
- ҳамма номидан қасам ичиб сўз бериб, ишонтириш;
- сохта жўшқинлик;
- кўплаб рақам, эҳтимолдан узоқ воқеалардан таҳлилсиз ва қиёслашсиз фойдаланиш;
- лақаб қўйиш;
- айбни бошқаларга ағдариш;
- муаммони тинч муҳокама этиш ўрнига ҳақоратлаш, кўз ёш тўкиш, бақириш.

Диспут иштирокчисига эслатма (В.Т.Лисовский бўйича) [13]

1. Баҳслашишдан олдин нима ҳақида гапирмоқчи эканлигинизни ўйлаб кўринг.
2. Тўғри ва самимий баҳслашинг, баҳс иштирокчиларнинг ўй-фикрлари ва сўзларини нотўғри талқин қилманг.
3. Баҳслашувнинг бошида ҳимоя қилмоқчи, испотламоқчи бўлган ғояларингизни тушунарли ва аниқ тарзда ифода этинг. Ушбу тезислар бутун баҳс мобайнида ўзгармаслиги керак.
4. Энг яхши испот ёки инкор этишнинг энг яхши усули аниқ ва шак-шубҳасиз далил-исботлар эканлигини ёдда тутинг.
5. Испотлаш ва инкор этишда, тушунарли, содда, аниқ, равshan сўзланг. Ўз сўзларингиз билан гапиришга ҳаракат қилинг.
6. Агар Сизнинг фикрингиз хатолиги испотланса, ўз “ракибингизнинг” ҳақлигини мардларча тан олинг.

7. Ўз чиқишингизни тугатаётib, унга якун ясанг, хулосалар чиқаринг.

Нутқий алоқанинг савол-жавоб шакли

1. «Нутқининг савол-жавоб шакли» тушунчаси

Нутқий алоқа – бу инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб икки томонлама жараёни бўлиб, кўпинча, бир тамондан, саволлар қўйилишини, бошқа тарафдан, уларга жавоблар берилишини назарда тутувчи диалогдир. Савол-жавоб шаклида одатда, сұхбатлар, музокаралар, консультация, телефондаги сұхбатлар ўтказилади. Саволлар сұхбатдошнинг диққат-эътиборини тортиш, уни ўзига қаратиш, у билан ишончли алоқалар ўрнатиш, зарур ахборот олиш, аниқ саъй-ҳаракатларга ундашда ёрдам беради.

Нотикнинг чиқиши камдан-кам ҳолларда савол-жавобларсиз ўтади. Нотик тингловчиларга берадиган саволлар уларни фаоллаштиради, нутқ мавзусига қизиқиши ўйготади, нутқни самарали қабул қилишга рағбатлантиради. Тингловчилар томонидан бериладиган саволлар аудитория кайфиятининг ўзига хос мезон бўлиб, нотикни ўз нутқини [14] тўғрилашга мажбур қиласди.

Саволларни тўғри ифодалаш ва уларга усталик билан жавоб бериш қобилияти кўп жиҳатдан оммавий тарздаги баҳснинг самарадорлигини белгилаб беради. Тўғри қўйилган савол мухолифнинг нуқтаи назарини аниқлаштириш, ундан қўшимча маълумотлар олиш, муҳокама этилаётган муаммога муносабатини тушуниш имконини беради. Муваффакиятли жавоб мунозара қилувчининг нуқтаи назарини мустаҳкамлайди, таклиф этилаётган тезиснинг далил-исботларини кучайтиради.

Савол ва жавоб ўзида муайян мантикий шаклларни ифодалайди. Савол – бу сўроқ гап орқали ифодаланган, билимни аниқлаштириш ёки тўлдиришга қаратилган фикрdir. Савол, одатда, билимнинг муайян тизимиға таянади. Ҳар қандай савол, энг аввало, саволнинг асоси ёки негизи деб аталадиган дастлабки ахборотни ўз ичига олади. Бундан ташқари, саволда билимнинг етарли эмаслигига ҳамда уни тўлдиришни давом эттириш ва кенгайтиришга қўрсатма мавжуд. Савол мулоҳаза эмас, шу сабабли у ҳақиқий ёки ёлғон бўлмайди. Савол бериш учун муҳокама мавзуси ҳақида бирор-бир тасаввурга эга бўлиш зарур. Саволга жавоб бериш учун билим, саволнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятини тўғри баҳолаш қобилияти ҳам зарур.

Жавоб – бу қўйилган саволга мувофиқ аввалги билимни аниқлаштирувчи ёки тўлдирувчи янги мулоҳазадир. Жавобда олинган дастлабки ахборотни кенгайтирувчи ёки аниқлаштирувчи билим кўпинча янги саволлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Замонавий илмий ўкув ва методик адабиётларда савол ва жавобларнинг турли таснифлари мавжуд.

Саволлар таснифи

Саволларни маъноси, вазифалари, тузилиши, муҳокама этилаётган мавзуга алоқадорлиги, савол берилган шахсга алоқаси бўйича таснифлаш кенг тарқалган.

1. Тўғри қўйилганва нотўғри қўйилган саволлар (семантика бўйича).

Савол тасдиқ ҳам, инкор ҳам бўлмай, муайян таянч (базис) билимга суюнади. Агар ҳақиқий фикр-мулоҳазалар асос, негиз бўлса, саволлар тўғри қўйилган ёки тўғри саволлар хисобланади.

Негизи ёлғон ёки ноаниқ фикр-мулоҳазалардан иборат саволлар нотўғри қўйилган ёки нотўғри саволлар деб аталади. Масалан, “*Нима учун сиз доим ҳамкасларингиз билан келишиолмайсиз?*” деган савол хушмуомала, хизматдошлари билан яхши муносабатда бўлган инсонга нисбатан нотўғри савол бўлади. Аввал унинг ишида ҳамкаслари билан келишмовчиликлар бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаб олиш, шундан сўнг ижобий жавоб берилса, нима учун тез-тез низолар содир бўлишини аниқлаштириш зарур.

2. Аниқлаштирувчи ёки “шундайми” деган саволлар ва тўлдирувчи ёки “бу нима” деган саволлар (функцияси бўйича).

Аниқлаштирувчи (ёпиқ) саволлар уларда ифода этилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳақиқийлиги ёки ёлғонлигини аниқлаштиришга қаратилади. Масалан: “*Вояга етмаганлар билан ишилаш бўйича комиссиянинг мажлиси чиндан ҳам ўтказилдими?*”, “*Шаҳримизда ҳақиқатда ҳам янги нотариал идора очилдими?*”. Ёпиқ саволлар гапларда -ми юкламаси ишлатилади. Ушбу юклама уларнинг грамматик белгисидир. Бундай саволларга жавоблар, одатда, “ҳа” ёки “йўқ” сўзларидан иборат бўлади.

Тўлдирувчи (очиқ) саволлар тингловчини қизиқтирувчи воқеалар, ҳодисалар, мавзулар юзасидан янги билимларни аниқлаштириш билан боғлиқ. Ким, нима, қаерда, қачон, қандай қилиб, нима учун каби сўроқ сўзлар бундай саволларнинг грамматик белгиларирид. Жумладан, юқорида келтирилган ёпиқ саволларни очиқ саволларга ўзгартириш мумкин: “*Вояга етмаганлар билан ишилаш бўйича комиссиянинг мажлиси қачон ўтказилди?*”, “*Шаҳримизнинг қайси туманида янги нотариал идора очилди?*”.

3. Оддий ва мураккаб саволлар (тузилиши бўйича)

Аниқлаштирувчи ва тўлдирувчи саволлар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий саволлар бўлинмайди, бошқа саволларни ўз ичига олмайди. Мураккаб саволларни икки ёки бир қанча оддий саволларга бўлиш мумкин. Мисоллар келтирамиз. “*Судланувчига Жиноят кодексининг 103-моддаси ва 2-қисмининг 144-моддаси бўйича айлов қўйилгани ростми?*” дейилган аниқлаштирувчи савол мураккаб саволдир. У иккита оддий саволдан иборат (“*Судланувчига Жиноят кодексининг 103-моддаси бўйича айлов қўйилгани ростми?* ва “*Судланувчига Жиноят кодекси 2-қисмининг 144-моддаси бўйича айлов қўйилгани ростми?*”). Уларга жавоблар турлича бўлиши мумкин. “*Қачон ва шаҳримизнинг қайси туманида янги нотариал идора очилади?*” дейилган тўлдирувчи мураккаб саволда ҳам иккита оддий саволни ажратиш мумкин: “*Янги нотариал идора қачон очилади?*» ва “*Шаҳримизнинг қайси туманида янги нотариал идора очилади?*”. Мураккаб тўлдируvчи савол бир қанча сўроқ сўзлардан иборат.

Мураккаб саволлар кўпинча жавоб берувчиларда қийинчилик тугдиради, уларни чалкаштиради, шу сабабли оддий саволлардан фойдаланиш тавсия этилади. Боғланиш турига кўра мураккаб саволлар бириктирувчи (боғловчи билан боғланган икки ва ундан ортиқ оддий саволлар), айирувчи (ёки боғловчиси билан боғланган икки ва ундан ортиқ оддий саволлар), аралаш (бириктирувчи ва айирувчи саволларнинг қўшилиш) саволлар бўлиши мумкин.

4. Мавзумоҳияти бўйича саволлар ва мавзуга алоқаси йўқ саволлар (муҳокама этилаётган мавзуга тегишли).

Мавзубўйича савол муҳокама этилаётган муаммога бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлади; бундай саволга жавоб дастлабки ахборотни аниқлаштиради ёки тўлдиради. Мавзуга алоқадор бўлмаган саволнинг мавзуга умуман алоқаси бўлмайди. Бундай савол кўпинча муҳокамани атайн чўзиш, мавзунинг асосий масалаларини ҳал қилишдан эътиборни четга буриш учун қўйилади.

Мавзу бўйича савол баъзан муҳим аҳамият касб этишини назарда тутиш зарур, чунки унда долзарб, ҳаётини муҳим, жиддий муаммолар кўтарилади. Бироқ бундай саволларга жавоб муайян жасоратни ва тегишли равишда психологик тайёргарликни талаб қиласи. Тўгридан-тўгри берилган савол муҳолифни кўпинча мураккаб ахволга ва саросимага солиши, хижолатда қолдириши мумкин. Савол берган одамга хушомад қилиш, унга жавоб беришдан қочиши керак эмас, тўғри ва рост жавоб бериш зарур.

5. Хайриҳоҳ ва ноҳайриҳоҳ саволлар (савол берилаётган одамга нисбатан).

Саволларда сўзловчига муносабат, ҳозир бўлғанлар кўз ўнгидаги уни ва унинг фикр-мулоҳазаларини кўллаб-куватлашга ёки обрўсизлантиришга интилиш акс этади. Адресатга нисбатан холис, хайриҳоҳ ва ноҳайриҳоҳ, адоватли, ғаламис саволлар бўлади. Шу сабаблихулқ-атвор тактикасини тўғри ишлаб чиқиш учун саволнинг қўйилиш, овоз оҳангигараб савол хусусиятини аниқлаб олиш зарур. Холис ва хайриҳоҳ саволларгабилдирилган у ёки бу фикрларни имкон қадар аниқроқ тушунтириб беришга

интилиб, хотиржам жавоб бериш зарур. Агар савол ноаниқ, унчалик ҳам тўғри ифода этилмаган бўлса-да, сўраётган одамга имкон қадар эътибор ва хурматни кўрсатиш муҳим. Фазабланиш ва илтифотсиз оҳангда жавоб қайтариш мумкин эмас.

Бироқ баъзан саволлар ишнинг моҳиятини аниқлаш учун эмас, балки сухбатдоши нокулай ахволга солиб қўйиш, унинг далил-исботларига ишончсизлик уйғотиши, унинг нуқтаи назарига ўзининг қўшилмаслигини кўрсатиш, бир сўз билан айтганди, унинг устидан ғалаба қозониш учун берилишини ёддан чиқармаслик керак. Хайриҳоҳ бўлмаган саволларга жавоб бераётиб, улардаги ғаламисликни аниқлаб олиш, муҳолифнинг нуқтаи назарини фош қилиш ва муносиб жавоб қайтариш зарур.

Мулоқот чоғида, одатда, санаб ўтилган барча саволларга дуч келишга тўғри келади.

3. Жавоб турлари

Саволлар турларининг хилма-хиллиги жавобларнинг ҳам турли хил бўлишини назарда тутади. Саволлар каби жавоблар ҳам турли асослар бўйича таснифланади. Жавобларнинг қўйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

1) **Саволга оид ва саволга алоқаси йўқ жавоб (саволга нисбатан).** Берилган саволга оид жавоб ўзининг асосий вазифасини бажаради – мавжуд ахборотни аниқлаштиради ёки янгисини хабар қиласди. Агар жавоб савол билан боғлиқ бўлмаса, у “саволга алоқаси йўқ жавоб” деб баҳоланади ва кўриб чиқилмайди. Жавоб берувчи саволни тушунмаганда ёки билатуриб жавоб беришдан бош тортмоқчи, сухбатни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлганда шундай жавоблар берилади.

2) **Тўғри ва ёлғон жавоблар (воқеликка нисбатан).** Агар жавобда воқеликни тўғри акс эттирувчи фикр-мулоҳаза келтирилган бўлса, у тўғри жавоб ҳисобланади. Воқеликка мос келмайдиган жавоб ёлғон жавобдир.

3) **Бевосита ва билвосита жавоблар (жавоб излаш соҳасига қараб).** Бевосита жавоблар қўшимча фикр-мулоҳазаларни талаб қиласди, улар саволларнинг асосини такрорлайди. Масалан: “Институтни қайси йили тамомлагансиз?” — “Мен институтни 1992 йилда тамомлаганман”. Билвосита жавоб кенгроқ жавоб излаш соҳасидан фойдаланишни талаб қиласди. Билвосита жавобда керакли ахборот ясама йўл билан олинади. Жумладан, “Институтни қайси йили тамомлагансиз?” деган саволга қўйидагича билвосита жавоб берииш мумкин: “Мен институтни хотиним тамомлаган йилдан бир йил кейин тамомладим, биз ўша йили ўғиллик бўлдик”.

4) **Қисқа ва батафсил жавоблар (грамматик тузилиши бўйича).** Қисқа жавобларинкор ёки тасдиқниакс эттирувчи “йўқ” ва “ҳа” ёхуд саволни ўзgartириб, аниқлик киритувчи битта қисмга эга. Қисқа жавоблар саволларнинг асосини такрорламайди. Масалан: “Судланувчи, ўзингизни айбдор деб тан оласизми?” — “Йўқ!”; “Баҳс. Баҳс назарияси ва амалиёти” китобининг муаллифи ким?” — “Поварнин”.

Батафсил жавоблар саволнинг барча элементларини такрорлайди. Юқорида келтирилган саволларга батафсил жавобларни келтирамиз: “Судланувчи, ўзингизни айбдор деб тан оласизми?” — “Йўқ, мен ўзимни айбдор деб тан олмайман”. “Баҳс. Баҳс назарияси ва амалиёти” китобининг муаллифи рус мантиқчиси С. И. Поварнин”.

5) **Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган жавоблар (ахборот ҳажми бўйича).** Тўлиқ жавобсаволнинг барча хусусиятлари бўйича ахборотга эга. Жумладан, “Жиноят қаерда, қачон ва ким томонидан содир этилди?” дейилган мураккаб саволга тўлиқ жавоб қўйидагича бўлади: “Жиноят Авдеев томонидан 2002 йил 25 февраль куни завод ҳудудида содир этилди”. Тўлиқ бўлмаган жавоб саволнинг айрим хусусиятларигагина оид бўлган ахборотга эга. Жумладан, “Жиноят қаерда, қачон ва ким томонидан содир этилди?” дейилган саволга берилган тўлиқ бўлмаган жавобга мисоллар: “Жиноят Авдеев томонидан завод ҳудудида содир этилди” (“қачон?” деган саволга жавоб йўқ); “Жиноят 2002 йил 25 февраль куни завод ҳудудида содир этилди” (“ким томонидан” деган саволга жавоб йўқ).

6) **Аниқ ва ноаниқ жавоблар (аниқлик даражаси бўйича).** Жавобларнинг ноаниқлиги кўпинча қўлланаётган тушунчаларнинг икки маънога эгалиги, шунингдек, сўроқ сўзларнинг (ким? нима? қаерда? қандай қилиб? ва ҳоказо) ноаниқлиги билан боғлиқ. Контекстдан узиб олинса, сўроқ сўзлар ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Масалан,

“Ким жиноят содир этди?” деган саволда ким сўзи остида қўйидагилар назарда тутилиши мумкин: жиноятычининг фамилияси, исми, отасининг исми; ёш хусусиятлари (ўсмир, ўспирин, кекса одам ва ҳоказо); миллати (рус, татар, ўзбек ва ҳоказо); касби (иичи, ҳисобчи, муҳандис ва ҳоказо). Қачон? деган саволга жавоб йил, ой, сана, вақт ва ҳоказоларни кўрсатиши мумкин. Ноаниқлик кўпинча савол хусусиятлари тасдиқни ҳам, инкорни ҳам назарда тутадиган мураккаб саволларга жавоб берадиганда пайдо бўлади.

Саволнинг тури ва хусусиятидан қатъи назар асосий принципга қатъий амал қилиш зарур, яъни саволга унинг мазмун-моҳияти охиригача маълум бўлганда, тўғри жавобни билганингизда жавоб бериш зарур.

Атоқли ҳайкалтарош Эрнст Неизвестный бир вақтлар Ландай, Капица, Нильс Бор ва бошқа буюк олимларга гўр ва ғаламис саволлар берииш севимли машғулоти бўлганлигини айтиб беради: “Мен очиқкўнгиллик билан сўрадом: сиз ҳозир нима устидиша ишилаётганингиз ҳақида менга қисқача тушунтириб бера олмайсизми? Ажабланарлиси шундаки, буюк олим ҳар доим ношуудга ўз касбига оид вазифаларнинг моҳиятини бир қанча сўзларда баён қилиб бера оларди. Албатта, у ўз касбининг жиҳдий ва мураккаб қирраларига тўхтамасди, яъни савол даражасига қараб ҳар доим аниқ жавоб берииш мумкин”.

Мулоқот жараёнида **зукко жавоб** жуда қадрланади. Инсоннинг топқирлиги, унинг вазиятни тўғри баҳолай олиши, ушбу вазият учун энг аниқ сўзларни топа олиши, тезкор жавоб бериши мураккаб аҳволдан чиқиб кетишида ёрдам беради.

ИЛОВАЛАР

1

Аудиторияни бошқаришнинг асосий усуллари

Нотикнинг ҳар бир нутқи аудиторияда қизиқиш уйғотиши, нутқ мавзусини билишга интилиш уйғотиши керак. Қизиқарли, сермазмун маърузалар, сухбатларнигина катта қизиқиш билан тинглайдилар. Нутқ қанчалик қизиқарли бўлмасин, тингловчиларнинг дикқат-эътибори вақт ўтиши билан сусайиб, улар уни қабул қўядилар. Нотик эътиборнинг сусайишига қарши курашиши учун аудиторияни бошқариш усулларини билиши ва эгаллаши лозим.

Аудиторияни бошқариш усуллари:

- дикқат-эътибор қаратишни тўғридан-тўғри талаб қилиш,
- кутилмаган савол,
- қизиқтириш сирлари,
- савол-жавоб шакли,
- ҳазил-мутойиба,

- ҳамдард ва ҳамфир бўлиш усули,
- аввалги нотиқнинг нутқига ҳавола қилиш,
- об-ҳавога мурожаат қилиш,
- обрў-эътиборли шахслар ёки машхур манбаларга ҳавола қилиш,
- аудитория қизиқишиларига ҳавола қилиш,
- нотик шахсига ҳавола қилиш,
- аудиторияга мурожаат қилиш,
- овоз усувлари, тўхтам қилиш.

Қизиқтириш сирлари деб номланадиган усул энг қизиқарли нотиқлик усувларидан биридир. Профессор F. Staroba'нинг фикрича, сюжетнинг мазмун-моҳияти драма ёки детектив шаклида баён этилиши мумкин. Бунда воқеалар ривожи муайян изчилилнида баён этиладиган мароқли сюжет орқали амалга оширилади, бу эса аудиторияда қизиқиш уйғотиб, уни доимо сақлаб туради.

Савол-жавоб шакли маҳсус нотиқлик усувлари жумласига киради. Нотик мавжуд муаммо устидан овоз чиқариб мулоҳаза юритади. У аудитория олдига саволлар кўяди ва уларга ўзи жавоб беради, таклиф ҳамда эътиrozларни илгари суриб, муайян хуносаларга келади.

Нотик аудиториянинг барча саволларига жавоб бериши керак эмас. Аудитория билан баҳслашмаслик лозим. Агар кимdir норозилик билдиrsa, у билан кўз контактини сақлаган ҳолда гаплашиш керак. Тингловчига хақоратомуз шаклида эътиroz билдирилмаслик керак, “ўтири, савол учун раҳмат” деб жавоб бериш лозим. Агар нотўғри фактлар ёки рақамлар берилган бўлса, нотик ўз хатосини тан олиши ва бу одамни мақтаб кўйиш керак. Интеллектуал тажовузга қаршилик кўрсатишида хужумни шунчаки эътиборсиз қолдириш самарали усулдир.

Аудиториянинг дикқат-эътиборини кучайтириш, жонлантиришда **ҳазил-мутойибадан** фойдаланиш самарали воситага айланади. Яхшиси, жамоат олдидаги нутқинг бошида ҳазил қилиш ёки бирор-бир қулгили воқеа айтиб бериш лозим. Агар одамлар нотиқка табассум билан жавоб қайтарсалар, уларнинг ихлоси ошди деб хисоблаш мумкин. Ҳазил-мутойиба – айтилган фикрларнинг эмоционал далил-исбот бўлиб, унга аудитория хушёрлик билан эътибор қаратади. *Бир куни машҳур адвокат Фёдор Плевако, айборлориги ҳеч кимда шубҳа уйготмаётган руҳонийни ҳимоя қилаётib, биттагина жумлани ҳазил аралаши талаффуз этиб, ютиб чиқади:*

– *Хурматли суд маслаҳатчилари! Авлиё ота шунча йил бизнинг гуноҳларимизни кечириб келди! Келинг, биз ҳам уни бир марта кечираильик, ахир беайб фақат парвардигорку!*

Айбланувчини оқлашиди...

Ҳамдард бўлиш усули. Бунда нотик айрим воқеалар юзасидан тингловчиларга ўзининг ҳамдардлигини билдиради, улар билан бирга маълум руҳий ҳолатни бошидан ўтказади, тингловчилар билан ўзаро бир-бирларини тушунишга эришиш имконини беради.

Ҳамфир бўлиш усули туфайли нотик тингловчилар билан бирга бўлган баъзи тадбирлардаги у ёки бу воқеаларни эсга солади.

Аввалги нотиқнинг нутқига ҳавола қилиш усули. Унда нотик аввалги нотиқнинг муҳокама этилаётган масала юзасидан фикрига қўшилиши ёки қўшилмаслиги, унинг сўзларидан парча келтириши, уларни маромига етказиши шу билан бирга тингловчиларнинг дикқат-эътиборини ҳам тортиш мумкин.

Аудиторияга маълум ёки номаълум бўлган **воқеаларга ҳавола қилиш** тингловчиларнинг дикқат-эътиборини уйғотишга хизмат қиласи, кўриб чиқилаётган муаммонинг моҳиятини англаб етишга ёрдам беради.

Обрў-эътиборли шахслар ёки машҳур манбаларга ҳавола қилиш усули ўз нуқтаи назарини мустаҳкамлаш учун кўлланади. Йирик, кўзга кўринган давлат, сиёсий ёки жамоат арбобларининг сўзларини келтириш, машҳур илмий асарлар, газеталар, журналлар, нуфузли арбобларнинг фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Аудиториянинг қизиқишиларига ҳавола қилиш тингловчиларда қизиқиш уйғотади, чунки нотиқ у ёки бу масалани кўриб чиқади, тингловчилар учун бу муаммонинг долзарблиги, аҳамиятини қайд этади, қабул қиласанаётган қарорларнинг амалий жиҳатдан йўналганлиги ҳақида сўзлайди ва ҳоказо.

Нотиқ шахсига ҳавола қилиш – нутқ сўзловчи айрим масалаларни мухокама этаётганда ўз тажрибасига мурожаат қиласди, ўз ҳаётидан мисоллар келтиради, у ёки бу воқеаларни қандай қабул қиласанлиги ҳақида сўзлаб беради.

Бадиий адабиётдан келтирилган мисоллар, мақоллар, маталлар, халқда тарқалган ҳикматлар ҳамда иборалар нутқни жонлантиради, унга ёрқинлик ва образлилик баҳш этади.

Аудиторияга мурожаат қилиш зарурлигини ёдда саклаш мухимdir.

Аудиторияни бошқаришда **овоз билан боғлиқ усуслар**, яъни овозни баландлаш ёки пасайтириш, унинг баландлиги, нутқ тезлигини ўзгартириш фойдали бўлиши мумкин. Тўхтам (пауза) қилиш айтилган ёки энди айтиладиган фикрлар аҳамиятини оширади.

Дикқат-эътиборни тортиш воситаларидан ортиқча фойдаланилса, улар ўз вазифаларини бажармай қўйиб, ҳикоянинг мантиқини кузатишга халақит берувчи ахборотнинг ортиқча элементларига айланиб қолишини кўзда тутиш зарур.

Тингловчилар учун баъзан нимани сўзлаб бериш эмас, балки уни қандай сўзлаш мухим [15] ўрин тутади.(И.И.Аминов).

1. **“Бетараф ибора” усули.** Бу усулда ташаббускор сұхбатдош билан мuloқotни ўзини қизиқтираётган мавзуга бевосита боғлиқ бўлмаган, бироқ сұхбатдошга алоқадор бўлган иборалардан бошлайди.

2. **Овозни баландлатиш.** Бақириш – нафақат ахлоқий-эстетик жиҳатдан, балки тактик мuloқazalар нуқтаи назаридан ҳам мумкин эмас, чунки исталган одамнинг бақириши унинг заифлиги ва ожизлигининг яққол белгисидир. Лекин овозни, айниқса, гапнинг бошида бироз баландлатиш дикқат-эътиборни тортибгина қолмай, балки қўшимча таъсир ҳам ўтказади.

3. **Қизиқтириш усули.** Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, мuloқot ташаббускори бошида, масалан идрок этиш қийин бўлган иборани жуда паст овозда айтади. Сұхбатдошнинг эса тушуниши учун зўрберишга тўғри келади, бу эса дикқат-эътиборни жамлашни назарда тутади. Бу усул агар мuloқot ташаббускори сұхбатдошида ўз маҳорати ва ўз кучларига ишончи билан катта таассурот уйғота олган тақдирдагина самарали бўлиши мумкинлигини қайд этиш зарур.

4. **Нигоҳлар ўртасида алоқа ўрнатиш усули.** Жуда кўпчилик ушбу усулнинг самарадорлилигини билган ҳолда ундан фойдаланади: улар аудиторияга кўз югуртириб чиқадилар ва битта тингловчига дикқат билан қарайдилар, сўнгра аудиториядаги бир қанча кишига ўз нигоҳларини қаратадилар. Нигоҳлараро алоқа ўрнатиш исталган мuloқot жараёнида (нафақат жамоат олдидағи, балки шахслараро, иш юзасидан мuloқotда ҳам) кенг қўлланади. Кишига дикқат билан разм солиб, сиз унинг дикқат-эътиборини тортасиз; нигоҳингизни бирордан доимий равища олиб қочсангиз, мuloқot қилишни хоҳламаётганингизни кўрсатасиз. Нигоҳлараро алоқа нафақат дикқат-эътиборни тортиш, балки мuloқot жараёнида уни ушлаб туриш учун қўлланади.

5. **Дикқат-эътиборни жамлаш усули** сұхбатдошнинг дикқат-эътиборини хабардаги энг мухим (нутқ сўзловчининг нуқтаи назарича) жиҳатларга қаратиш зарур бўлган ҳолларда қўлланади. Бу усулни дикқат-эътиборни бевосита ва билвосита тортиш орқали амалга ошириш мумкин. Дикқат-эътиборни бевосита тортишда, масалан қуйидаги иборалардан фойдаланилади: “Бунга эътибор беришингизни илтимос қиласман”, “...ни таъкидлаб ўтиши мухим”, “...ни қайд этиши зарур” ва ҳоказо. Агар мuloқotнинг дикқат-эътиборни тортиш лозим бўлган қисми атрофдаги фондан ажратилган ва эътиборни автоматик тарзда тортадиган ҳолда етказилса, дикқат-эътибор билвосита тортилади.

6. **“Ритм юклаш”.** Кишининг дикқат-эътибори доимо ўзгарувчан. Овоз ва нутқ хусусиятларининг доимий ўзгартирилиши – сұхбатни лозим маромда етказиб беришнинг энг оддий усулидир. Гоҳ баланд, гоҳ паст овозда гапириш, гоҳ секин, гоҳ тез, гоҳ холис гапириш орқали сұхбатдош тингловчи дикқат-эътиборининг бўшшишига ва бирор нарсани ўтказиб

юборишига йўл қўймайди. Шу йўл билан нотик тингловчига ўзининг дикқат-эътибори ўзгаришидаги кетма-кетликни сингдиради.

7. “Ўз вактида тўхтам қилиш” усули сухбатдошни тайёрлайди, ғояни ажратиб кўрсатади ва айтилган фикрлармуҳимлигини баҳолаш имконини беради. Паузалардан фойдаланиш сухбат ташаббускори учун қуйидаги ҳолатларда фойдалидир:

➤ Гапиришни бошлашдан аввал. Пауза тингловчига нутқни идрок этишга тайёрланиш имконини бериб, унинг дикқат-эътиборини нотикни тинглашга йўналтиради ва нотикқа ўз ўй-фикрларини тўплаб олиш имконини беради.

➤ Диққат-эътиборни бошқариш ва айтилган фикрлар аҳамиятини кучайтириш учун. Агар масала, ибора ёки фикр муҳим аҳамиятга эга бўлса-ю, бироқ уларни эшитмай қолиш ёки нотўғри тушуниш эҳтимоли бўлса, бундай жумлалардан олдин тўхтам қилиш фойдалидир. Бундай ҳолат жуда қизиқарли манзара олдида гиднинг тўхташи билан баравар.

➤ Нутқ моҳиятини белгилаш ва унинг тушунарлилиги даражасини ошириш учун тиниш белгилари ўрнига паузалар ишлатилганда.

➤ Сухбат характерини ўзгартиришда. Бундай ҳолатда пауза унинг тартиб-таомилларини ажратиб кўрсатади, ишга оид учрашувларнинг турли босқичларини аралаштириб юборишигимонини бермайди.

8. “Қайта ифодалаш” усули – диққат-эътиборни ушлаб туриш ва таъсирни кучайтиришусулидир. Аввал айтилган фикр ташаббускор томонидан янги сўз ва иборалар ёрдамида янгича талқин қилинади. Бундай йўл тутиш гап сухбатдош учун мураккаб ёки жуда аҳамиятли масалалар ҳақида бораётган бўлса, мақсадга мувофиқдир. Агар сухбатдош берилган саволга жавоб беришни рад этса, мажбуrlab жавоб олиш тавсия этилмайди, балки саволни қайтадан ўзгача тарзда ифодалаш лозим.

9. “Фитна” (привокация) усули. Сухбатдошда қисқа вақт давомида баён этилаётган ахборотга қўшилмаслик туйғуси пайдо бўлади. Унда шу заҳотиёқ уни тўғрилаш, аниқлаштириш истаги пайдо бўлади.

10. “Муболага” усули. Тингловчининг диққат-эътиборини кучайтириш учун муаммо бўрттириб кўрсатилади, бироқ шундан сўнг тилга олинган мавзу бўйича ўз нуқтаи назарини аниқ-равишда баён этиш зарур.

11. “Прогноз” усули. Реал фактларга асосланган ҳолда сухбатдошга кутилаётган воқеа-ходисалар прогнози таклиф қилинади.

12. “Уч қадам” усули. Сухбатдош қизишиб кетганда қўлланилади вақуийдаги тартибда бажарилади:

1. Тингловчининг ҳолати таърифланади: “Менимча сиз ғазабланаяпсиз шекилли, нимадир сизни хафа қилдими?”

2. Нотикнинг ҳолатига таъриф берилади: “Мен ҳам бироз ҳаяжонланаяпман”;

3. Кичик тўхтамдан сўнгвазиятга баҳо берилади: “Агар сухбат бундай давом этадиган бўлса, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Келинг тинчланиб олайлик”.

Иш юзасидан мулоқот жараённада диққат-эътиборни бошқариш – нафақат сўзловчи учун, балки тингловчи учун ҳам муҳим вазифадир. Агар у ишга алоқаси бўлган муаммони кўрмоқчи ва эшитмоқчи бўлса, у ўз диққат-эътиборини бошқаришни билиши керак. Фаол эшитишнинг турли хил усуллари айнан шу кўникмани эгаллашга қаратилган.

Моҳир нотикларнинг барча муваффақиятли нутқи усуллари, гарчи улар кўпинча аввалдан тайёрланган бўлса-да, экспромт сифатида қабул қилинади. Ўзининг нотиклик маҳоратига ишониб ёки доимий бандлигини баҳона қилиб, нутқга тайёргарлик кўриш босқичига бефарқлик билан ёндашиб бўлмайди.

АУДИТОРИЯ БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ [16]

1-қоида. Тайёргарликсиз (спонтан) нутқ

Оғзаки ва ёзма нутқ – худди ўқиши ва эшитиш орқали идрок қилиш каби турли руҳий жараёнлардир. Жуда яхши ёзилган матн ўқиб берилса, мутлақо қабул қилинмаслиги мумкин. Таёйргарликсиз сўзланган нутқ яхши қабул қилинади. Ва аксинча, қизиқарли нутқ

стенограммаси ўқилганда киши ихлосини қайтариш мумкин. Нуткниң шаклланиш жараёни: жумла айтилади, бир вактда кейингиси шаклланади. Агар жумлани шаклланиш жараёнига уни яхшилашга уриниб аралашылса, равонлик йўқолиб, тўхтам юзага келади ва улар “паразит сўзлар” (мана, демак) ёки шунчаки товушлар (а-а, э-э) билан тўлдирилиши мумкин. Агар одам нима демоқчи эканлигини эслай олмаса ёки матнга қараб гапирмоқчи бўлса ҳам шундай ҳолат юз беради. Аудитория олдига “қоғоз билан” чиқиш нутқ самарадорлиги ва муваффақиятини пасайтиради.

2-қоида. Оддийлик

Нотикда ўзининг юксак интеллектуал даражасини кўрсатиш истаги қанчалик кучли бўлмасин у аввалдан режалаштирган нутқда бундай йўл тутмаслиги керак. Мураккаблик тушунмовчилик ва ғазабни юзага келтиради. Нутқ мантиқан тўғри, аниқ, тиник ва тушунарли бўлиши керак. Гаплар узун бўлмаслиги керак. Атамалардан камрок фойдаланиш керак. Агар атама ишлатилса, унинг маъноси дарҳол изоҳланиши лозим. Жиддий илмийлик, академизмдан яхиси мақолада ёки конференциядаги маъruzada фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3-қоида. Мослашувчанлик

Тингловчилар аудиторияси турли хил бўлади. Ҳатто айни бир аудитория ҳам ўзгарувчан бўлиши: одамлар толиқиб қолиши, нимадандир ташвишда бўлиши, шошилиши мумкин. Барча ўзгаришларни олдиндан билишнинг имкони йўқ, фақат нутқ жараёнидагина уларга мослашиб бориш лозим. Тайёр матннинг йўқлиги устамонлик билан нутқ сўзлаш учун қулай имкониятдир. Тингловчилардан узоқ бўлган ва аввалдан тайёрланган жумлаларни қолипга солинган интонациялар билан ўжарлик қилиб эълон қилувчи нотик қайгули манзарани ўзида намоён этади.

4-қоида. Ўзига бўлган ишонч

Одамларнинг сиз ҳақингизда қандай ўйлаши ҳақида хавотирланиш, ўзингизни “тўғри” тутишга ҳаракат қилмаслик лозим. Энг асосийси – жамоат олдида нутқ сўзлашга оддий муносабатда бўлиш керак. Жамоат олдида нутқ сўзлаш жуда катта кучни талаб қилмайди, бу шунчаки хотиржамлик билан бажариш лозим бўлган ишдир. Вақт ўтиши билан одат тусига кириб, ўрганиш юзага келади ва хавотир йўқолади. Бунга ишонмайдиган одамларга оддий мактаб ўқитувчисини эсга олиш тавсия этилади: ўқитувчингиз ҳаяжонланганми, овози титраганми?

5-қоида. Экспромт

Доимо аввалдан тайёр бўлган қизиқарли иборалар, сюжетлар, ўхшатишларга эга бўлиш фойдалидир. Қизиқарли воқеалар ва гўзал иборалар киритилган “нотиклик лугатини” тузиш, масалан –буортмачилар, мижозлар ва ҳоказолар билан музокаралар олиб боришида ҳам мумкин. Бундай лугат анча катта бўлиши керак, чунки одамга айни бир сўз ва ибораларни бир неча марта эшлиши камдан-кам ёқади.

6-қоида. Самимилик

Нутқ сўзловчи ўзининг ҳақиқий ўй-фикрлари ва ҳис-туйғуларини аудиториядан яшира олмайди. Тингловчи уни алдашаётганигини пайқаб қолса ғазабланади. Ва аксинча, тингловчи агар сиз у билан ўз фикр ва ҳис-ҳис-туйғуларингизни ўртоқлашсангиз, хато ва камчиликларни кечиради, айтмоқчи бўлган барча гапларингизни сабр билан тинглайди.

7-қоида. Қувонч бағишлиш

Жамоат олдида нутқ сўзлаш нотикка ҳам, тингловчиларга ҳам қувонч бағишлиши мумкин. Бу жараён симметрик эканлигини ёдда тутиш зарур. Агар нотик тингловчилар билан самимий муносабатда бўлсагина уларни ўз нутқига ижобий ёндашишига эришиш мумкин.

Нутқ сўзловчилар йўл қўядиган айрим типик хатоларни қайд этиб ўтиш зарур.

1. Кимнинг фикрлари устида баҳс юритаётган бўлсангиз, у шахсларни калтафаҳм, виждонсиз, тутуриксиз, иродасиз қилиб тасвирлаш, кўрсатиш тавсия этилмайди. Оппонентнинг ҳаётини эмас, балки фикрини, нуқтаи назари, қарашларини таҳлил қилиш лозим.

2. Тингловчиларнинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатиш уларни манипуляция қилишга айланиб кетмаслиги керак.

3. Инсоннинг қарашларини у аъзо бўлган грух, партия қарашлари билан тенглаштираслик зарур.

4. Баҳслашаётган ёки фикрларига таянаётган одамларнинг фикрларини бузиб кўрсатмаслик керак. Айниқса, цитата келтиришда эҳтиётбўлиш зарур.

5. Шахсий хислатлар билан мақтаниш, бирор-бир воқеаларда, ҳамкорликдаги фаолиятда нотик ўрнини бўрттириб кўрсатиши тавсия қилинмайди.

6. Нотик ўз нуқтаи назарини, концепциянинг бошланғич ғояларини келтиргандан кейин уларни ҳимоя қилиши, асослаб, исботлаб бериш. Исботлаш талаб этилган нарсани исботлангандек таърифлаш мумкин эмас.

7. Нутқ чоғида дастлабки (билдирилган ва билдирилмаган) тезислардан воз кечмаслик керак. Нотик ишончни йўқотади.

8. Ўз оппонентларнинг реал ва амалга оширилиши мумкин бўлган хатти-харакатлари, воқеалар ва хоказоларнинг салбий натижаларини ҳаддан ортиқ ошириб юбориш керак эмас. Номақбул оқибатларни кучайтириш асосли бўлиши керак.

9. Нотик концепцияси унинг ўзига ишончли туюлганлиги туфайлигина уни тўғри деб эътироф этилишини талаб қиласлик керак.

Дикқат-эътиборни ва қизиқиши кучайтирувчи композицион воситалар:

- Қизиқиши (интрига)уйғотувчи кириш;
- бош ғояни бўлиб-бўлиб ривожлантириш;
- савол-жавоб тарзида фикр юритиши;
- далил-исботларни контраст таққослаш;
- таъсирчан яқунлаш.

Дикқат-эътибор ва қизиқиши кучайтирувчи нутқий воситалар:

- адабий сиймолар, парчалар, ҳикматлардан фойдаланиш;
- турли услубдаги, таъсирчан сўзлардан фойдаланиш;
- нутқни бадиий ифодалаш (кўчма маънодаги сўзлар, риторик иборалардан фойдаланиш);
- нутқни драмалаштириш;
- интонацион ифодалилик: овоз кучи, баландлигини, нутқ темпини ўзгартириш, рухий ва мантикий тўхтамлардан фойдаланиш.

Методик воситалар:

- муаммоли вазиятларни кўриб чиқиши;
- нутқнинг асосий ўринларини ажратиб кўрсатиш;
- баённинг мунозарали хусусияти;
- тингловчилар билан нигоҳлараро алоқа ўрнатинг, дикқат-эътиборни уйготиш учун аудиторияга мурожаат қилиш;
- кўргазмали, техник воситалардан фойдаланиш.

Нотик этикаси. Нутқ сўзлаш одоби

Антик давлардан бошлаб нотиклик саънати назариячилари ва амалиётчилари, мuloқот олиб бориш бўйича мутахассислар нотикнинг маънавий қиёфасига катта аҳамият берганлар ва бериб келмоқдалар. Одоб-ахлоқ нормалари нутқ сўзлашга тайёргарлик кўришни бошлашдан то сўзланган нутқни танқидий таҳлил қилишгача бўлган нотиклик фаолиятини ўз ичига олади. Нутқ ҳар доим шахс нуқтаи назарининг ифодаси, унинг ғояларини етказиш воситаси ҳисобланади. Тингловчилар нафақат нутқ тарзи ва табиатига, балки нотикнинг ҳаётий нуқтаи назарига, унинг фалсафий ва касбий принципларига баҳо берадилар.

Нутқнинг муваффақиятли чиқиши, тингловчиларни самарали ишонтириш учун аудиторияда кулай ижтимоий-рухий мухит бўлиши зарур; тингловчилар нотик тарғиб қилаётган ғояни қабул қила олишдан олдин нотикнинг ўзини ишонч, ҳурмат уйғотувчи инсон сифатида қабул қилишлари керак. Антик дунё нотиклик санъатида нотикка қўйилган бош талаб чиройли ва таъсирчан нутқ эмас, балки нотикнинг “саховатли инсонлиги”

эканлиги бежизга эмас. Нотик нутқ сўзлаш ва бошқаларга ўргатиш учун ахлоқан хукукка эга бўлиши керак. Нутқнинг сифати учун ахлоқий жавобгарлик мавжуд.

Нутқий тарбия нутқдан эмас, балки фалсафий-ахлоқий дунёқарашдан бошланади ва муайян қарашлар чиқиши билан ишлаб, нотикнинг ягона қуроли – нутқи билан ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳаётий ва касбий нуқтаи назар билан параллел равишда олиб борилади. Цицерон нотиклик илмини бежизга фалсафани энг муҳим фан деб ҳисобламаган. Фалсафадаахлоқ ва мантиққа алоҳида эътибор қаратган чунки, нотик ахлоқни билмай туриб, тингловчиларни ўзига мойил қила олмайди ва муваффакият қозона олмайди деб тўғри ўйлаган.

Нотикнинг ахлоқи – бу унинг ўз мажбуриятлари, ўз иши мақсадларига, ўз тингловчиларига бўлган муносабатини белгилаб берувчи ахлоқий нормалар, қадрият йўналишлари, хулқ-автор қоидаларининг мажмуидир. Нотик шахсининг ўзи, унинг билимдонлиги, принципиаллиги, эътиқоди, ўзига бўлган танқидий қараши каби хислатлари ахлоқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияга хурмат ва самимий муносабатда бўлиш, дилкашлиқ, зийракликда, насиҳат омуз, оҳангнинг йўқлигига намоён бўладиган назокат нотиклик ахлоқининг яна бирэлементидир.

Нутқ сўзлаётган шериклар ҳамкорликдауғунликка кўмаклашувчи эзгулик принципиларини фаоллаштишлари ҳамда салбий тенденцияларгайўл қўймасликлари лозим. Шахсахлоқибутун нутқий ҳамкорликнижараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу сабабли нотиклик таълими ва тарбияси одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш ва ахлоқтарбияси билан биргаликда олиб борилиши керак.

Нотик ўз фикрини ифодалашда одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиши зарур. Ахлоқий нормаларга риоя қилиш деганда, хушмуомалалик, назокатлилик, самимийлик, вазминлик каби хислатлар назарда тутилган. Бу хислатлар аниқ нутқий таъсир орқали ифодаланади. Масалан, агар инсон муайян шароитда мулоқот қилишни истамаса, у бундай вазиятдан ўз сұхбатдошини хафа қилмай, чиқиб кетишига йўл топиши керак. Беадаб ва ҳақорат омузифодалар қўполлик, ноўрин сўзларни ишлатиш кундалик ва иш юзасидан мулоқотга катта зиён етказади.

Жамоат олдида ишончли нутқ сўзлашга эришишда нутқ сўзлашнинг одоби муайян ўрин тутади. Этикет дейилганда жамият томонидан ўрнатилган ва қабул қилинган хулқ-автор тартиби тушунилади; у нутқ нормаларида ҳам ўз аксини топади. **Нутқ сўзлашнинг одоб-ахлоқ** деганда сұхбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш ҳамда уни ушлаб туриш учун жамият томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган нутқ сўзлашни тартибга солувчи қоидалар,

мулоқот олиб боришининг барқарор формулалари тизими тушунилади.^[17] Одоб-ахлоқ қоидалари ахлоқ нормаларига, шахснинг маънавий бойлиги акс этган эзгу ҳис-туйғуларга асосланган тақдирда ахлоқ-одоб доирасида бўлади. Нотиклик санъати доимо одоб-ахлоқ қоидалари масалаларида шу нуқтаи назарга асосланган.

Мулоқот жараёнида, ижтимоий муносабатларда муайян вазиятларда, турли жамоат гуруҳларида қабул қилинган сўзлар, бирикмалар ва бутун жумлалар қўлланади. Сўзловчининг сўзларига қараб унинг ёшимаълумоти даражасиҳамда ижтимоий келиб чиқиши, баъзан эса ҳатто касбини ҳам билиб олиш мумкин. Ёшлар ўз мулоқотида қўллайдиган ахлоқий сўзлар ёши катталар орасида ишлатилмайди. Эркин ва тўғри мулоқот олиб бориш учун инсон зийраклик билан этикет қоидаларини билиши керак.

Нутқ сўзлашнинг одоб-ахлоқ воситалари ўзининг тил табиатига кўра фразеологияга яқинидир. Улар барқарор, баъзан маъноси тенг ёки маънодошdir. Масалан: “Раҳмат”, “сиздан катта қарздорман” каби сўзларни бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидаларига мос сўзларва иборалардан фойдаланишда интонация улкан аҳамиятга эга. Ахлоқий нормалар ҳақиқий ҳис-туйғуларни акс эттирасигина, нутқ сўзловчининг сұхбатдошига бўлган ҳақиқий муносабатиниетказиб берсагина самарали бўлади. Интонациялар, юз, айниқса, кўз ифодаси исталган сохталик ва зўрма-зўракиликни фош этади.

Этикет ва риторикани мақсади бирдир: этикет шаклларига одатланиш – хушмуомала хулқ-автор инсонни тартиб-интизомга ўргатибина қолмай, балки одоб-ахлоқнормаларини

ўзлаштиришга, инсонлар ўртасида яхши муносабатлар бўлишга кўмаклашади.

Оғзаки нутқда, оғзаки диалогда одоб-ахлоқ қоидаларига мос сўзлар ва иборалар жуда тез танланади, у автоматик тарзда ўзлаштирилиши керак, хушмуомала сўзлар одатга айланиши керак.

Одоб-ахлоқ қоидалари тил каби амалий фаолиятда ҳам (яъни нутқда), аниқ мақсадга қаратилган таълимда ёки мустақил ўрганишда ҳам ўзлаштирилади.

Нутқнингловчиларнинг диққат-эътиборини жамлашга кўмаклашувчи дастлабки жумлалари катта ахлоқий вазифани бажаради. Айрим муаллифлар ҳатто тингловчилар билан алоқа ўрнатишни қийинлаштирувчи нотиқни “ҳалокатга етаклайдиган” нутқ бошланмаларига йўл қўядилар: “қандай бошлини билмаяпман”, “мен, тўгриси, маҳсус тайёргарлик кўрнмаганман”, “мен айтадиган гаплар сизга ёқиши даргумон”, “сизга, албатта, ҳозирча номаътумки...” ва ҳ.к.

Нотик нутқ сўзлашнинг одоб-ахлоқ қоидалари суҳбатдошга таъсир қўрсатишини инобатга олган ҳолда мулоқот қилишнинг қуйидаги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилади:

➤ **Суҳбатдошга ўз ҳурматини, самимийлигини намоён этиши.** Ўз нутқи билан суҳбатдошини ҳақоратлаш, унга илтифотсизлик кўрсатиш тақиқланади. Шеригининг шахсиятига тўғридан-тўғри салбий баҳо бермаслик лозим. Буларнинг барчаси муваффақиятли мулоқоттагатўскинликқилади.

➤ **Суҳбатдошига хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш.** Ўз нутқини юмшатиши, ортиқча кескин фикрлар билдириласлик тавсия этилади. Шерикнинг ёши, жинси, хизмат лавозимини ҳисобга олиш зарур.

➤ **Ўз “мен”ини биринчи ўринга қўймаслик.** Суҳбатдошга ўз фикрини ўтказиш керак эмас (бироқ ишонтириш тақиқланмайди!). Масалага шеригининг нуқтаи назаридан қарашни билиш керак.

➤ **Суҳбат мавзуситушунарли, ўринли ва қизиқарли бўлиши керак.**

➤ **Эшитувчининг маънони идрок қила олиш доирасини ва диққат-эътибори жамланганилигини ҳисобга олиш.** Фикр 5-9 сўздан иборат оғзаки шаклда ифодаланса, тезроқ қабул қилинади, бунда у тўхтамиз45 сониядан бир ярим дақиқагача давом этиши мумкин. Қисқа жумлалардан фойдаланиш, тингловчига нафасини рослашга имкон бериш тавсия этилади.

➤ **Алоқанинг оғзаки бўлмаган (новербал) воситаларини инобатга олиш.** Тингловчи нутқ сўзловчи унга самимий мимик ва имо-ишоравий белгилари бориб, унда кўшнимча равишдақизикиш ва тушиниш уйғотаётганлигини ҳис этиши керак.

Бу қоидалар сўзловчи ва эшитувчи учун мўлжалланган қоидалар билан узвий боғлиқдир. Одамлар харакатларини уйғунлаштироқчи бўлсалар, эшитиш биринчи ўринга чиқади. Агар кимдир сизга суҳбатлашиш учун мурожаат қилса, уни эшитиш учун ўз ишингизни тўхтатиб туришингиз зарур. Агар бунинг иложи йўқ бўлса, нима учун иложи йўқлигини тушунтириш зарур.

Тинглаш жараёнида, гапираётган кимсага самимийлик, ҳурмат ва илиқмуносабатда бўлиш зарур. Назокатли, сабрли бўлиш, диққат билан ва охиригача тинглаш лозим. Тинглаётганда, сўзловчива унинг манфаатларини диққат билан эшитиш керак. Унга нутқ сўзлаётганида ўзини кўрсатишига имкон бериш лозим.

Вербал ва новербал тарзда тингловчи билан мулоқот қилишдан манфаатдор эканлигини таъкидлаш лозим (нигоҳ, мимика, бош ирғитиш, ундовлар, сўзлар ёрдамида). Тингловчи ролида суҳбатдошнинг фикрини ўз вақтида баҳолай олиш, унга қўшилиш ёки қўшилмаслик, берилган саволларга жавоб бериш зарур.

Тингловчи ролида қолиб, усталик билан диалогга киришиш зарур. Суҳбатдоши тинглаётганда, уни бўлмай, фикрини қочирмай, гапирмоқчи бўлган гапини унинг ўрнига айтиб, уни эшитиш ўрнига гапиришга киришиб кетиш мумкин эмас. Агар нутқни икки нафардан ортиқ киши тинглаётган бўлса, бошқа суҳбатдошга берилган саволга жавоб бермаслик, умуман бошқа одамга қаратилган гапга жавоб қилмаслик керак. Бироқ, агар сўзлар қаратилган киши жавоб бермаса, у ҳолда иккинчи суҳбатдош жавоб беришни ўз зиммасига олиши, шу тариқа вазиятдан чиқиб кетиш мумкин.

Тингловчи учун мўлжалланган қоидалар сўзловчи учун мўлжалланган қоидалар билан чамбарчас боғлиқ, чунки улар мулоқотнинг икки ажралмас томонлардир. Ю.В.Рождественскийнинг фикрича, тингловчининг хатти-ҳаракати сўзловчининг хатти-харакатини белгилаб беради. [18]

Сўзловчи бу вазиятда ўринли бўлган хушмуомалалик, самимийликни нмоиш этиш керак. Билдирилган фикр, ғоя учун миннатдорчилик билдириш, табриклиш, хайрихоҳликни эсдан чиқармаслик зарур. Сўзловчи диққат марказига ўз шахсиятини қўйиши тавсия этилмайди, ўзига ўзи баҳо беришда камтар бўлиш лозим, қатъиятлик билан ўз фикрини ўтказмаслик керак. Тингловчининг шахсияти, суҳбат мавзусини билишини инобатга олган ҳолда уни диққат марказига қўйиши тавсия этилади, доим эътиборни жамлаб, суҳбатдошга диққатини зарур. Мазкур вазиятда ўринли бўлган суҳбат мавзусини танлай билиш зарур. Сўзловчи оғзаки мулоқотда тингловчи уни эшитибгина қолмай, балки қўришини, шундай экан, ундан имо-ишора, мимика, гавда ҳолатлари орқали кўплаб оғзаки бўлмаган алоқа сигналларини қабул қилишини ёдда тутиши керак. Имо-ишораларни чеклаш, муайян масофа сақлаш зарур.

Одоб-ахлоқ қоидалари нотиқ ва тингловчилар ўртасидаги масофа қанчалик аниқ танланганлигига намоён бўлади. Бу жиҳат проксемика деб аталган маҳсус фанда ўрганилади. Бу ерда умумий қоидалар қуидагича: сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги масофа нутқ тури ва жанри билан белгиланади (расмий нутқда энг катта масофа 3-4 м); одатий масофадан ошиб кетиш нотиқнинг ишончсизлигидан, манманлигидан дарак беради ҳамда нутқнинг муваффакиятли чиқишига салбий таъсир кўрсатади; суҳбат чоғида масофанинг камайтирилиши алоқа ва ишончнинг мустаҳкамланишидан дарак бериши мумкин, бироқ кўпинча бироннинг фикрини ўтказишга интилиш деб ҳам талқин қилинади.

Нотиқлик санъати назариясининг барча жиҳатлари нотиқ шахсиятида кесишиади, айнан унинг хислатлари нутқий мулоқот моделининг ҳолати ва фаолиятини белгилаб беради. Нотиқбир вақтнинг ўзида ўз нутқининг муаллифи, режиссери ва ижрочиси ҳамdir, бу эса унга бўлган талабларни мураккаблаштиради. Шу сабабли **нотиқлик санъатининг ахлоқий нормалари қуидагиларни ўз ичига олади:**

- Хушмуомалалик(очиқ юзлилиқ, самимийлик, тингловчиларга хурмат билан муносабатда бўлиш);
- назокат(мулойимлик, вазминлик);
- масъулият илтифотлилик (вақт борасида аниқлик, саранжом-саришталик);
- камтарлик (сиполик, мақтанчоқ эмаслик);
- қадр-қиммат (ўзининг ёки тингловчиларнинг хурматини сақлаш).

ИЛОВА - 2

Нотиқ нутқининг новербал жиҳатлари

Проксемика инсоннинг маконни ташкил этиш ва ундан фойдаланиши ёки инсоннинг территориал жиҳатдан ўзини тутиши муаммолари билан шуғулланади. Мулоқот вақтидаги алоқанинг интенсивлиги инсонлар ва уларнинг йўналганлиги ўртасидаги масофа билан тартибга солинади. Инсон масофани англамаган ҳолда танлайди, бироқ агар реал масофа уларнинг норма ҳақидаги тасаввурларига мос келмаса, бунга улар дарҳол ўз муносабатларини билдирадилар.

Турли хил мулоқот турлари учун оптималь “худудий зоналар” мавжуд. Жумладан, интим, шахсий, ижтимоий ва оммавий масофани ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Интим масофа икки хил интервалга эга:

- яқин интервал–бевосита алоқа;
- узоқ интервал – 15 сантиметрдан 45 сантиметргача, бўлган масофа.

Бу тана тилида ўзаро интим мурожаат учун мўлжалланган жабҳадир (бир-бирига тегиниш, кўз қараш ва ҳоказолар). Инсон ўз интим зonasи мухаббат, мукофот ва мақтов орқали забт этилгандағина эътиroz билдирамайди.

Рахбарларқұл остидагилари билан ўзи ўртасидаги оралиқ масофани қисқартириш орқали ҳам ўз талабарини қучайтиришлари мүмкін.

Немис психологи Хорог Рюкленинг фикрича, у ёки бу инсонга тегишли макон [19] чегаралари, айниқса интим макон чегаралари бузилғанда қуидаги реакциялар бўлишини кўзда тутиш зарур:

- беҳаловатлик мулоқотдан, узоқлашиш истаги намоён этувчи;
- оёқни чалиштириб ўтириш, сухбатдошдан узоқлашиш, бурилиш ва қочишга тайёргарлик кўриши;
- бармоқлар билан столни тақиллатиш (ички хавотир белгиси);
- ўрнидан туриб, узоқроққа кетишни истагини англатовчи, турмоқчи бўлиб қўлга тирианиш;
- “Ёнимга жуда яқин келиб олганингизни кўришни истамайман” деган маънони англатувчи кўзларни қисиши;
- энгакни кўкракка тушириш: “Бўйсунаман, ҳа, мен кўрқаяпман ва ўзимни ҳимоя қиласяпман, мени тинч қўй”;
- бўйинни беркитиш учун елкаларни кўтариш: “Сенинг тажовузингни мен ҳамла деб баҳолайман ва ўзимни ҳимоя қиласяпман”;
- буюмларни, кўпинча қаламни қўлга олиб, қаламнинг учи билан сухбатдошга ўқталиши: “Сендан ҳимояланиш учун мен ўзимни қўлга оляпман ёки қуролланаяпман”;
- ўрнидан туриш: “Мен билан бундай муомала қилишларига йўл қўймайман, мен ўз хулосамни чиқардим ва кетяпман”.

2. Шахсий масофа:

- яқин интервал – 45-75 см;
- узок интервал – 75-120 см.

Бундай маконда одамлар ўртасидаги нормал коммуникация жараёнлар амалга ошиши лозим. Агар инсон шахсий зонани эътиборга олмаса ва бирорнинг интим зонасига яқинлашиб ёки унинг чегарасидан ўтса, демак у бу билан ўзининг одобсизлиги ва бошқа инсон шахсиятини тўғри баҳолай олмаслигини кўрсатади. Бироқ шахсий масофа бир хил эмас, жумладан, болалар ва қариялар ўз шеригига яқин бўлишни хоҳлайдилар; ўсмирлар ва ўрта ёшли одамлар узоқ масофани маъқул кўрадилар. Тенг мақомдаги одамлар яқин масофадан туриб мулоқот қиласяпман. Лавозими баландроқ ёки ваколатлари кўпроқ одамлар эса узоқ масофани маъқул кўрадилар. Эркак кишининг бўйи қанчалик баланд бўлса, у сухбатдошга шунча яқинлашишга интилади ва аксинча, унинг бўйи қанча паст бўлса, у шунча узоқ масофада туришни маъқул кўради. Аёлларда эса бунга зид боғлиқлик кузатилади.

Узоқ масофа сақлашга интилиш – ўзига етарлича ишонмаслик, ортиқча хавотирдан далолат беради. Ва аксинча – хотиржам, ўзига ишонган киши ўз шахсий макони дахлсизлиги ҳақида камроқ бош қотиради. Тиришқоқ, агрессив инсон том маънода ўз худудини кенгайтиришга мойил бўлади: масалан, олдинга чўзилган ёки кенг очилган тирсаклар, оёқлар, атрофдаги буюмлар ва одамларга қаратилган имо-ишоралардан бемалол фойдаланиш бундан дарак беради.

3. Ижтимоий масофа:

- яқининтервал – 120-210 см;
- узок интервал – 210 сантиметрдан 350 сантиметргача.

Биз ижтимоий масофага ишга оид муносабатларда дуч келамиз. Ушбу масофанинг ўлчамлари сухбатдошлар ўртасида овқатланиш столи ёки ёзув столи жойлашганда беихтиёр ўрнатилади. Барча сухбатлар ана шундай масофада ўтказилади. Ушбу масофада бўлиб ўтадиган сухбатлар вақтида яқин муносабатлар ўрнатишга интилиш бўлмайди ва гап кўпроқ инсон ҳақида эмас, балки у ёки бу иш ҳақида бўлади.

4. Оммавий масофа:

- яқин интервал – 350-750 см;
- узок интервал – 750 сантиметрдан ортиқ.

Одатда, маърузачилар ўз тингловчиларидан ана шундай масофа оралиғида турадилар. Жамоат ёки умумий зона чегаралари, одамларни айниқса, ўзини кўрсатишга интилаётганларни кузатиш имконини беради. Кузатувчининг узок масофадан қарashi тингловчидаги бирор-бир ҳимоя механизмлари пайдо бўлишига олиб келмайди.

Суҳбатдошнинг ижтимоий нуфузи ёки ижтимоий ҳолати, интравертилиги – экстравертилиги, суҳбатнинг умумий ҳажми ва айниқса, унинг мазмун-моҳияти, хонанинг катта-кичиликлиги каби омиллар ҳам мулоқотдаги масофа учун муҳим аҳамиятга эга.

Нотиқнинг маҳорати унинг ўз таъсирини кучайтиришда имо-ишора, мимика фойдаланишида намоён бўлади. Қад-қомат тўғри тутилганда гавданибемалол тутиш ва енгил ҳаракатлар уйғунлашади. Гавдани тутиш, имо-ишоралар, мимика – индивидуал услугбагамансуб. Мулоқот кинетик тизимишининг мазкурэлементлари кўз орқали қабул қилишга таъсир кўрсатиб, дикқат-эътиборни эшитиш канали орқали қабул қилинаётган ахборотнинг мазмун-моҳиятига қаратади, ҳиссиётни кучайтиради ва шу орқали айтилган фикрларни яхши қабул қилинишига кўмаклашади.

Нотиқ аудитория қарисида минбарда турганда барқарорликка, мувозанатга, енгилликка, ҳаракатчанлик ва табиийликка эришиши керак. Узок вақт қимириламай турадиган одамнинг ташки кўриниши тингловчиларни толиктиради. Узок вақт маъруза ўқишида тажрибали нотиқ ўз гавдаси ҳолатини ўзгартириб турди. Керакли лаҳзада олдинга қадам ташлаш нутқнинг у ёки бу жойининг аҳамиятини кучайтиради, дикқат-эътиборни анна шу ўрнига нутқнинг жамлашга ёрдам беради. Нотиқ орқага тисарилиб, аудиторияга “дам олиш” имконини беради ва шундан сўнг нутқнинг бошқа ғоясига ўтади. Нутқ вақтида тўхтовсиз юриш, бир томондан бошқа томонга ҳаракатланиш ножоиз.

Жамоат олдида нутқ сўзлаётган вақтда қандай туриш лозим:

- бўйга қараб оёқлар елка кенглигига очилади;
- оёқ учи бироз кенгроқ очилган, бир оёқ бироз олдинда;
- иккала оёққа бир хилда таянмаслик лозим;
- нутқнинг энг ифодали жойларида товондан кўра, оёқ учига таяниш лозим;
- тиззалар эгилувчан ва бўйсунувчан бўлади;
- елка ва қўллар бемалол тутилади;
- қўллар кўкрак қафасига жуда яқин бўлмайди;
- бош ва бўйин кўкрак қафасига нисбатан бироз олдинроқда бўлади;
- кўкрак олдинга чиқарилган, қорин ичга тортилади, бироқ бундай ҳолат эркин нафас олишга халақит бермаслиги лозим.

Маслаҳатлар

- агар оёқларингизда оғирлик сезсангиз, тиззангизни бир неча бор букинг;
- агар бўйин толиб ёки елкаларсиқиқ бўлса, бош билан аста-секин эркин айланма ҳаракатлар қилинг, қўлларни бемалол силкитинг ва елкаларни бироз айлантиринг;
- агар қийин нафас олсангиз, бел машқларини бажариш зарур.

Ҳаракатлар ва фикрлаш жараёнини тўғри мувофиқлаштириш учун ҳаракат фикрлашдан кейин қолиб кетмаслиги балки бироз олдинда бориш фикрдан ортда қолмаслиги керак;

- нутқнинг ифодали жойлари олдинга қадам ташлаш ёки оёқни олдинга кўйиш орқали таъкидланади;

- тўхтам (пауза) ва нафасни ростлаш – орқага қисқа қадам ташлаш учун мос вазиятдир;
- маъносиз, механик (бош силкитиш, сочни, кийимни тузатиш, ручкани айлантириш ва ҳоказо) ҳатти-ҳаракатлар қилманг. Нутқ мазмунига узвий боғланиб кетадиган, тингловчилар сезмай қолдиган ҳаракатлар энг яхши ва мукаммал ҳаракатлардир.

Аудитория билан контакт ўрнатиш ва уни ушлаб туриш. Контактни ўрнатиш ва ривожлантиришда кўз анализаторининг роли.

Жамоат олдида нутқ сўзлаш маҳоратининг юксак даражада намоён бўлиши, нутқ самарадорлигининг муҳим шарти бўлмиш тингловчилар билан ўрнатиладиган алоқа – бу нотиқ ва аудитория руҳий ҳолатининг умумийлигидир, энг аввало, биргаликда фикрлаш асосида юзага келадиган нотиқ ва тингловчи ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушунишдир.

Нотик ва тингловчи айни бир муаммоларни ҳал қилишлари, айни бир масалаларни мухокама қилишлари лозим. Контакт пайдо бўлишда интеллектуал қайгуриш мухимдир, яъни нотик ва тингловчи нутқ вақтида ўхашаш хис-туйғуларни ўз бошидан кечиришлари керак. Нутқ сўзловчининг нутқ мавзусига бўлган муносабати, унгақизиқиши, ишончи тингловчиларга ҳам таъсирэтиб, улар дикқат-эътиборини кўзғатади ва жавоб реакциясини пайдо қилдиради. Ташқаридан контакт аудиториянинг ўзини тутишида намоён бўлади. Баъзи нотиқларни унинг бирор сўзини ўтказиб юборишдан кўркиб, бутун эътиборларини жамлаб тинглайдилар. Бундай холатда жимжитлик алоқа ўрнатилганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Нутқ сўзловчининг ҳазил-мутойибаси, унинг ҳазиломуз фикрлари аудиторияда табассум, кулгу кўзғатади, бироқ нотик ўз фикрини баён этишини бошлиши билан барчаси тўхтайди. Жимжитлик бошқа маънони ҳам англатиши мумкин. Одоб юзасидан сақланадиган сукунат – мавзу аудиторияга қизиқ эмаслигидан дарак беради. Тингловчилар шунчаки нутқ сўзловчига халақит беришни истамаган ҳолда, тартиби бузмайдилар ва шу билан бирга, нотик билан ишламайдилар ҳам, хаёлан бошқа ишлар билан машғул бўладилар.

Муваффакиятли нутқ сўзлашнинг энг мухим жиҳатларидан бири – бу нотиқнинг аудиториянинг нигоҳи билан кўз орқали алоқа ўрнатиш маҳоратидир. Нутқни аудитория билан эмоционал ва нигоҳлараро алоқа ўрнатмай туриб бошлиш мумкин эмас. Нигоҳлараро контакт – бу нафакат аудитория билан алоқаси ўрнатишига эришиш ҳамдир. Энг аввало, жилмайиб, юзингизда хайриҳоҳлик ифодасини намойиш этишингиз зарур. Дастреб биз шундек ҳам бизга қараётган тингловчилар билан алоқа ўрнатамиш, сўнгра нотик нутқини бошлаганида ўз ишлари билан машғул бўлганлар ҳам сизга кўз ташлайдилар. Улар билан ҳам алоқа ўрнатиш зарур бўлади. Улар энди узоқ вақт сиздан кўз узмайдилар. Шундан кейин нотиқка ҳеч қачон қарамайдиган тингловчилар сизга қарамагунларига қадар бирор кутиб туриш зарур. Улар билан ҳам нигоҳларинг тўқнашсан. Сизга боқмаган бирорта ҳам кўз қолмагунча кутинг. Бу жамоат олдида нутқ сўзлашда мувафакият қозонишида мухимдир.

Алоқа тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаслиги, бутун аудиторияни ёки унинг бир қисмини жалб этиши, шунингдек, нутқнинг бошидан охиригача барқарор ёки бекарор бўлиши, нутқ жараёнида ўзгариб туриши мумкин.

Алоқа ўрнатишига таъсир кўрсатувчи омиллар:

- 1) **муҳокама этилаётган масаланинг долзарблиги**, уни янгича тарзда ёритиб бериш, нутқ мазмунининг қизиқарлилиги;
- 2) **нотиқшаси**, унинг обрў-эътибори, у ҳақда жамоат фикри;
- 3) **аудиториянинг ўзига хослиги**: унинг сон ва сифат бўйича таркиби, тингловчилар хатти-харакатининг мотиви, уларнинг кайфияти, мақсадлари, қизиқишилари ва ҳоказо;
- 4) **tinglovchilarning ruҳияти**: аудитория нотиқка муайян талаблар қўяди ҳамда у уларни оқлашини кутади. Тингловчилар нотиқнинг дадиллиги, хотиржамлигига қадр-қимматини, овозидаги сабот ва қатъийликни хис қилиши керак;
- 5) **нотиқнинг ташқи кўриниши**. Тингловчилар бир вақтда томошабин ҳамдир, шу сабабли нотиқнинг ташқи кўринишига, мимикасига, ишо-ишоралари, харакатларига эътибор бериш мухимдир. Буларнинг барчаси тингловчилар томонидан танқидий баҳоланади.

Залдаги сукунат, тингловчиларнинг ўзизни бемалол тутиши ва нутқ сўзловчига қаратилган сичков нигоҳлари аудиториянинг дикқат-эътибори бир ерга жамланганидан дарак беради.

Ўрнатилган визуал алоқани бир дақиқаҳам йўқотмаслик зарур. Бутун нутқ давомида алоқани ушлаб туришига қўйидагилар кўмаклашади:

1. Материалнинг мантиқан тўғри баён этилиши.
2. Нутқда тилга олинган қизиқарли лаҳзаларни сақлаш ёки нутқда аввал эълон қилинган “низоларнинг” мавжудлиги.
3. Турли хил кўргазмали воситаларга: назарий қоидаларни тасдиқлаш учун ёрқин мисолларга, диаграммаларга, метафора ва ўхшатишларга, аналогияларга мурожаат қилиши.
4. Нутқнинг жўшқинлиги. У интонация ва овоз воситаларидан (тўхтам, овозни кўтариш ва пасайтириш, унинг баландлиги, нутқ темпини ўзгартириш, мантиқий ургуни

ўзгартириш ва х.к.), шунингдек, мuloқotning кинетик (харакатлантирувчи) тизимидан (қараш, мимика, имо-ишоралар, тана ҳаракатлари, маконда жойлашув) фойдаланиши назарда тутади.

5. Диққат-эътиборни тортишнингтилдаги қуидаги воситаларидан фойдаланиш: аудиторияга мурожаат қилиш, тақрорлаш, риторик саволлар.

6. Бутун нутқни диалоглаштириш (нутқ нотиқнинг саволлари ва жавоблари шаклида тузилган, тингловчиларнинг хаёлан нутқ сўзловчи билан фикрий диалогга тортилган).

7. Аудиториянинг диққат-эътиборини кучайтириш учун мавзудан бироз четга чиқиш, ҳазил-мутойиба қилиш.

8. Нутқнинг мазмунига зиён етказмай, унинг қисқа ва лўндалигига эришиш.

Кинетик воситалар – бу мулокот жараёнида регулятив-ифодавий вазифани бажарувчи кўриш орқали қабул қилинадиган бошқа инсоннинг ҳаракатларидир. Бу мимикада, гавда тутиш, имо-ишоралар ва қарашларда намоён бўладиган ифодали ҳаракатлардир.

1. Ахборот етказишида **мимикага** – юз мушаклари ҳаракатига алоҳида ўрин берилади. Маъruzачининг юзи ҳаракатсиз бўлса ёки кўринмаса ахборотнинг 10-15 фоизи йўқотилади.

[20] Мимиканинг асосий хусусиятлари – унинг яхлитлиги ва динамиклигидир.

Махсус адабиётда юз ифодасининг 20 000 дан зиёд тафсифини учратиш мумкин. Барча инсонлар миллати ва маданиятидан қатъи назар тегишли ҳис-туйғуларни ифодалайдиган аниқ ва уйғун тарзда мимик белгилари ўхшашибўлади. Кош ва лаб атрофи асосий ахборот етказувчи аъзолар ҳисобланади.

Мимика:

- билдирилган фикрларни кучайтириш;
- сухбатдошга таъсир кўрсатиш;
- психологик алоқа ўрнатиш;
- сухбатдаўзи ва ўз нуқтаи назари ҳақида таассуротни шакллантириш;
- ўзининг руҳий ҳолатива юз бераётган воқеага муносабатини ниқоблаш;
- кайфиятини яхшилаш учун фойдаланилади.

Мимика динамик бўлиб ва қуидагиларни акс эттиради

➤ нутқ сўзловчининг айтиётган сўзларига бўлган муносабатини: уларнинг нотик учун аҳамиятини, ўзи гапираётган нарсага ишонишини, тингловчини қай даражада тушунайтганлигини;

➤ нутқ сўзловчининг руҳий ҳолатини: хурсандчилик, қониқиши, диққат-эътибор, зерикиш, ранжиш, чарчоқ, ажабланиш, ҳаяжон, кескинлик, ғазаб, паришенлик ва бошқа ҳолатларни;

➤ сухбатдошга бўлган муносабатини: бефарқлик, хурмат, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик, илтифотсизлик, умидсизлик ва ҳоказоларни;

➤ ўзига ва ўз ҳаракатларига бўлган муносабатни: диққат-эътибор, иродалилик, қатъийлик, қатъиятилийлик, ўзига бўлган ишончсизлик, саросимага тушиш, мағрурлик, бирор-бир ҳаракатга тайёргарлик ва х.к.;

➤ баъзи бошқа хислатларни: ўқимишлийлик, ақл, паст маълумотлийлик, аҳмоқлик, дадиллик, ирода ва бошқа хислатларни.

Ўз олдида турган вазифани ҳал қилиш учун мимикани бошқара олиш, ундан фойдаланиш – муҳим профессионал қобилиятдир. Ўз мимикасига эътибор бериш одатини ишлаб чиқиш зарур: у қандай бўлиши лозимлигини, вазиятни ўзгартириси керак бўлганда у бу вазиятга мос келиши ёки келмаслигини ва нима учун бундай эканлигини ўйлаб кўриш зарур. Жамоат олдида нутқ сўзлаётгандага юздан хайриҳоҳлик, ишchan кайфият, ишонч, дадиллик уфуриб туриши лозим. Мимикани бошқараётib, юзининг қуидаги барча мимик компонентларидан фойдаланиш зарур:

- кўз ифодаси;
- нигоҳ йўналиши;
- қулоқ-буруннинг ўзига хос ифодаси;
- пешонанинг ўзига хос ифодаси;

- бошнинг умумий ҳолати (иякни кеккайганча юқорига кўтариш ёки зимдан қараш мумкин эмасбош одатий, тўғри тутилиши лозим);
- кўз қийиги (юз ифодасини биринчи навбатда белгилаб берадиган қовоқ мушаклари ва унинг атрофини ҳаракат билан ўзгартириш).

2. Мулоқотнинг жуда муҳим қисмини ташкил этган **нигоҳ ташлаш ёки визуал алоқа** мимика билан узвий боғлиқ.

Визуал алоқа мулоқотга киришишига мойилликдан дарак беради. Агар бизга камроқ қарасалар, демак бизга ёки биз гапираётган мавзуга муносабатлари ёмон, агар жуда кўп қарасалар, бу бизга қаратилган чақирикни ёхуд яхши муносабатни англатади.

Кўз ёрдамида инсоннинг ҳолати ҳақида энг аниқ сигналлар етказилади, чунки кўз қорачигининг кенгайиши ва қисқаришини онгли равишда назорат қилиб бўлмайди. Доим ёруғ бўлса, кўз қорачиги кайфиятга қарабкенгайиши ёки қисқариши мумкин. Агар ҳаяжонга тўла ёки бирор нарсага қизиқаётган бўлса ёки кўтаринки кайфиятда бўлса, унинг кўз қорачиги нормал ҳолатдагидан кўра тўрт баравар катталашади. Аксинча, инсоннинг тушкун, ғамгин кайфиятидан кўз қорачикичраяди (“мунҷоқ кўз” ёки “илонкўз”). Шундай қилиб, унинг инсон ҳақида юз ифодаси ванигоҳи ахборот беради.

3. **Гавда ҳолати**(поза)– бу инсон танасининг ҳолати, муайян миллий маданият учун типик бўлган инсоннинг макондаги юриш-туришининг бошлангич бирлигидир. Гавданинг ҳолати нотиқнинг ҳозир бўлган бошқа шахсларнинг мақомига нисбатан ўз мақомини қандай қабул қилишини яққол кўрсатиб беради. Мақоми юқорироқ шахслар қўл остидагиларга нисбатан гавдани эркин тутадилар. Инсоннинг гавда ҳолати ва хатти-ҳаракатида унинг нафакат ижтимоий мақоми, балки унинг руҳий ҳолати ҳам намоён бўлади (“бошни баланд кўтариб юриш”, “елкани текис тутиш” ёки аксинча, “қадди букик ҳолда туриш”).

Шахснинг ўз танасини сухбатдошига нисбатан қандай жойлаштириши иборат гавда ҳолатининг асосий моҳиятини ташкил этади. Тананинг бундай жойлашуви мулоқот қилишни хоҳламаслик ёхуд унга мойилликдан дарак беради.

Гавданинг “ёпик” ҳолатлари (инсоннинг ўз танасининг олд қисмини ёпишга ва маконда имкон қадар камроқ жой эгаллашга ҳаракат қиласидиган ҳолати; “наполеонча” тик туриш: қўлни кўкракда қовуштириб туриш ва ўтириш: иккала қўл энгакка тираш ва ҳ.к.) ишонқирамаслик, рози эмаслик, қарама-қаршилик, танқидни билдирувчи гавда ҳолатларидир.

Гавданинг “очик” ҳолатлари (тик турганда: қўлларнинг кафти очилганча тепага қаратилади, ўтирган ҳолда: қўллар ёзилган, оёқлар узатилган) ишонч, розилик, хайриҳоҳлик, руҳан қулайликни англатувчи гавда ҳолатлари сифатида қабул қилинади.

Гавданинг ўйга чўмган ҳолати (Роден яратган “Мутафаккир” ҳайкалининг ҳолати).

Гавданинг танқидий баҳо берувчи ҳолати (қўл ияқда, кўўрсаткич бармоқ чаккага кўйилган).

Агар инсон мулоқот қилишга қизиқаётган бўлса, у сухбатдошга қараб, у томонга ёндашади. Агар унчалик қизиқмаётган бўлса, аксинча, бошқа томонга қараб, орқага тисарилади.

Ўзини намойиш этмоқчи бўлган инсон тик ҳолда, бутун диққат-эътиборини жамлаб, елкасини кериб, баъзан қўлини белига тираб туради.

Ўз мақоми ва ҳолатига ургу беришга эҳтиёж сезмаган инсон ўзини эркин, хотиржам, бемалол тутади.

4. Мулоқот олиб бораётган томонлар учун тушунарли бўлган қўл ва бошнинг турли ҳаракатларини акс эттирувчи **имо-ишораларнинг** маъноси ҳам худди гавда ҳолатидек тушунарли бўлади.

Мулоқот жараёнида имо-ишораларнинг ҳамда оғзаки билдирилаётган фикрларнинг бир-бирига мос тушиши лозимлигини ёддан чиқармаслик зарур. Имо-ишоралар ва маъномазмун ўртасидаги зидлик ёлғондан дарак беради.

Имо-ишоралар тури:

Ритмли имо-ишоралар. Улар мантиқий ургуни, нутқнинг секинлашиши ва тезлашишини, паузалар ўрнини таъкидлайди.

Эмоционал имо-ишоралар хис-туйғуларнинг ўзига хослигини акс эттиради (қисилган мушт, кўкрагига уриш, столга мушт уриш, орқага ўгирилиш, елка қисиш, гап “кесувчи” қўл). **Кўрсаткич имо-ишоралардан** жуда камдан-кам ҳолларда, кўрсатиш мумкин бўлган буюм, кўргазмали восита мавжуд бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

Тасвирий имо-ишоралар буюмни аниқ тасвирлаб беради, уни кўрсатади (масалани, бурама зинани), ундан:

- агар тасаввурни тўлиқ етказиш учун сўзлар етишмаса;
- агар бирорсабабга кўра фикрни ифодалаш учун сўзларнинг ўзигина етишмаса (асабийлик, ишончсизлик, ўзини тута билмаслик);
- агар таассуротни кучайтириш ва тингловчига қўшимча тарзда таъсир кўрсатиш зарур бўлса.

Рамзий имо-ишоралар муайян ахборотни етказади. Бундай ишораларга қуидагилар киради:

- қатъийлик ишораси (ўнг қўл панжаси билан силташ – бу мутлақо тушунарли, ҳеч қачон қўшилмайман, ҳеч ким билмаган);
- жадаллик ишораси (қўл мушт қилинади – у жуда ўжар, у ўтакетган шухратпаст, у қайсар);
- инкор этиш, рад этиш ишораси (қўл билан итариш ҳаракати);
- айриш ишораси (кафт очилади, икки томонга чўзилади);
- бирлашиш ишораси (бармоқлар бирлашади ёки кафтлар бирлашади).
- қарама-қаршилик ишораси (қўл панжаси ҳавода “у ерда ва бу ерда” ҳаракатини бажаради),
- умумлаштириш ишораси (икки қўл билан бир вақтнинг ўзида овал ҳаракатлар қилиш).

Инсоннинг мулоқот вақтидаги позициясини билдирувчи имо-ишоралар

Имо-ишоралар	
Ишончсизлик	Ручкани ғажиш, қўллар бўйинда, қўл маржон ёки занжирни ушлайди.
Ишонч ишоралари	“Гумбаз” – бармоқлархудди гумбазга ўхшашибирлашади.
Ўзини назорат қилиш ишоралари	Қўллар орқага олинган ҳолдабир қўлбошқасининг билагини маҳкам қисиб туради. Креслода ўтириб, қўллар унинг тирсаккўйгичига қўйилади, тўпиқлар қовуштирилади.
Баҳолаш ишоралари	“Қўллар юзнинг ён томонида” – бир нима хақдадир ўйляяпти. Танқидий баҳо беришда – ияккафтга тиравлади, кўрсаткич бармоқюзнинг олдида чўзилади, қолганлари бирлаштирилади ва иякнинг тагида жойлашади. Муаммони ҳал қилиш лаҳзаси, дикқат-эътибор бир ерга тўпланиб, буруннинг учи ушланади, шубҳалик – бурунга тегишёкиуни кўрсаткич бармоқ билан енгил артиш.
Имо-ишоралар ва гавда ҳолатлари	Қаттиқ чирмашган қўллар – шубҳаланиш, кескинлик, ишончсизлик ишораси. Қаттиқ қисилган қўллар – оғир аҳволга тушган одамнинг гавда ҳолати. Бўйинни ҳимояланиб силаш – қўл зарбдан чекинаётгандек орқага ҳаракат қиласди.
Гавда ҳолатлари	
Очиқлик	Очиқ ва суҳбатни қарши олишга ёзилган қўллар, тутгаси ечилиган пиджак. Ўтирганда, қўл ва оёқларни чалиштирмаслик. Стулнинг четига сурилиб ўтириш ва

	олдинга эгилиш, қўлларни кўкрак, юрак устига қўйиш (виждонлилик).
Ёпиқлик	Қўлларни кўкрак устига қовуштириш, у химояни кучайтиради, бармоқлар мушт қилинган (агар мушт ҳосил қилмаса, ташвишланганликни англатади). Химояланганда кўл кўкрак устида қовуштирилиб, бири бошқасини сиқиб туради. Стулга юқоридан ўтириш – стул суянчиғи – қалқон, ҳимоя.
Тайёрлик	Тик турган одам қўлларини белга қўйади. Ўтирган одам гавдасини олдинга эгиб, бир кўли билан тиззасига тиралади, бошқа қўлининг тирсак қисмитиззага қўйилган.
Ҳукмронлик позаси	Қўллар орқада бирлаштирилган ҳолда, ияқ тепага кўтарилган.
Тингловчилардаги зерикиш аломатлари	Кафтини юзга тираш. Қоғозга беихтиёр чизгилар чизиши. Бемаъно қарааш – кўзлар очиқ, лекин уйкуда. Кўзлар бир нуқтага қадалган.

Шубҳаланиш ва яширинликни имо-ишораларсизга ишонмаслик, сизнинг ҳақлигингизга шубҳа қилиш, сиздан бирор нарсани сир сақлаш ва бекитиш истагидан дарак беради (пешонани, чаккани, иякни силаш, юзни қўллар билан ёпишга интилиш).

Химояланишни англатувчи имо-ишоралари ва гавда ҳолатлари сұхбатдош хавф ёки таҳдидни сезаётганлигидан далолат беради (қўллар кўкрак устига қовуштирилган, бармоқлар муштқилинган).

Ўйлаш ва баҳолашга тегишли имо-ишоралар ўйчанлик ва муаммонинг ечимини топишга интилишни акс эттиради (“қўллар юзда”, “каншарни ушлаш ёки чимчиласи”).

Шубҳаланиш ва ишончсизлик имо-ишоралари – ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан қулоқ солинчагининг остини ёки бўйиннинг ён томонини қашлаш, бурунга тегиниш ёки уни енгил артиш.

Сұхбатни эшитишни хоҳламаслик ва уни тугатишга интилишдан дарак берувчи имо-ишоралар ва гавда ҳолатлари (қовоқ солиш, қулоқ қашиш).

Бошқалардан устунлик ҳиссига эга бўлган ўзига ишонган одамлар имо-ишоралари (“қўлни орқага ўриб билакни ушлаш”, “қўлни бошнинг орқасига қўйиш”).

Келишмаслик имо-ишоралари (“пиджак мўйини йиғиш”, қовоқ солиш).

Тайёрлик имо-ишоралари сұхбатни ёки учрашувни тугатиш истагидан дарак беради (танани олдинга ташлаш, бунда иккала қўл тиззага қўйилади ёки стулнинг ён тарафи ушлаб туради).

Имо-ишораларни вазиятдан ажратиб кўриб чиқиб бўлмайди, чунки кўриб турганингиздек, айни бир ишоранинг бир неча маъноси бор; бошқа ишора ушбу паллада ҳеч нарсани англатмаслиги мумкин; учинчи ишора ёлғон ишора бўлиши мумкин. Шу сабабли уларни бири бошқаларини тўлдириб, аниқлаб, тўғрилатаётган бир тизим доирасида олиб қарааш лозим.

Имо-ишоралар улар эгасининг сўзларига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Агар улар мос келса, оғзаки ахборот таъсирини кучайтиради, агар мос келмаса, биринчи навбатда, имо-ишораларни кузатиш зарур, чунки имо-ишоралар сўзлардан кўра беш марта кўпроқ ахборот беради.

Сўзлар ва тана ҳаракатлари ўртасидаги мувофиқликдан ташқари қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: вазиятни (масалан, совуқ қотган, чарчаган ёки сұхбатдошга танқидий кўз билан қаровчи одамнинг ҳолати деярли бир хил бўлади); саломатлигининг аҳволи; профессионал одатлар (пианиночи бармоқларини аяб, қаттиқ қўл сиқиб кўришмайди); кийимнинг, нотиқнинг ҳаракатланиши ва гавда ҳолатини чегараловчи хусусиятларини.

Инсоннинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши ва унинг имо-ишоралари ўртасида ўзаро тескари боғлиқлик мавжуд. Ёши ўтгани ва мақоми юксалгани сайин инсон айни бир маънони

англатиш учун кўпроқ сўзлардан фойдаланади, гарчи бир пайта хатти-харакатлари нафислик касб этса-да, уларнинг тезлиги пасаяди.

Одамларост онги автоматик тарзда ишлаши туфайли имо-ишоралар ҳам беихтиёр юзага келади, шу сабабли жамоат олдида нутқ сўзлаётганда:

- айтилган фикрларга тингловчиларни ишонтириш учун имо-ишораларни маҳсус ишлаб чиқиш лозим;
- кичик имо-ишоралар (юзнинг қизариши, кўз қорачифининг ўзгариши) ва умуман гавдадаги ўзгаришлар ҳолати сезилмаслиги учун сухбатдошга нисбатан ўртада масофа сақлаш;
- бошқаларни жалб қиласидиган ижобий имо-ишоралардан кўпроқ фойдаланиш ва салбий имо-ишораларни имкон қадар камроқ ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Кўллар билан имо-ишора қилиш

Кўл кафтининг тўлиқ ёки қисман очиқлиги инсоннинг виждонлилиги ва очиқлигидан дарак беради. Кўпчилик одамлар кафтлари очиқ тарзда алдай олмайдилар, агар алдасалар ҳам буни кичик имо-ишоралар сездирибўяди. Шу сабабли ёлғон гапираётганида улар кўл кафтларини орқага бекитадилар ёки чўнтакка соладилар.

Имо-ишоралар ёрдамида ўз хукумронлиги кўрсатиш ва буйруқ бериш мумкин; жумладан, тепага очилган кафтлар субординация ҳолатида кўл остидагилар томонидан илтимос сифатида қабул қилиниши мумкин; пастга қаратилган кўл кафти – буйруқ сифатида; кўрсаткич бармоқ – тақиқлаш сифатида қабул қилиниши мумкин.

Рахбарлар орасида шпиль деб аталувчи ишончни англатувчи кўл ва бармоқ йигиши кенг тарқалган. Бунда “тепага қаратилган шпиль” ўз фикрини баён қилишда, “пастга қаратилган шпиль” ўзганинг нуктаи назарини қабул қилаётганда намоён бўлади. Бундай тоифадаги одамларга қўлни орқага қилиб юриш ҳам хосдир. Бу ўзига бўлган ишончни ва бошқалардан устунликни кўрсатади.

Эшитаётганда қўлни оғизга яқин олиб келиш шеригига ишонмаслиқдан, нутқ сўзлаётганда қўлни оғизга яқинлаштириш эса носамимийликдан дарак беради.

Қовоқ, қулоқ, бўйинни қашлаш, ёкани қайириш каби харакатлар бирор кимсадан ёки бирор нарсадан четлашиш истагини билдирувчи имо-ишоралардир.

Кафтни юзга тираш зерикиш ишораси ҳисобланади. Агар қўл мушт тугилиб, кўрсаткич бармоқ чаккага қўйилган бўлса, бу қизиқишини англатувчи баҳоловчи гавда ҳолатидир. Қўлни юзга қўйиб бошга тиralмаслиги, қизиқишининг самимийлигидан дарак беради.

Агар кўрсаткич бармоқ вертикал ҳолда чаккага қаратилиб, катта бармоқ иякни ушлаб турган бўлса, инсон хабарни салбий баҳолаётган бўлади; кўрсаткич бармоқнинг қовоқча яқинлаштирилиши салбий муносабатнинг кучайишидан дарак беради.

Иякни силаш инсон ўз қарорини ўйлаётганини англатади; агар бунда ручкани тишилаётган, трубка ёки сигарет чекаётган, кўзойнак бандини айлантираётган бўлса, у қарор қабул қилишда қийналаётган бўлади; қўл қовуштириш, оёқни чалиштириши ёки стул суюнчиғига ташлаш унинг салбий муносабатда эканлигидан дарак беради.

Столга бармоқ билан чертиш ёки столтагида оёқлар билан тақиллатиш – сабрсизлишиорасидир; улар қанчалик тез бўлса, сабрсизлик шунчалик кучли бўлади; мулоқот муваффақиятли бўлиши учун кишини бирор нарса билан чалғитиши.

Химояланишни англатувчи имо-ишоралар

Кўллар ёрдамида яратиладиган химоя тўсиқлари тўлиқ бўлмаслиги (пастга туширилган қўлни тирсакдан букилган бошқа қўл билан ушлаш ёки иккала қўлни пастга чирмаштириш) ёки нафис бўлиши (бирор-бир буюм, масалан, сумка, соат, билагузукка тегиниш; бокал ёки гулдастани икки қўл билан ушлаш) мумкин.

Шунингдек, химоя тўсиқлари оёқлар ёрдамида ҳам яратилади. Боз устига, одамнинг салбий кайфиятини қўл чалиштиргандан кўра оёқни чалиштириш кучлироқ ифодалайди. Оёқлар нафақат ўтирган ҳолда, балки тик турган ҳолатда ҳам чалиштирилади. Агар бунда умумий гавда ҳолати безовта бўлса ва инсон қўллари чалкаштирилган бўлса, у ўзини бегона даврадан четга олишга уринаётган бўлади. Бироқ инсон мулоқот давомида ўзини қўлай ҳис

қилишни бошласа, бошқалар билан яқинлашиб, ёпиқ поза очиқ гавда ҳолатига ўзгаради: қўллар ва оёқлар чалиширилмай, оддий ҳолатга қайтади.

Ҳимояланиш оёқ тўпиқларини бирлаштириш ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин. Бунга қўшимча равишда эркакларда қўл муштга сиқилган ҳолда тиззада турари ёки тирсак кўйичига маҳкам қўйилади, аёлларда эса қўллар параллел равишда бирлаштирилган тиззалар устида турари ва болдирилган бир томонига оғган бўлади.

Қўл ва оёқлардан ташқари бошқа буюмлар, масалан стулнинг суянчиғи ҳам, унга тескари ўтирилганда химояланиш белгиси бўлиши мумкин. Бундай йўл тутувчи кўпчилик шахслар табиатан ҳукмрон одамлардир ва “сарҳадларини ҳимоя қилишга” интиладилар. Ҳимояни енгиш учун ўтириш ёки ёнма-ён (ушбу одамнинг олдиди ёки орқасида) туриш, имкон қадар бу одамга тепадан қараб суҳбатлашиш ёки уни тирсаккўйичли стулга ўтқазиш лозим.

Пастга эгилган бош ҳам химояланувчи гавда ҳолатидан дарак беради. Бундай одамга қизиқарли нарса айтиб, уни бошини кўтаришга ёки ён томонга қаратишга мажбур қилиш лозим. Бошнинг эгилиши қизиқиши уйгониши ва кескинликнинг сусайишидан дарак беради. Агар инсон бошини қимиirlатмайтўғрига қараб турса ёки билинар-билинмас бош иргаса, у юз берәётган воқеаларга бефарқ муносабатда эканлигини намоён қиласди.

Ўтирган ҳолатдаги агрессив гавда ҳолатлари қўйидагicha:

- тўғри ўтириш; тирсаклар ёки кафтлар сонга кўйилган; бир оёқ олдинга сурイラгни, иккинчиси стулнинг тагида;
- гавда олдинга эгилган; қўллар тиззада ёки стул ўринидини ушлаб туради; оёқлар ҳам юқорида олдинга кўрсатилган ҳолатда бўлади;
- тик ҳолда қўллар (бармоқлар) сонга тиralган ёки белга кўйилганда кучли агрессия намоён бўлади.

Жамоат олдида нутқ сўзлашда имо-ишоралардан фойдаланиш қоидалари.

➤ Иккала қўл билан имо-ишора қилишга ҳаракат қилинг. Агар фақат бир қўлишлатилса, нутқингиз нотабий қўринади... Бир вақтнинг ўзида иккала қўлдан ёки навбатма-навбат чап ва ўнг қўлдан фойдаланиш мумкин.

➤ Ёнбошга ёпишган тирсаклар – энг катта хато. Бундай ҳолатда ҳаракатлар чекланиб, эркин бўлмай қолади. Аудиториядан чўчиган бўлиб қўринмаслик учун тирсакларни ёнбошингизга ёпиштирунг.

➤ Агар қаршингизда ўнлаб ёки юзлаб одамлар тўпланган зал бўлса, имо-ишоралардан бемалолфойдаланишдан кўркманг.

➤ Агар сиздан 1 м масофада турган бир киши олдида нутқ сўзлаётган бўлсангиз, кичик амплитудалик ҳаракатлар билан чекланган маъқул. Кенг имо-ишоралар нотиқнинг ўзига бўлган ишончидан, кичик имо-ишоралар эса – унинг ўзига ишонмаслигидан дарак беради.

➤ Агар сиз қўлларингиз бирор-бир имо-ишорани бажаришни бошлаганлигини сезсангиз, кўркманг, имо-ишорани охиригача бажаринг. Имо-ишора пайдо бўлдими, уни ярмида тўхтатманг, охиригача намоён бўлишига имкон беринг.

➤ Кафтнинг тескари томони билан тингловчиларга имо-ишора қилмасликка ҳаракат қилинг. Бу худди нотиқ қўлига тош олиб олгандек қабул қилинади.

➤ Имо-ишоралардан тинимсиз фойдаланиш мумкин эмас. Бутун нутқингиз давомида қўллар билан имо-ишора қилаверманг. Ҳамма ибора ҳам имо-ишора билан ажратиб кўрсатилишга эҳтиёж сезмайди.

➤ Имо-ишораларингизни бошқаринг. Шамол тегирмонига ўхшашиб интилманг, кучларни заҳирада сақланг; имо-ишоралар бутун гавда ҳолати мувозанатининг элементи эканлигини ёдда тутинг. Имо-ишора ўзи ифодалаётган сўздан кеч қолмаслиги керак.

➤ Турли хил имо-ишоралардан фойдаланинг. Сўзлар таъсиричанлигини ошириш учун айни бир имо-ишорадан турли ҳолатларда фойдаланманг.

➤ Имо-ишоралар ўз мақсад вазифасига жавоб бериши керак. Уларнинг сони ва интенсивлиги нутқ ва аудиториянинг ўзига хослигига мувофиқ келиши керак. Масалан,

катталар болалардан фарқли равиша имо-ишоралардан меъёрида фойдаланилишини маъқул кўрадилар.

➤ Нутқ сўзловчининг юзи ва бутун ташқи қиёфаси самимийлик ва дўстона муносабатни ифодалаши керак. Аудитория баджаҳл ёки бефарқ одамларни ёқтирумайди.

Нотик илк сўзидан охирги сўзига қадар аудиториянинг диққат-эътибори ва қизиқишини қозониш, унинг фикрлари қабул қилишига тайёрлиги, унга қўшилиши ва унгаамал қилиши учун курашиши лозим. Буни нутқнинг аввалдан таъминланган ва доимий равиша нутқнинг ҳамроҳи сифатида тушунмаслик лозим. Нотик бунинг учун тингловчилар билан руҳий алоқани доим сақлашга ҳаракат қиласди, уларни тинимсиз руҳлантиради ва қизиқишини кучайтиради, улар мойиллигини қозонади, аудиториянинг бефарқлиги, танқидий ёки салбий муносабатини енгигиб ўтади ва пировардига, тингловчилар кўнглини олади, қизиқиши қондиради, илҳомлантиради, ишонтиради ва нутқ мавзусига қараб ҳаракатта ундайди.

Хаяжонни енгиш юзасидан маслаҳатлар

Хаяжонни енгиш учун у нима билан боғлиқлигини аниқлаб олиш зарур. Кучли хаяжонланишнинг асосий сабаблари:

- Жамоат олдида нутқ сўзлаш тажрибасининг етишмаслиги.
- Сизнинг индивидуал хусусиятларингиз: уятчанлик, журъатсизлик, ортиқча хавотирланиш, ўзига ишонмаслик.
- Тингловчиларга қизикарли бўлармикин деган шубҳалар.
- Шахсий тажрибада муваффакиятсизликни бошдан ўтказиш.
- Ўз кечинмалари гирдобига фарқ бўлиш.

Агар сизнинг хаяжонингиз кўпроқ тингловчилар билан боғлиқ бўлса:

- сизга хайриҳо бўлган тингловчини танланг ва гўё нутқни фақат у учун сўзланг (энг асосийи – унинг кўзига қарашга ўрганинг);
- сиз ва сизга хайриҳо на муносабатда бўлган тингловчи ўртасида алоқа ўрнатилганлигини ҳис қилишингиз билан унга бироз бош силкиб, унинг кўшинишига кўз тикинг, у билан кўзма-кўз алоқа ўрнатинг;
- тингловчиларга очик ва хайриҳолик билан қарашни ўрганишга ҳаракат қилинг;
- тингловчиларга табассум қилишга ва залдан жавоб табассуми қабул қилишга ўрганинг.

Агар сизнинг хаяжонингиз ўзингиз билан боғлиқ бўлса:

- Сўзга чиқиш бўйича тажриба орттиринг: кўпроқ ва тез-тез нутқ сўзлаб туринг, саволлар беринг, жамоавий мунозараларга киришинг;
- синов ва хатолар орқали мақбул ҳолатни – муваффакиятга элтадиган ички ҳолатингизни топинг. Бу ҳолат барча инсонларда ўзига хосдир: кимдир “парвоз қувончини” ҳис этади, кимдир диққат-эътиборни ва иродани бир ерга тўплайди, кимдир эса бироз ҳаяжонланади, лекин унинг кучайшиши йўл қўймайди. Нутқ сўзлаш жараёнида нима қилмоқчи ва, тингловчиларнинг ҳис-тўйғуларини қандай қилиб жонлантиromoқчи эканлигинизни аниқлаб олинг.
- нутқ сўзлашдан олдинбирорта тингловчи билан сухбатлашинг, аудиторияда оҳиста қадам ташлаб юриб кўринг.

Умумий маслаҳатлар:

Нутқ сўзлашингиздан таҳминан бир кун аввал йиғилиш ўтказиладиган аудиторияда гувоҳларсиз ўзингиз асосий репетицияни ўтказинг: нутқ сўзланадиган жойга бориб, бўш залга қаранг, гавдангизни тутишни ўрганинг, овозингизни маромига етказинг, нутқингизнинг бошланғич ва яқуний қисмларини ўйлаб топинг.

Кечқурун уйқуга ётишингиздан аввал бутун вазиятни, тингловчилар тўпланаётгани, нутқ сўзланадиган жойга бораётганингиз, нутқни қандай бошлиётганингизни тушингизда кўришга ўзингизни тайёрланг... Энг асосийси, сиз нутқ муваффақиятли бўлишини ҳис этишингиз ва бунга ишонишингиз лозим.

Нутқингиздан бир неча соат аввал уйда креслода ўтирганчабутун маърузажараёнини хаёлан тасавурдан ўтказинг, сценарийни режалаштиринг. Бунда барчаси муваффақиятли ўтишидан хурсандчилик ҳис этишга ҳаракат қилинг.

Жамоат олдида нутққа тайёргарлик кўришдан аввал унинг мақсади ва унга эришишни текшириш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур.

Frank Staroba бўйича жамоат олдида нутқ сўзлаш олдидан қўрқувни енгиш

1. Пухта ишлаб чиқилган мурожаатни, нутқни тайёрлаш.
2. Агар мумкин бўлса, тингловчиларнинг ким эканлиги, қандай мақсадларга эгалиги, уларни нима қизиқтириши ва нима учун тўпланганликларини ўрганиш. Айрим тингловчилар билан сұхбатлашиб, улар ким эканлиги ҳақида шахсий фараз тузинг.
3. Аудиторияга эртароқ келиш ва у ерга тўпланган одамларнинг имкон қадар кўпроги билан мuloқотга киришиш.
4. Тингловчиларнинг қизиқиши ва ҳиссиётларини қўзғатиши лозим бўлган нутқнинг кириш қисмини пухта тайёрлаш.
5. Агар Сиз президиум столида ўтирган бўлсангиз, минбар томонга ўзингизни гўё барча ваколатларга эга одамдек тутиб, қатъият билан бориш зарур.
6. Минбарга қадар – тўхтам қилинг – тингловчилар Сиз минбарга бораётганингизда визуал белгиларни: Сизнинг ким эканлигиниз, қандай кийинганингиз, жисингиз, ўзингизга бўлган ишончни кўрадилар ва улarda: “Менимча, у дуруст одам”, “Менга ёқди”, деган фикр уйғонади.
7. Минбар олдида – тўхтам қилинг – нутқнинг биринчи қисмидан иккинчи қисмига ўтиш пайти. Шу вақтда Сиз нафас олиб, тингловчиларга назар ташлаб, хайриҳоҳ муносабатда бўлганбита тингловчини топиб, унга қараб туриб нутқ бошлайсиз.
8. Нутқнингкириш қисмини аввалдан ёдлаб олинг, “Мен Сиз учун нимани таклиф этаман, нима учун Сизда қизиқиши уйғониши керак” – ёдлаб олинган нутқнинг кириш қисмининг сўзлаб беринг.
9. Агар хатога йўл қўйилса, бироз тўхтам қилинг, тўхтаб туриб, нима демоқчи эканлигинизни ўйланг (мия нутққа қараганда 4 баравар тезроқ ишлайди) – бу тўхтам тингловчилардиқат-эътиборини ушлашга кўмаклашади, шундан сўнг сўзлашда давом этинг. Бундай вазиятда кўп ва тез гапирмаслик лозим.
10. Ҳаракатланинг. Жисмоний ҳаракаттингловчилар билан алоқа ўрнатилишига ёрдам беради.
11. Кўз қорачиғиҳаракатланиши ўй-фиқрларимизни акс эттиради. Аудитория бўйлаб кўз югуртириш мумкин эмас.

Ўзингизга бўлган ишончни уйғотинг

Тингловчилар олдида нутқ сўзлашҳар доим инсонни ҳаяжонга солади. Аудитория олдида пайдо бўлганингизда ўзингизга бўлган ишончни ошириш учун бир қанча чоратадбирларни кўриш зарур.

Нутқ орқали жамоатга таъсир ўтказиш бўйича барча мутахассислар тажриба орттиришни тавсия этадилар.

Дастлаб, катта аудиторияда баланд овозда ва аниқ-равshan тарзда саволлар беришга ўрганиш зарур. Бундаамалий шуғулланиш зарур, боз устигасавол-буқисқа нутқ асаридир ва уни ҳар доим аввалдан тайёрлаб олиш мумкин. Кўлни баланд кўтариб, баланд овозда савол бериш жуда муҳимдир.

Кулай фурсат келганда сўз сўранг ва кўпи билан икки-уч жумладан иборат қисқа муқма ташланг. Уларни ҳам олдиндан тайёрлаб олиш мумкин.

Мунозараларда иштирок этинг, ҳеч бўлмаса қўйидаги шаклда ўз фикрингизни билдиринг: “Мен бу фикрга қўшиламан...”, “Менимча, шундай деб ўйлайдиганлар ҳақ...”. Шундан сўнгсекин-аста қисқа нутқ сўзлашга ўтинг.

Нутқ сўзлашга психологик ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўриш

Нутқ сўзлашга психологик ва жисмоний жиҳатдан яхши ҳолатда ташриф буориш керак. Тавсиялар:

1. Тингловчилардан қўрқманг: улар шу пайтгача тарихда бирор марта ҳам ҳеч кимни еб қўйишимаган, ҳеч бир нотиқ, агар унинг нутқи чиндан ҳамҳатто танқидгаарзимайдиган бўлсада, бирор марта ҳам минбарда хушини йўқотмаган.
2. Дикқат-эътиборингизни шахсий кечинмаларингизга эмас, балки нутқингизнинг мазмун-моҳиятига қаратинг. Тингловчилар учун энг муҳими бу сизнинг нутқи назарингиз, фикрларингиз, шундан кейингина сизнинг ўзингиз эканлигини ёдда туting. Улар учун, биринчи навбатда, сиз ҚАНДАЙ сўзлаётганингиз эмас, балки сиз сўзлаётган НУТҚ қизиқдир. Сизнинг шахсингиз уларни сиз ўйлаганингиздек қаттиқ қизиқтирумайди.
3. Тингловчиларга ҳамма билган нарсаларингизни айтиб қўйманг. Ўзингиз учун “захирадаги билимларни” қолдиринг – бу ишончингизни мустаҳкамлайди.
4. Нутқ сўзлайдиган кунингиз тайёргарлик кўрманг.
5. Нутқ сўзлашдан бир-бир ярим соат аввал ўзингиз учун кутилмаган ва ноодатий бўлган ишлар билан шуғулланманг, янги ишларни бошламанг – бу дикқат-эътиборингизни чалғитади.
6. Жиддий нутқ олдиdan овқатланмасликка ҳаракат қилинг.

Ёзувчилар Ильф ва Петровнинг Остап Бендерини эслайлик – маълумки, уқорни очлигига гапга жуда уста бўлган. Д.Карнеги киноя қилиб, агар сиз нутқ сўзлашдан аввал яхшилаб қорин тўйғазиб олсангиз, миянгизда айланиши керак бўлган қон ошқозонга тушиб, бифштекс ва картошка билан кураш бошлайди” деб таъкидлаганди.

Ҳаяжонни енгишнинг бир нечта амалий усуллари:

- нутқнинг эмоционаллигини оширинг;
- баландроқ овозда гапиринг;
- нутқнинг қизғинлиги суръатини оширинг;
- оғиз ва бурундан бир вақтда нафас олинг;
- қўлларингизни орқага қилиб бармоқларигизни ёки оёқғингиз бармоқларини қимиirlатинг;
- стул, минбар, стол чеккасини ушлаб туring;
- муштингизга тангани маҳкам сиқинг;
- бўрни, қўрсаткич таёқчани қўлингизга олинг;
- унчалик лозим бўлмаса-да, доскага у бу нарсаларни (мавзуни, режа бўлимлари, алоҳида атамалар, цитаталарни) ёзинг.

Нутқ сўзлаганда ваҳимага тушмаслик учун икки қадам ташлаш лозим:

- Кўркув, муаммонинг сабабини билиб олиш (танқиддан қўрқиши, эсдан чиқариб қўйишдан қўрқиши, муваффақиятсизлиқдан қўрқиши, аввалги салбий тажрибадан қўрқиши ва ҳоказо) ҳамда уни буткул бартараф этиши.
- Жамоат олдида нутқ сўзлашнинг асосий усуллари, методикасини ўрганиб олинг.

Нотиқ амал қилиши лозим бўлган қоидалар

Юқорида кўрганимиздек, ҳар қандай шоир ёки ёзувчи, актёр ёхуд рассом бўлолмаганидек, моҳир нотиқ ҳам бўлолмаслиги мумкин. Лекин “изланганга толе ёр”, деганларидек, сидқидилдан интилган шахс бундай мавқени эгаллаши мумкин.

Қўйидага қоидаларга амал қилинса, нотиқ зарар кўрмайди:

1. Ким эркин сўзласа, у нутқ олдидан ҳаяжонланмайди. Нотик, аввало, жамоа билан эркин гаплашиш қобилияти ва малакасига эга бўлиши керак.
2. Яхши тайёргарлик – аъло нутқ гарови. Нутқ қанча қисқа бўлса, унга кўпроқ тайёргарлик кўриш лозим.
3. Айни пайтда нотиклик санъатида шундай қоида бор: нима ҳақида гапирсангиз гапириинг, 20 минутдан ортиқ эмас.
4. Гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг.
5. Сўз – кумуш, сукут – олтин. Тинглай олиш ҳам нотиклик санъати сирларидандир.
6. Машқ учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш керак. Иш устасидан қўрқади. Биринчи навбатда ўзингизга яқин одамлар (ходимлар, талаabalар, ҳамкасабалар) олдида нутқ сўзлаб кўринг. Бу ўзингизга ишонч ва қатъиятингизни кучайтиради.
7. Нутқдан олдин камроқ овқат енг. Ҳаддан ташқари тўқлик фикрлаш ва нутқ сўзлашни қийинлаштиради.
8. Оммабоп йўсинда сўзланаётган муайян нутқингиз тахминан ўйланган ва тайёрланган бўлишига эришинг.
9. Тажрибали нотикгина ўзининг оммабоп нутқини ўз тажрибасига таянган ҳолда кўпчилик олдида дадил намоён этиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин.
10. Оммабоп нутқ олдидан албатта чукур ўйлаб, англаб, уни тинглайдиган аудитория ва гапирадиган гап ўзингизга боғлиқ эканини хис этиб олмогингиз шарт.
11. Агар регламент белгиланган бўлса, нутқ мазмунини қисқартиринг: кўп ёмон гапиргандан кўра, оз ва соз сўзланг.
12. Ҳар бир нутқнинг бошланиши, ўртаси ва охири бўлади. Энг муҳими, нутқингиз охирини қандай тугатишни эсда сақланг.
13. Агар сизга регламент белгиланган бўлса, яхшиси нутқингиз режасини тузинг. Режада асосий пунктлар сақлансан. Аниқлик талаб қилувчи хабарлар вақти, статистик маълумотлар ва иқтибослар (цитата), мараккаб ёки таниш бўлган сўзлар, терминлар ва ҳакозолар.
14. Сиз нотиқсиз, биринчи жумлани ва нутқнинг хулосасини ўйлашга мажбурсиз, қолган гапларни ўз йўналишида боғлаб бораверишингиз мумкин. Агарда жуда ўзингизга ишонсангиз, чиқиш қилиш олдидан режани унитишишингиз, ундан фойдаланмасдан ташлаб юборишишингиз мумкин. У ҳолда нутқингиз янада гўзал чиқади.
15. Расмий хужжатларни, нотаниш матнларни ўқиб беришишингиз мумкин. Нутқнинг бошқа турлари эса ўқиганларингизни мустаҳкамлайди. Яъни, юқорида кўрсатилган матнлардан ташқари қўшимча нутқ матнини ёзиш шарт эмас. Чунки ёзган матнларингиз гапиришишингизни қийинлаштиради. Тажрибасиз нотик ёзилганлардан ниманидир тушириб қолдиришдан қўрқиб, баттар хатога йўл кўйиши мумкин.
16. Оммавий аудиторияда чиқиш қилаётган нотик ўзига ишонган, жисмоний кўриниши дадил, жасур ва вазмин ҳамда ташқи кўриниши билан жозибали бўлмоғи лозим. Шунинг учун омма олдида чиқиш қилишдан олдин ташқи қиёфангизнинг гўзал бўлишига интилинг.
17. Кўпчилик, жумладан, тажрибали нотиклар ҳам гапириш олдидан ҳаяжонланади. Бу ҳаяжонланиш табиий ва фойдали. Агар ҳаяжонланиш бўлмаса, демак, нотик ўз нутқига масъулиятсиз, аудиторияга эътиборсиз.
18. Жуда қаттиқ ҳаяжонланиш заарли. Ундан қочиш олдидан яхши нарсаларни ўйлаб нутқ мазмунидан ўзингизни чалгитинг. Аудитория ҳақида ваҳима қилманг. Агар бунинг иложи бўлмаса ёки чалғиши ёрдам бермаса қўлларингизни елка кенглигига қўйиб, бармоқларингизни букинг. Сўнгра сакраб, бир қанча ҳаракатлар қилиб, орқага чалқайинг. Агар буни эплай олмасангиз оёкларингиз бармоқларини кучли ҳаракат қилдиринг.
19. Нутқ олдиридан ва гапираётган пайтингизда сув ичманг – сув юрагингизга кераксиз юк бўлади ва овозингизни бўғади. Чиқиш қилиш олдиридан кераксиз гаплардан гаплашманг.
20. Гапириш вақти келганида ташқи кўринишишингизни тўғрилаб, дадил қадамлар билан нутқ сўзлаш лозим бўлган жойни эгалланг.

21. Устингиздаги кийим-кечакларингиз кенг ёки ўта тор бўлмасин, пойафзалингиз оёкларингизни сиқиб қўймасин, галустуингизни бўғиб қўймасин. Либосларингиздаги кенглик ёки торлик эркин гапиришингизга ва ўзингизни эркин тутишингизга халақит беради.

22. Ўзингизни тўғри тутинг, елкангизни бироз буринг. Иягингизни бироз кўтариб бошингизни тўғри тутинг. Оёкларингиз елка кенглигига бўлсин. Қўлларингизни қорин устида сиқиб ушламанг, буқланманг, бармоқларингизни чалиштирманг, қўлларни орқага қилманг, чўнтақка тиқманг, оёқларингизни чалиштирманг.

23. Нотик қотиб турмаслиги, қўлларини эркин тутиши, гапираётган пайтда қўлларини силкитмаслиги, жуда қотириб гавдага ёпиштириб ҳам турмаслиги лозим. Гапириш темпини, овозини мазмунга қараб ўзгартириб туриши керак. Нутқ юмшоқ ва ишончили бўлиши, лекин жуда чўзилиб кетмаслиги керак.

24. Гапираётганда оғизни меъёрида очиб гапириш, меъёрида нафас олиш ва чиқариш лозим. Овозни аудиториянинг катта-кичиллигига қараб мослаш, ўта баланд овозда кичкириб гапирмаслик керак.

25. Овозни юқорига ва пастга йўналтирунг, тингловчиларга тўғри йўналтиринг.

26. Имкони борича микрофондан фойдаланманг: микрофон аудиториядагилар билан тўғридан-тўғри боғланишга халақит беради.

27. Аудиторияга табассум билан юзланинг, улар дикқат билан сизга боқмоқда. Уларга қучли назар ва хуш кайфиятда кўринасиз.

28. Оз фурсат жимлик сақланг. Агар шовқин бошланса жимликни чўзинг ва бирдан аудиторияга қаттиқ назар ташланг.

29. Нутқингиз юмшоқ ва енгил қилиб бошланг. Қучли зарб билан бошламанг, бўлмаса нутқингизни якунлашга қучингиз етмай қолади, тингловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлади.

30. Гапираётганингизда унутманг, сизни эшитишни истаган одамларга мурожаат қиляпсиз, нимани ёсангиз ҳам сифдираверадиган қоғозга эмас.

31. Ўзингизни тутиб ишонч билан гапирсангиз сизни ҳам завқ билан тинглашади.

32. Темп оралигини сақлаган ҳолда баланд овозда гапиринг. Кенг ва муҳим маълумотни қисқа вақтга сифдиришга уринманг. Шошиб гапирган нотик маълумот беришдан кўрқади ва минбардан тушириб юборишларини кутади.

33. Гапираётган вақтингизда аудиторияни қузатинг. Тингловчиларнинг дикқати сизга қаратилган. Бироқ нутқингиз давомида бир шахсга ҳадеб мурожаат қилаверманг, чунки ҳар бир тингловчи қайси нуқтага қараётганингизни, кимга қараб гапираётганингизни қузатиб туриби.

34. Оғзаки оммабоп нутқингиз кўпчиликдан қучли: нотик кўпчиликнинг дикқатини торгади, фикрини кўзгайди. Қучли аудиторияни тўлқинлантиради.

35. Катта аудиториядан кўрқманг, кичик аудиториядан кўрқинг. Аудитория қанча катта бўлса, ишонтириш шунча осон бўлади.

36. Ортиқча гапирманг. Нотик ниманини напирса, омма шуни гапиради, нимани ўйласа, шуни ўйлайди. Шунинг учун нотик нима гапиришини ҳамиша ўйлаб гапиради. Лекин у нимани ўйласа ҳаммасини гапиролмайди. Гапириб улгурмайди.

37. Инсонсевар бўлинг – иложи борича қисқа гапиринг, нутқинг оммабоп жаранглаши тингловчиларнинг бутун борлигига таъсир қиласди. Айни дамда тингловчилар айтилаётган нарсаларнинг ўzlари учун энг керакли эканлигини англайди.

38. Иложи борича адабий тилда гапиришга одатланинг, чет эл сўзларидан имкон даражасида камрок фойдаланишга ҳаракат қилинг.

39. Баъзи нотиклар бир сўзни қайта-қайта такрорлайдилар. Сиз бундай ярамас одатдан қочинг.

40. Нутқингизни сўз билан эмас, жумла билан безашга одатланинг. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғлансин. Бошлаган жумлангизни якунига етказинг. Гапираётган жумлаларингизнинг узун-қисқалигини аудитория ва хонанинг кенглигига қараб тузинг. Аудитория қанча катта бинода бўлса, гапираётган жумлаларингизнинг ўртача узунлиги шунча қисқа бўлиши керак.

41. Нутқда сўз ва жимликнинг (пауза) ўрни галма-галдан алмашиниб туриши керак. Жим туриш сўз ва жумланинг тузилишига вақт ажратиш демакдир. Жим туришда аудиториянинг сизнинг фикрларингизга бераётган баҳосини англайсиз. Аммо тўғри келган жойда тинимсиз жимлик ҳам ярашмайди. Жимлик аудиториядан жавоб кутаётган пайтингизда керак.

42. Оммабоп нутқ оҳангга боғлиқ: оҳанг жумлаларга аъзо бўлган сўзга сайқал беради. Нутқ мазмунига нотиқнинг муносабатини оҳанг табиий ва ишончли бўлиши керак. Оҳангни ҳеч қачон жумлалар охирига сурманг.

43. Нотиқ оммабоп нутқ сўзлаётганда ўзини булбулдай ҳис этмаслиги керак. Сиз одамларнинг фойдасига гапиряпсиз, ўзингизни кўз-кўз қилиш учун эмас. Шунинг учун ҳамма вақт нутқингиз устида ишланг, унинг аудиторияга таъсирини кузатинг. Одамларнинг маълум гуруҳи сизни қўллаш-қўлламаслигини аниқланг. Сизга эътиборлими ёки паришонхотирми, қизиқиб эшитяптими ёки аҳамиятсиз, дўстонами ёки зўрма-зўракими эканини кузатинг. Нотиқ гапираётганда аудиторияда нима бўлаётганини кўриб туриши лозим ва ўз вақтида аудитория ҳолатини изга солиб туриш керак.

44. Агар аудиторияда шовқин кўтарилса, овозингизни баландлатмасдан, аксинча пасайтилинг ёки жимгина аудиторияга дикқат билан қаранг.

45. Залдаги қочириқ гаплардан кўрқманг. Нутқ сўзлаётганингизда дискуссияга йўл қўйманг. Мўлжалдаги гапларингизнинг ҳаммасини айтишингиз шарт. Нутқ давомида ёки ундан кейинми, сизга берилган саволларга жавобни аниқ, тушунарли, қисқа қилинг, тўлиқ жавоб бериш шарт эмас.

46. Ҳар қандай нутқнинг якуни дадил ва мустаҳкам бўлсин. Яқунловчи оҳангда овозни кўтариб керкли гапларнинг ҳаммасини айтганингизни сездиринг, аудиториянинг дикқат-эътибори учун миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Адабиётлар рўйхати

1. 1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: 1997, 9-бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 173 бет.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 366.
5. Арипова. Ш. “Сўз, нутқ ва нотиқлик”. // Соглом авлод учун. 2/2013.156
6. Алисейко Е.Н.. Конспект лекций по риторике (для студентов юридического факультета заочной формы обучения). Севастополь. 2009
7. Анисимова Т.В., Гимпельсон Е.Г..Современная деловая риторика: Учебное пособие. 2002 ISBN: 5-89502-304-5
8. Аристотель. Риторика // Античные риторики / Под ред. А. А. Тахо-Годи. М., 1978. С. 15-164.
9. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. Тошкент. 2000.
10. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. (Маърузалар матни). Тошкент. 2006.
11. Выготский Л.С. Собрание сочинений. В 6 т. Т. 2. Развитие речи и мышления. – М., 1983. – 456 с.
12. . Жинкин Н.И. Речь как проводник информации.– М., 1982.
13. . Жуманиёзов Р. “Нутқий маҳорат”.Т., Адолат. 2005. 75 б.
14. Ахмадова М., Мелибоева Р. Нутқ психологияси. –Т.,2014. 136 б.
15. Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари. – Т.,Фан.2006. 143 б.
16. Магзумова Ш., Махмудов И., Хайдарова Г., Мирджураева Н. «Нотиқлик санъати» фанидан ўқув қўлланма. – Т., 2014. 196 б.
17. Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. Тошкент. 2011.
18. Савова М.Р., Риторика. Конспект лекций, М., 2005, 42с.
19. Сопер Поль А. Основы искусства речи. М. , 1992.
20. Стернин И.А. Практическая риторика. Изд.5, доп. и испр. М.,
21. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974. –С. 118.
22. Богин Г.И. Типология понимания текста.– Калинин, 1986.
23. Боймуродов М.Амалий психология Тошкент. Янги аср авлоди 2008.
24. Горелов И.Н. Вопросы теории речевой деятельности. Таллин, 1987.
25. Дридзе Т.М. Язык и социальная психология.– М., 1980.
26. Жинкин Н.И. Механизмы речи, М.; Просвещение, 1958.
27. Ирисқұлов М. “Тильтуносликка кириш” Тошкент-2009.
28. Каримова. В., Акромова Ф. Психология. Маърузалар матни. Тошкент.2002.
29. Крайг Г. Психология развития. Питер. Санкт-Петербург. 2000г
30. Культура русской речи. Учебник для вузов. – Москва.: Норма-Инфра. 2000.
31. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность.– М., 1969.
32. Лурия А.Р. Речь и мышление.– М., 1975.
33. Луцихина И.М. Речь, язык, языковое сознание. // Психология. / Под редакцией А.А. Крылова. – М., 2001. – 584 с. – С.134-137.
34. Маркова А.К. Психология усвоения языка как средства общения, М.; Педагогика,1974.
35. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик нома муаммолари. Филолог. фанлари док. дисс. – Тошкент, 2000. 66 -б.
36. Основы теории речевой деятельности / Под ред. А.А. Леонтьева.– М. 1974.
37. Расулов Р. Тилтунослик. Тошкент. 2007.
38. Торопцев И.С. Язык и речь.– Воронеж, 1985.
39. Умумий психология. Петровский А.В. тахририда. Тошкент. Ўқитувчи. 1992 й
40. Ушакова Т.Н. Психология речи и психолингвистика // Психол. журн. 1999.
41. Хомский Н. Язык и мышление.– М., 1972.

42. Хўжаева Л. Лектор ва сўз санъати. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 1975.
43. Шахнарович А.М. Проблема формирования языковой способности. // Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи. – М., 1991. – С.185
44. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2007.
45. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1992.
46. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. Т. Ўқитувчи. 1990 й.
47. Фозиев Э.; “Муомала психологияси”. Тошкент. 2001 й.

Мундарижа

Кириш

1- боб. Нутқ маданияти фан сифатида	3
Аниқ нутқ яратиш	12
Нутқнинг мантиқийлиги	13
Нутқ ифодалилиги	15
Нутқнинг бойлиги	17
Нутқнинг ўриниллиги	18
Тилнинг тасвирий воситалари	19
2- боб. Нутқ турларининг психологик тавсифи	
Нутқ турлари ва унинг хусусиятлари	21
Новербал нутқ	21
Вербал нутқ	25
Ички нутқ	26
Ташқи нутқ	27
Оғзаки нутқ	28
Ёзма нутқ	34
Фаол ва пассив нутқ	36
3- боб. Нутқ сўзлашнинг босқичлари ва принципи	39
Нутқнинг композицион тузилиши	42
Нутқ сўзлашнинг умумий қоидалари	46
4 – боб. Фикрни баён қилиш усуслари	
Фикрни оғзаки баён этиш	49
Нутқнинг ёзма шакллари	52
5 – боб. Нутқ техникаси	
Оғзаки нутқ техникаси	57
Ёзма нутқ техникаси	63
6 – боб. Баҳсланиш маҳорати асослари	
Баҳс ва унинг турлари	64

Баҳснинг асосий қоидалари	67
Баҳсланиш усууллари	72
ИЛОВАЛАР	81
Адабиётлар рўйхати	114

Нутқ маданияти ва профессионал нотиқлик

Магистратура барча йўналиш талабалари учун Услубий кўлланма

Ўзбек ва рус тиллари кафедрасининг 2017 йил “___” ___ ,
(___ - сонли баённома) мажлисида
кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсияланди

АКТ соҳасида касб таълими факультетининг илмий-услубий Кенгашида
кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсияланди
2017 йил “ ” , - сонли баённома

ТАТУ илмий-услубий Кенгашида
кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсияланди
2017 йил “ ” , - сонли баённома

Муаллиф Ахмедова М.Х.

Тақризчилар: Гаюбова К.А. ТАТУ ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта
ўқитувчиси

Бердиева М.А. Тошкент Молия институти доценти, педагогика фанлари номзоди

- [1] Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент 2008й.
- [2] Игнатьев Е.И., Лукин Н.С., Громов М.Д. Психология. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент 1970й.
- [3] Игнатьев Е.И., Лукин Н.С., Громов М.Д. Психология. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент 1970й.
- [4] Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент. 2008й.
- Савова М.Р., Риторика. Конспект лекций, -М., 2005, -С. 42.
- [5] Об ораторском искусстве. -М., 1973, -С. 172.
- [6] Анисимова Т.В., Гимпельсон Е.Г. Современная деловая риторика. Учебное пособие. 2002 ISBN: 5-89502-304-5
- [7] Савова М.Р., Риторика. Конспект лекций, М., 2005, 42с.
- [8] Стернин И.А. Практическая риторика в объяснениях и упражнениях для тех, кто хочет научиться говорить. - Воронеж: «Истоки», 2011. - 169 с.
- [9] Алисейко Е.Н.. Конспект лекций по риторике (для студентов юридического факультета заочной формы обучения). Севастополь. 2009
- [10] Магзумова Ш.Ш., Махмудов И.И., Хайдарова Г.Ш., Мирджураева Н.Д Нотиқлик санъати.Ўқув кўлланма. Тошкент - 2014
- [11] Поварнин С.И. Спор: о теории и практике спора. // Вопросы философии. -М. 2003.
- [12] Алисейко Е.Н.. Конспект лекций по риторике (для студентов юридического факультета заочной формы обучения). Севастополь. 2009
- [13] Магзумова Ш.Ш., Махмудов И.И., Хайдарова Г.Ш., Мирджураева Н.Д Нотиқлик санъати.Ўқув кўлланма. Тошкент - 2014
- [14] http://www.elitarium.ru/2005/11/09/print:page,1,priemy_upravlenija_vnimaniem_v_delovom_obshchenii.html
- [15] Суховершина Ю. В., психология фанлари номзоди, Москва очик ижтимоий академияси ижтимоий психология кафедрасининг доценти.
http://www.elitarium.ru/2011/03/28/pravila_vzaimodejstvija_s_auditoriej.html
- [16] Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. М.Высшая школа, 1989
- [17] Рождественский Ю.В. Общая филология. — М.: Фонд "Новое тысячелетие", 1996.— 326 с. ISBN 5-86947-019-6
- [18] Психология фанлари номзоди И.И.Аминовдан парчалар.http://www.elitarium.ru/2005/08/17/print:page,1,proksemika_i_prostranstvennye_uslovija_obshchenija.html
- [19] Управление персоналом: теория и практика. Этика деловых отношений. Под ред. Кибанова А.Я.. Издательство "Проспект", 2014 г. , с. 117